

**САЛИМ АШУР**

# **КАТТА ОФТОБ**

*Шеърлар ва дostonлар*

«Akademnashr» nashriyoti

**МАJBURIY NUSXA**

Тошкент  
«Akademnashr»  
2013

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7 - *Ўзб. араб.*

A94

A94 Ашур, Салим

Катта офтоб: шеър ва дostonлар / С.Ашур. –  
Тошкент: Akademnashr, 2013. – 400 б.

ISBN 978-9943-4118-5-2

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

*Қўлингиздаги тўпلامни ўқир экансиз, ундаги шеърлар қалбингизни ватан кенгликларига туташтириб, улканлаштиради. Йўлингизга термилган онангизни эслаб, дунё гўзаллигига маҳлиё бўлиб бораётган ўзингизни айблайсиз. Хокисор ва содда, меҳнаткаш ва ориятли ўзбек тимсоли бўлган отангизни улгайган фарзанд сифатида тушуна бошлайсиз. Муҳаббат қувончи ва изтироби, унинг бебаҳо ва бевафолигидан оҳ чекаркансиз, бошқа инсонга – Салим Ашурга айлангандек бўласиз.*

2014/14 А 1227	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
----------------------	--

1042226  
3

ISBN 978-9943-4118-5-2

© Салим Ашур «Катта офтоб»

© «Akademnashr», 2013

## ИССИҚ УЙ

Баҳор қалъасининг қутволи –  
Қуёшда қирларнинг иқболи,  
Ҳилолда тунларнинг саволи,

Бешик ва беланчак кенгликлар,  
Тоғимга ёқалик, энгликлар,  
Боғимга, дарёмга тенгликлар,

Юзимга ранг берган гулларим,  
Кўзимга тонг берган чўлларим,  
Дилимни ўстирган йўлларим,

Умримга ҳарф сочган китоб бу,  
Отамдан, онамдан – офтоб бу,  
Онгимни уйғотган хитоб бу,

Бу сувлар бунчалар тиниғ-эй,  
Тошлари кўп майда синиғ-эй,  
Балиғи чиройли қилиғ-эй,

Уларда аждодлар нигоҳи  
Келади – минг йиллар гувоҳи,  
Гувоҳлар соғинчнинг сипоҳи,

Турналар бир текис чизилган,  
Тераклар чизиққа тизилган,  
Қиёқлар қулоғи чўзилган,

Ҳавода варрақлар парпирар,  
Болалар қалбига талпинар,  
Ҳар қалбда биттадан алп унар,

Она, сиз тебратган бешигим,  
Ота, сиз тафт берган эшигим,  
Одамлар, сиз билан хешлигим,

Эгнимга ярашган кийим шу,  
Тирикман – энг тирик куйим шу,  
Кўз юмсам – энг иссиқ уйим шу.

Энг иссиқ уйим шу...

**БАТАН**

Бугдойим, сомоним,  
Гулим, янтогим,  
Боғларим, тоғларим,  
Менинг тошларим...

Сиз-ку акам, укам,  
Опам, синглимдек  
Энг яқин, энг яқин  
Қариндошларим.

Бир пиёла чой ва  
Бир қошиқ ёвфон,  
Битта иссиқ нондан  
Дастурхон тузган.

Оғалар, инилар,  
Қаторингизда  
Менинг фарзандларим  
Гуркираб ўсар.

Юмшоқ ёстиқ қўяр,  
Ҳориб тин олсам,  
Менинг ўз уйимдек  
Шу юрт, шу Ватан.

Отам ўз жонини  
Топширган тупроқ,  
Ҳар бир зарранг билан  
Сен меникисан!

## ОНА ТИЛИМ

Парча тошга мангу умр бахш этган  
Она тилим.  
Қояларга боқий битик нақш этган  
Она тилим.

Кўзларимга дунёни чин кўрсатган  
Она тилим.  
Отам, онам, кимлигимни ўргатган  
Она тилим.

Мудраб қолса, бутун халқни уйғотган  
Она тилим.  
Китобларда ёнган, гоҳо муз қотган  
Она тилим.

Бир миллатни бир Ватанга жамлаган  
Она тилим.  
Фарзанд учун чўнг тарихлар ғамлаган  
Она тилим.

Тандирларда онам ёпган иссиқ нон –  
Она тилим.  
Тупроқларга ташламайман ҳеч замон –  
Она тилим.

Ҳар ўзбекка ору номус бўлдинг сен,  
Она тилим.  
Ўзгаларга қиёмат дўст бўлдинг сен,  
Она тилим.

Бир болангман, устим ёпдинг, совқотсам,  
Она тилим.  
Мен қалқонман, биров сенга тош отса,  
Она тилим.

Даҳоларга алла айтган олтин бешик –  
Она тилим.  
Булбуллардан ёш оқизган олтин қўшиқ –  
Она тилим.

Қулогимга тилла ишқдек қуйилгансан,  
Она тилим.  
Юрагимга исмим бўлиб ўйилгансан,  
Она тилим.

## ТЕМУР МУҲРИ

Соҳибқирон Амир Темурнинг  
таваллуд кунига

Даврон китобини Инсон яратгай  
Ва унга қўйгайлар Ҳаёт деган от.  
Башар нигоҳини бизга қаратгай,  
Туркистон тарҳига муҳр босган зот.

У буюк тарихга солган улуғ йўл,  
Қуёшдек кўтарган ғурур тожини.  
Унинг ҳузурида қовуштириб қўл  
Ҳануз келтиргайлар шараф божини.

Жаҳонни бузганда жаҳонгир бари,  
Замонни қайтадан тузган тузуклар.  
Ёнганда дунёнинг авра-астари,  
Бунёдкор, бинокор бўлган буюклар.

Эгнидан дашт чангин қоққан у аср,  
Адолат дастури ўчирган доғлар.  
Битта ғишт ўрнида қарқара қаср,  
Бир дарахт ўрнида жаннатдек боғлар.

Илм-тафаккурга йўл очилди кенг,  
Миллат шаҳарлари қад ростладилар.  
Миллат иродаси мангуликка тенг,  
Мардлар мангуликка ор асрадилар.

Тамуддуннинг букри суягин, ҳайҳот,  
Тўғрилаб қайтадан бахш этди ривож.  
Ўлкамни қилса-да, озод ва обод,  
Унга ҳам баъзида замон келди кож.

Совуқ суронларни совуриб яна,  
Ғолиблик ёрлигин келтирди буроқ.  
Осон эмас ҳар кун қилмоқ тантана,  
Осон эрмас-ку бу майдонда турмоқ...

Пойтахт, бошланганда кун юмушлари,  
Соҳибқирон вақти урар экан бонг,  
Элчилардек келар баҳор қушлари,  
Қуёш тараддудга тушади ҳар тонг.

Тулпор шиддатида эрклик журъати,  
Юртга ёйилгайдир эрклик руҳи жим.  
Етти иқлим боқар тошиб ҳайрати,  
Темур «панжасига панжа урган» ким?..

Давр дафтарига хат битгай котиб,  
Биз ким... Бош бўғинмиз... – боқий, барҳаёт.  
Жаҳонни бўйлайди идрокка ботиб  
Ватаним тарҳига муҳр босган зот.

**ЎЗБЕК ОФИЦЕРЛАРИ**

Диёримнинг қалқони,  
Озодликнинг посбони.

Бобомерос ори бор,  
Ҳар сўзин залвори бор.

Юрт байроғи – номуси,  
Қасамёди – қомуси.

Қуёш билан елкадош,  
Бардошидан синар тош.

Машқ ўтида чиниққан,  
Вулқон каби куч йиққан.

Осмонда ҳам, ерда ҳам,  
Чегарада, қирда ҳам,

Собитдир қасамида,  
Ўт чақнар қадамида.

Қатъияту ирода –  
Унга қонун-қоида.

Юлдузи кўк тоқида,  
Халқимнинг ардоғида.

Кифтида иқбол гуллар,  
Шиддатни шаҳдга улар.

Садоқат қуролидир,  
Тинчлик шаън, аъмолидир.

Миллатни, юртни ўйлаб  
Бедордир сарҳад бўйлаб.

Юртни қилса ҳимоя,  
Ҳеч зог сололмас соя.

Алпомишдек келбати,  
Унга ким тенг келади?!

Ватанга фидо жони,  
Асрар Ўзбекистонни.

Ўзбек офицерлари,  
Миллатнинг мард эрлари!

## ЮРТИМ МЕНИНГ

Алпомишлар улгаяди бешикларда,  
Мусичалар ризқ теради эшикларда,  
Гулу гиёҳ унар тирқиш, тешикларда,  
Тупроғини отам суйган юртим менинг.

Мен ҳаётни таниганман нон ҳидидан,  
Балки, айрон, балки, райҳон ё тутидан,  
Адашганлар йўл сўрар ҳатто итидан,  
Сувларини онам суйган юртим менинг.

Ғўза чопдим, пода боқдим, титдим китоб,  
Озодликка ким берди, ким бермади тоб,  
Мана энди кўкрагимга тегди офтоб,  
Фарзандимга қуёш тутган юртим менинг.

Қишлоқлари қутга тўла буғдойзордир,  
Шаҳарлари гулга тўла гулузордир,  
Қизларининг изларига бир ой зордир,  
Ҳар тонгидан тўйлар кутган юртим менинг.

Йўлларимиз туташади битта йўлда,  
Амир Темур тутган маёқ юксак қўлда,  
Ўз томини баланд тиклаб ўнгу сўлда,  
Дунёга ўз номин айтган юртим менинг!

\* \* \*

Оламни ўзгартирди қор,  
Одамни ўзгартирди қор.  
Керишолмай муз қотса анҳор,  
Оқ ҳарирга тушмасми губор,  
Тўкилмасми дунёдан оҳор?

Оқ боғларни қор ипи боғлар,  
Эгилади юкли бутоқлар,  
Нур ёяди маҳзун чироқлар,  
Кўзларингда шаҳло булоқлар –  
Оқ оламда қора қароғлар.

Совуқ... Совуқ... соғми ё бемор?..  
Кафтларимга қўнса тансиқ қор,  
Вужудимдан кетиб ихтиёр,  
Лабда суйиб исминг, дилбар ёр,  
Шивирлайман интизор ва зор.

Оппоқ олам сеники бўлсин,  
Қувонч, алам сеники бўлсин,  
Қоғоз, қалам сеники бўлсин,  
Бошидаги қорни қоқмаган,  
Телба одам сеники бўлсин!

Телба одам сеники бўлсин!

**КАТТА ОФТОБ**

Тоза осмон. Катта офтоб.  
Нур ва қор ялтирайди.  
Оқ саҳифа. Иссиқ китоб.  
Киприklar қалтирайди.

Қўш мисрада чана ўтар,  
Қўлни куйдирар қўлқоп...  
Томошага навбат кутар  
Тоза осмон, катта офтоб.

**ҚОР МАЛИКАСИ**

Қор маликаси, қор маликаси,  
Қишнинг энг суюкли қизи.  
Кўзида мовий булутларнинг,  
Лабида қуёшнинг изи.

Қор маликаси, қор маликаси,  
Олов сочларида қор учқунлари.  
Нега юрагимда ишқ таҳликаси,  
Нега еру кўкда дил кукунлари?

Қор маликаси, қор маликаси,  
Тиллақоши кумуш, энг, ёқаси зар.  
Интиқ кўнгилларнинг эркаси,  
Осмонлардан келтир ерга оқ хабар.

Қор маликаси, қор маликаси,  
Этигининг гарчи-ғурчи маънодор.  
Қўлларига шамол тутади жонин,  
Қадамига майин тўшалади қор...

Қор маликаси, қор маликаси...

## ЁШЛАР ҚЎШИҒИ

Ўзимизни чоғлаб улуғ ҳимматларга,  
Биз тайёрмиз миллат учун хизматларга,  
Бир қаричинг алишмасдан жаннатларга,  
Онамиздек асрагаймиз сени, Ватан.

Баланд тутиб қуруримиз, оримизни,  
Юртга бериб юракдаги боримизни,  
Ёвга бермай ёмғиримиз, қоримизни,  
Отамиздек асрагаймиз сени, Ватан.

Ватан тоза севгилардек суюк бўлмай,  
Буюк юртнинг фарзандлари буюк бўлмай,  
Ёғийларнинг бағри доим куюк бўлмай,  
Ёримиздек асрагаймиз сени, Ватан.

Биз ёшлармиз – фидоликдир матлабимиз,  
Ватан бизнинг уйимиз ҳам мактабимиз,  
Ҳимояда метин бўлар сафларимиз,  
Оримиздек асрагаймиз сени, Ватан!


## ТАЪТИЛДА

Уй музлади – болаларим кетиб қолди.  
Тўрт девор орасида изиллайди печ.  
Қалам қайда, қороз қайга йўқолди,  
Шунчалик ҳам қора бўладими кеч?

Телевизор экранин ранглар тарк этган,  
Ғариб пиёлада сарғаяди чой.  
Пичоқ сабрларнинг суягига етган,  
Мунғайган деразадан термилади ой.

Парда шалвираган, инграйди эшик,  
Кута-кута сўлар сабзию пиёз.  
Ухласам – уйқу ҳам минг жойдан тешик,  
Кириб келаверар қиёфа, овоз.

Қутбларни боғлар сезгим толалари,  
Чертса увиллайди мен билмаган куй.  
Тўрт деворни менга ташлаб кетди болаларим.  
Қуёшларим кетди – музлаб қолди уй.



\* \* \*

Қайтар дунё, қайтар дунё, дунё қайтар...  
 Минг йиллардан буён келар қайсар хабар,  
 Ёшлик ўтар, даврон ўтар, ўтар падар,  
 Инсон фақат кетгувчига видо айтар,  
 Кетган жойинг чароғонми, азиз она,  
 Ўксик ўғлинг чароғонми, азиз она?

Мушфиқ опам, мунис синглим, метин оғам,  
 Қўзларингиз сурмасида кўрмай ҳеч гам,  
 Барчамизда нимадир кўп, нимадир кам,  
 Ёгиларму ҳовлимизга файзу карам,  
 Кетган жойинг чароғонми, азиз ота,  
 Мазлум қуёш чароғонми, азиз ота?

Фарзандларим – гулдек ўсган ўғил, қизим,  
 Қўзиларим, мададкорим, кўрар кўзим,  
 Сизга бир ор қолдирсаму кетсам ўзим,  
 Эслармисиз мени, агар ўчса изим,  
 Қачонгача турар экан қурган уйим,  
 Кечаларда йиғлатарми маҳзун куйим?

Кимларгадир асқотарми меҳнатларим,  
 Тушунарсиз қолмасмикан заҳматларим,  
 Сизга малол келмасмикан ҳасратларим,  
 Тўлқинларим, мавжлариму ҳайратларим,  
 Болалигим, тупроқ кўчам мангу бедор,  
 Сиздан ўтсин шўх болалар миниб тулпор.

Эй дунёнинг толе тўла пучмоқлари,  
 Отам, онам, дўстларимнинг хуш чоқлари,  
 Таманною истиғною ардоқлари,  
 Уфқларда қолиб кетган қишлоқларим,  
 Номим сизда қолсин, ўзим кетсам агар,  
 Бордимикан каптарларга мендан хабар?..

**СОФ НАФАСЛАР**

Баҳорми соф нафаслар сочкан,  
Кўнгилни илитган баҳорми?  
Яшил ғилдиракли аравасида  
Кўзига ёш тўлиб Атиргул борми?

Бодларрагу бодларрак,  
Сочининг тори гажак.  
Қарогининг найчаси,  
Қошларининг қайчиси  
Қирқди-ку ҳаётимни,  
Қирга айтай додимни.

Баҳор, Атир кўнглига  
Менинг отим бўлиб кир.  
Соғинсин ва ўксинсин,  
Менинг ёдим бўлиб кир.

Пушаймон бўлсин у, пушаймон бўлсин,  
Чексин ўзи каби чиройли афсус.  
Баҳор, Атиргулнинг кўнглини эрит,  
«Севаман» деб йиғлаб юборсин туйқус.

Мени ранжитгани учун йиғласин,  
Ҳар лаҳза йиғлайман, сиқтайман.  
Суймагани учун гар ичи куйса,  
Оёғини ўпиб тўхтаман...

Баҳорми соф нафаслар сочган,  
Кўнгилни илитган баҳорми?  
Яшил ғилдиракли аравасида  
Кўзига ёш тўлиб Атиргул борми?

**САРБАСТ СЕВҒИ**

Чумолилар тоғни кўраркан  
Тошбақанинг ясси тошида.  
Юрагимни қиличлар тилди,  
Атиргулнинг қаро қошида.

Муҳибиман кўзларидаги  
Чақноқ, порлоқ дурдай донанинг.  
Деразасин олдида тун-кун  
Қўриқлайман ул жононани.

Қиз уйининг бўғотларига  
Илдим ундов белгиларимни.  
Ойнасига нақшлаб кетдим  
Ўжар, сарбаст севгиларимни.

Узун-узун бармоқларига  
Ҳали олтин узук тақаман.  
Оғушида дарёга чўккан  
Ярадор қуш каби оқаман.

Қирларида қабоқларининг  
Чаноқ-чаноқ бахтимни терай.  
Онасига гуллар бераман,  
Отасига пуллар бераман

Ва ўзига... ўзимни берай!

Нигоҳимни муҳрлаб қўйдим  
Атиргулнинг қаро қошига.  
Юрагимни тош каби отдим  
Йигитликнинг ишқ талошига.

**МАНИМ ОНАМ...**

Маним онам тупроқ эди,  
Лек оқлиги кўпроқ эди.  
Зар зарраси – ҳар яраси  
Сўнгагимга қайроқ эди.

Эна, кетай, мени қўйвор,  
Икки кўзим икки Жўйбор.  
Мозорни тор дема, ай, йор,  
Боримизга етар жой бор.

Эна, кетай, қўйвор йоки,  
Йоки олгил қучоғинга.  
Нечук ўғил ўлдум токи  
Ўтин ўлмай ўчоғинга.

Маним онам дарахт эди,  
Яфроқ каби кетгим ташлаб.  
Санг-сахт онам келолмайдир,  
Қўйвормайди тошлар, даштлар.

Маним онам баҳр эди,  
Кетиб қолдим гўё наҳр.  
Бошим оғар нишаб ёққа,  
Суйим бўлиб қолди тахир.

Маним онам эсанг тандир,  
Оғушингда қани ёндир.  
Ҳали-ҳамон узма, эна,  
Ўғлинг ёпилган бир нондир.

Йонгинамда йонган ўлим,  
Қонларимга қонган ўлим,  
Чор-ла-ма-гил, чор-лай-бер-ма...  
Сен тарафга эмас йўлим.

\* \* \*

Хирмон – бир ҳовуч тонг.  
Чигиртка – қора юлдуз.  
Сочларига занжирланган тун билан юзини ёпиб,  
Мизғир  
Кўкрагини кўтариб чарчаган қиз.

Пахтазорда адашдим саргашт тунда,  
Узоқдан липиллаб кўринди чироқ –  
Рўмолини тарози ҳалқасига илиб  
Қиз ухларди кўзлари очиқ.

## ОКТАБРЬ

Сўнги қатра қонин тўкиб курашмоқда дарахтлар,  
Аскарларин хунига ботди қуёш ичган боғ.  
Марду номард қолмади,  
Шаҳидлардан қолди фақат ойдаи ялов беардоғ.

Бир атиргул – келинчакдай сулув, сузгун, суюмли,  
Жангчилари қолмаган туғ каби азиз, маҳзун.  
Кунлар бошда кўтариб чопарлар ўжар гулни,  
Атиргулнинг бошида чарх уради бир қузғун.

\* \* \*

Дарахтларга чиқиб олган тонг  
Оёғини осилтириб тушади.  
Шохи туморли сигирини  
Момом подага қўшади.

Пода кетар – далада тонг тўзийди,  
Тупроқли йўлларда излар аралаш.  
Қуёшни уйғотгани кетмон олиб чиққан  
Ўн олтига тўлган, тўлмаган қизлар аралаш.

Оғилдаги бузсқ мўлайди,  
Подага қўшиб бўлмади ҳали...

**ЁМҒИР**

Чарчамади чўзилган ёмғир,  
Қарай-қарай кўзлар толдилар.  
Нафас олиб оғирдан-оғир,  
Эшикка суяниб қолдилар.

Кун бўйи, кунбўйи, ку-унбўйи  
Чарчамади чўзилган ёмғир.  
Тун куйи, тункуйи, ту-ункуйи  
Аччиқ чоғир ва сочиқ, сағир.

Кун бўйи, кунбўйи, ку-унбўйи  
Деразадан боқдим очунга.  
Кўз тўлди топ-тоза, ям-яшил  
Гултувакта ўсган тутунга.

Кун бўйи, кунбўйи, ку-унбўйи  
Дераза ёнида ўтирдим.  
Тун куйин, тункуйин, ту-ункуйин  
Ўзбек тилига ўгирдим.

## ҚОРА ОСМОН

Қора осмон, қора осмон,  
Қайғу янглиғ қоп-қора.  
Сара сомон, сара сомон,  
Сигир соғади наъра.

Қора осмон, қора осмон,  
Сағри янглиғ қоп-қора.  
Булут чопар уюрсимон,  
Тилимни тишлар яра.

Қора осмон, қора осмон,  
Фор ичидай қоронғу.  
Кўприкда йўл тўсар тўзон,  
Ўзни сувга от, уйқу.

Уйқу, уйқу, қаноти ҳўл,  
Пайтаваси ҳўл уйқу..  
Кулча бўлиб ўралар йўл,  
Адашади оқ айғир.

Айғир, айғир, қулоғи туғ,  
Ёлларида жанг-жанжал.  
Ҳилол чалар тилло бурғу,  
Қўшин тортади жангал.

Бурғу, бурғу, тумор бурғу,  
Отиб олдингми чоғир?  
Шохларини чархлар буғу,  
Тўши кўзимдай яғир.

Тумор, тумор, зуннор тумор,  
Қуш ютган динор – юлдуз.  
Келма зинҳор, кўзи хумор,  
Қорда бор анор – юл, уз.

Кўзи хумор, кўзи хумор,  
Кўзларида қиш, баҳор.

Керак бўлгум, мени ўмар,  
Фақат билмасин ағёр.

Қушим, қушим, олтин қушим,  
Чин тепага қўнган қуш.  
Капалакдай учди ҳушим,  
Ёнимга туш, пастга туш.

Буғу, буғу, сандоғида  
Ханжар, тавар қиличи.  
Сандон, тандир ўчоғида  
Оғу ва чўғ, қил учи.

Қора осмон, қора осмон,  
Дунё – қоп-қора камар.  
Парча-парча олов билан  
Булут йиртиғин ямар.

Қора осмон, қора осмон,  
Пастда шовуллар дарё.  
Ул қирғоқда чинорлар бор,  
Бул қирғоқ зулмат аммо.

Дарё, дарё, улуғ дарё,  
Сув ичар ташна тўқай.  
Кўлни кечиб пода ҳайдар  
От минган қора лақай.

Пода ҳайдар, пода ҳайдар,  
Йўлни тўсар қамишзор.  
Сув тагида тошзор каби  
Ухлаб ётар балиқзор.

Қип яланғоч ётар қумлоқ,  
Қўлимда титрар фонус.  
Кириб олиб тошчироққа  
Пуфлаб ўчирар инс-жинс.

Қора осмон, қароликка  
Қайиғим чўкар-чўкар.  
Адашган ой юзларимга  
Раҳмат нурини тўкар.

Қора осмон, қора осмон,  
Йўлин йўқотар дунё.  
Бир-бирини тополмайди  
Сайёраю сурайё.

Қора осмон, қора дунё,  
Менинг ғамимни ема.  
Ўзингга боқ: ўзинг – қумга  
Тиқилиб қолган кема.

\* \* \*

Мункиллаган қария – қуёш  
Жимирлайди шароб тўла косадай.  
Чўққилар дўпписиз йигитлардай  
Узатади бири иккинчисига.

Кўкрагига яшил пичоқ санчилган йигит  
Тухумни ичкандай,  
Дорини ютгандай  
Коса билан ичиб юборди майни.

\* \* \*

Ой сариқ тулкидек қочиб боради,  
Юлдузлар йўлини ёритар.  
Булутларнинг пашнахонасидан  
Хушбўй хаёллардек эланиб ўтар.

Бўйинини қиличга тутар қалампир.

**ТОШ**

Булутлар гуллардай очилди,  
Гужумлар – супурги кўтарган фаррош.  
Тераклар – дунёга ундов белгилар.  
Менинг юрагимга ўхшайди бу тош.

Бу тош илк севгимга ўхшайди менинг,  
Кўзларим ичида игнадай унут.  
Тошга қўл теккизсам, жоним ёнади,  
Чақмоқдай қарсиллаб синади сукут.

Тош кўтарган юрак қабарар қат-қат,  
Келинчак гул каби майин эгилар.  
Мен сени кўтариб чарчамадим, Тош...  
Тераклар – дунёга ундов белгилар.

**АЁЛ**

Дарахт – Аёл билан баробар:  
Тўрт фасл тўрт эркакдай  
Айланади теварагида.

Дарахт – Аёл билан баробар.  
Бир-бир қабул қилар тўртталасин ҳам  
Ва бўлиб ташлайди ўзин чоракка.

Сиёҳлар ажратар баҳордан,  
Ёздириб олади ёздан ҳам тилхат.  
Кузда барчасини йиртиб, ўт қўйиб,  
Ўзини яланғоч топширар қишга  
Аёлга ўхшаган Дарахт.

\* \* \*

Бугун шанба, эрта якшанба...  
Гўё тугаб қолади умрим.  
Дунё менга керак эмасдай,  
12 да ўрнимдан турдим.

Бугун шанба, эрта якшанба,  
Соқол ўсар икки кун эркин.  
Хурриятка ҳали кўникмай  
Эрк ҳам тугаб қолади секин.

Бугун шанба, эрта якшанба,  
Эрта ёмғир, бугун қор ёғар.  
Ҳеч ким келмас мени кўргани,  
Почталар ҳам келтирмас хабар.

Бугун шанба, эрта якшанба,  
Ухлаёткан оловлар ҳар ён.  
Бир-бирининг қўлидан ушлар  
Гузар, гулзор, ҳаммом ва дўкон.

Бугун шанба, эрта якшанба,  
Пичан чайнар шамол – кўк отим.  
Кулбанинг бир кунжида нондай  
Синиб ётар бўрон – қанотим.



## ДУНЁ

Тандирга бекитар осмонни онам,  
Тандирнинг оғзида эски тоғора  
Ва осмон пуштида ойлар кўқарар...  
Ойлар гуллайверар тобора.

Билаклар бўғилар енгча ичида,  
Рапида узатар бир сават хамир.  
Онам бармоқлари пишган танганинг  
Юзига сув сепиб жазиллатади.

Шу митти осмонда бир ой учади –  
Кулча.  
Ўткир ҳид таратар тушиб қуяётган ой.  
Кўзим ҳовучига тўлган жаҳондир,  
Бу – тандир,  
Бу – онам.

Ўчоқ, олов – денгиз, қозон – кемадир,  
Сут қайнаётир:  
Тонг чодир кўтарса қозон бошида,  
Бармоғимни тикиб йиртаман.  
Говмишнинг ҳидини таратар бу сут,  
Қора атиргул – чойўчоқ,  
Бу – опам.

Мен қўшиқ айтаман, ҳовли рақс тушар,  
– Мен бораман шаҳарга,  
Узоқ юртлар тарафга...  
– Мен ҳам борай, –  
Бу – укам.  
– Момомни ҳам олиб борамиз, –  
Бу – мен.  
Шафтоли суягин синдирар бахтдан,  
Заҳмидан салқийди ширамўмиё.

Бир-бир хабар олиб дарахт ҳолидан,  
Оғриғидан бир тишлам олиб қайтарлар  
Ёлғизоёқ йўлдан қора чумолилар, –  
Бу – дунё.

### ЭНГ ҲАЛОЛ ГУНОҲ

Кечир мени, бокира туйғу,  
Пешонамнинг ёзмишин қирма.  
Шайтонларнинг йўлига кирдим,  
Хиёнатнинг йўлига кирма.

Кечир мени, бокира туйғу,  
Гул ҳидини унутдим, наҳот!  
Бахш этганинг – ҳижронга уйғун  
Силамади бошимни ҳаёт.

Ташлаб кетма, бокира туйғу,  
Эсламасам ёниб гоҳида.  
Гаҳи менинг қонимга ботдинг,  
Юрагимнинг шукру оҳида.

Кетма ташлаб, бокира туйғу,  
Қай йўлларга кирдим мен гумроҳ?  
Савоб тополдимми қалбимдан,  
Бокира ҳис – энг ҳалол гуноҳ?

## ТУН

Мана тун.

Тунда ҳам пойқадам бордир.  
Анжирлар киради сезмай ҳосилга.  
Коинотдан тушиб кириб борадир  
Тортанак йўлига, соч мисол қилга.

Мана тун.

Туннинг-да қўллари бордир.  
Дарахтга кўринмас тошлар отади.  
Сўнгра қучоқлашиб мевалар бирла  
Тупроққа беланиб ётадир.

Мана тун.

Туннинг-да кўзлари бордир.  
Ҳар не гуноҳимни кўргуси аён.  
Дунё-ку, аслида, қушга ҳам тордир,  
Қуш – куй қафасланган жони бор ошён.

Мана тун.

Туннинг-да қулоқлари бор,  
Кўзларим шивирин тингламоқда у.  
Кўксим тандирига нонлар ёпади,  
Садоқатдай ҳалол, ишончдай эзгу.

Мана тун.

Туннинг-да тиллари бордир,  
Менинг сўзларимга жонин эмирар.  
Ҳовли четидаги мушукваччалар  
Бир-бирини эмас, тунни кемирар.

Мана тун.

Туннинг-да оёқлари бор,  
Қабогимда қолар излари.  
Тун юрар. Рангларин кийиб олмоқда  
Сурхон деган даштнинг жамил қизлари.



## ТОШЛОҚДА

Шу ерда сўзларнинг кичик, каттаси,  
Сўзларнинг ранглари.

Шу ерда

Силлиқ, дағаллиги сўзларнинг.

Сувлар шилдираб,

Қуёш эриниб

Сўрийди сўзларнинг таъмини шунда.

Асрлардан буён тошга айланган

Юракларнинг мозори шунда.

\* \* \*

Сени ишонмадим дунёга,  
Кўзимнинг ичида авайлаб юрдим.

Сени ишонмадим дунёга,  
Кўзимнинг ичига яшириб қўйдим.

Сени ишонмадим дунёга,  
Зиндонга ташладим – кўзим ичига.

Сени ишонмадим дунёга,  
Зиндон атрофига панжара тердим.

Сени ишонмадим дунёга,  
Кўзим деворига расмингни ўйдим.

Сени ишонмадим мозорга,  
Кўзимнинг ичига дафн этиб қўйдим.

\* \* \*

Баҳор келса – келади аёл,  
Ойга ўхшаб тўлади аёл.

Ялангоёқ ўтиб тошлоқдан  
Нигоҳимга суянар аёл.

Йўлларига чакалак битса...  
Кўзгу, тароқ, чақмоқтоши бор.

Сиртморига осар қўлининг  
Вужудидан айлаб менга дор.

Чўлларимга, саҳроларимга  
Ёғмур бўлиб ёғади аёл.

Юлдузлардай порлар гаплари,  
Гулдай очилади лаблари.

Қошларини қиличдай қайрар,  
Кўкрагида қалқонлари бор.

\* \* \*

Кеча кечди кўчадан.  
Кўчди. Қочди. Ұчди.  
Кечаги қор мунғайган,  
Кечаги қор кир.

Бунча ғариб қордаги излар?  
Оёқлардан туғилган тилсим.

Қордаги из – сўлғин-сўлғин гул.  
Қордаги из – қордаги кўз,  
Мунг айланар доирасида.

\* \* \*

Кўзларимнинг бири ёш тўкар,  
Иккинчиси ўзлаштирмақда  
Йиғлашларнинг қоидасини.

## ЯНГИ ЙИЛ

## 1

Хонтахтанинг тўрт тарафига  
Тўртталамиз ўтирдик, гўё  
Нил гумбазнинг гирд-атрофига  
Тўн ёйгандек тўртта авлиё.

Май тўла тўрт нилий косада  
Тўрт юрак тош мисоли йитар.  
Бизни бир дард жам қилган: бизни  
Севгувчи қизлар йўқ, йигитлар!

Пиёлалар бўм-бўш. Ўртада  
Давом этар афғон уруши!  
Бир янги хавф яқин: кутилар  
Тўрт йигитнинг ишққа юриши.

... Нега йўқдир уруғи қорнинг,  
Нега йўқдир ёмғир кўчати?  
Бўлса эди – қорлар экардик,  
Ёмғир ўтқазардик кўчада.

... Бўлса эди, қорни пахтага,  
Ёмғирни Оролга пайванд этардик.  
Биз – тўрт йигит кулардик маъжос,  
Жилмаярдик эски йиллардек.

## 2

Янги Йил,  
Тунда келдинг,  
Келишингни кўролмай қолдим.

Сени кутдим. Кўзаларим толди.  
Оёқларим кўчага борди.  
Сени кўргач, чидолмай Осмон  
Қорларини тўкиб юборди.

## 3

Сени кутиб сочим оқарди,  
Қордай зриб кетди дил, тана.  
Яна дунё эскича қолди,  
Ўзгармади ҳеч нарса яна.

Янги Йил,  
Тунда келдинг,  
Келишингни кўролмай қолдим.

**ҶИШЛОҚДАГИ АЁЛ**

Куздаги чечакдай қовжираб борар,  
Ёрилган лабида қуёш эрийди.  
Юракни қамалга олмаса орлар,  
Каллакланган тутдай эрта қарийди.

Тонгни тебратади кўкраклариди,  
Махфий вужудида ўстирар чистон.  
Сочларидай узун эмгаклариди  
Чистонни танидим, бу – Ўзбекистон!

Ҳасратдай қовжирар. Гуркираб ғўза  
Кўсаклари узра тутиб турар барг.  
Қуёш боласини алдаб овутса,  
Аёл пахтазорни этолмагай тарк.

\* \* \*

Ғўзадай серҳосил аёлнинг,  
Ғўзадай серпушт аёлнинг  
Биринчи ўғли – сувчи,  
Иккинчи ўғли – сувчи,  
Учинчи ўғли – сувчи...  
Ўзи эса  
ҒЎЗА...

**КУРТАК**

Куртак, сен булутнинг томчиси,  
Ўсиб осмон, дарёга айлан.  
Ёмгир сувларига ювинган япроқ,  
Сен осмонга ўхшайсан айнан.

Япроқ, сен дарахтнинг яшил варраги,  
Ипни Мунча калта ушлаган бу қўл.  
Япроқ, сафарларга тадорик кўрма,  
Сен билан мен учун номаълумдир йўл.

Япроқ, улкан кўз ёш,  
Япроқ, мактубсан,  
Ким қистириб кетди сени дарахтга?  
Ўрхун – ҳарфларинг ўқийман бир кун  
Ва онгим тўлади ям-яшил бахтга.

Япроқ, сен дарахтнинг деразасисан,  
Даричангдан тушмакчи қуёш.  
Нозик томирингда офтоб оқади,  
Гуриллай бошлайсан, яшил қош.

\* \* \*

Юрагим кўзгусига соясин ташлаб ўтди,  
Армонлардан пастроқ, орзумдан баланд  
Лабларингнинг изини  
Ҳилол.

Қўлларингни гулдай авайлаб тутдим,  
Руҳимга қуюндай сочи гулмонанд  
Қўлларингнинг исини  
Шамол.

\* \* \*

Мен жони оғриган тоғман,  
Тошларга очаман сиримни.  
Йўлингда ётибман. Босиб ўтгин... ё..  
Бепарво ўтмагин, нодирим.

Мен жони оғриган қушман,  
Қушларга бераман тилимни.  
Эгаллайманми севгинг тўғрисида  
Илмсизликни ё илмни?

Ҳаққим йўқ кўчамдан ўтма дейишга,  
Севгисин айтолмай забонсиз қушман.  
Силаб ё жонимни суғуриб ўт. Мен  
Пойингда... жонлари оғриган тошман.

\* \* \*

Ойнинг кўзларига қонлар тўлади...  
Жулдур хаёллардай тўзғир булутлар –  
Юлдузлар шуъласин шаршарасида  
Соқолли бахшидай мизғир бургутлар.

Ой худодай ёлғиз...  
Юлдузлар ўтказар кўкда қурултой.  
Кўчада дарахтдай ёлғизгина қиз,  
Анордай чирсиллаб ёрилади ой...

\* \* \*

Эртага мен бахтли бўламан,  
Юрагимдан кетар аламлар.  
Мусаллам, муштипар руҳ сари  
Қўлларини чўзар одамлар.

Сандувочлар сайрайди – сано,  
Мен кўзаман – сўзга тўламан...  
Эртага кун ёруғ бўлади,  
Эртага мен бахтли бўламан!

## ТОҒ МАНЗАРАСИ

Тоғдан тушиб келаётган қўтослар –  
Қоялар  
Баданидан сув ўтлари оқади,  
Қулоқлари – нилуфар.

Қўтос писта дарахтига ўхшайди –  
Чайир,  
Туёғида тошларни ҳам синдирар,  
Кўзлари далаларда қилади сайр.

Тоғдан тушиб келар қўтослар,  
Тушиб келар бир пода Бўрон.  
Йўлбарслар мушуклардай кузатади жим,  
Қўтос мускулидай қабарар Турон.

Тоғдан тушиб келар қўтослар,  
Кўчади тошлар.  
Шамол шохларида бурғу чалади,  
Намланиб чимрилар шафақлар – қошлар.

Какликларнинг куйи остида  
Ойни тождай кийса хўрозлар,  
Шохларини тошларга қайраб,  
Тоғдан тушиб келар қўтослар.

## ЎТТИЗ ЯПРОҚ

**«МЕН» деган байт ичида туриб,  
ўттиз туйнукдан бирдан қараб,  
дунё ва ҳаётимнинг ушмундоқ  
ўттиз манзарасини кўрдим:**

Ортимга қарадим: ўттиз чақирим,  
Ҳар бир қаричимни кел деб чақирдим.  
Сира келмадилар чақирганларим...  
Қадаҳим ҳам ярим, умрим ҳам ярим.

Ортимда ўттиз йўл ётар чўзилиб,  
Ўттиз уй ўттиз бор кетган бузилиб.  
Ўттиз бор боғландим бақо гулига  
Фано дарахтидан баргдай узилиб.

Ўттиз пахса бўлди мен қурган бино,  
Томида ўлтирар мўйсафид дунё.  
Деворни кўтариб боравераман,  
Уй қулаб ўзимни босиб қолар ё...

Тириклик боғида бир мевадирман,  
Ўз рангим, таъмимга мен эгадирман.  
Пишсам, узиб олар Тангри таоло,  
Шундоқ даргоҳига мен етадирман.

Мени фалаклардан туширди малак,  
Учаман, қўнаман мисли капалак.  
Мен ўз нишонига шайланган ўқман,  
Ўттиз йил илгари отган камалак.

Ортимга қарадим: ўттизта тош бор,  
Тошдай қотиб кетган ўттиз бардош бор.  
Кўзларидан ойдин севинч қидирсам,  
Ўттизта тошнинг ҳам кўзида ёш бор.

Ой отилган тошдай учиб бормоқда,  
Ёнида замин ҳам кўчиб бормоқда.  
Сувга тушган тилла тангалар монанд  
Юлдузларим бир-бир ўчиб бормоқда.

Жаҳоннинг тоқига қўйилган нарвон,  
Ўттиз зинасидан ўтолдим омон.  
Мен юксакка чиқиб боряпман десам,  
Ровийлар айтдилар: ер қаъри томон.

Йигирма уч ёшда отамни кўмдим,  
Эҳтимол, илк бора ҳасратга чўмдим.  
Хушрўй кўринса-да кўзимга, тирик  
Бўлсам-да дунёдан кўзимни юмдим.

Эй одам, эй дунё, қандоқ сўроқсан?  
Гаҳи ақлга жуфт, гаҳи туроқсан.  
Шамол бўламан деб ҳовлиқма бунча,  
Ахир, тупроқсан-ку, ахир, тупроқсан.

Қачон ҳақ топибди шоирнинг сўзи?  
Бахти борлар учун ортиқча ўзи.  
Қўл силтаб қарасам ортга: келмоқда  
Йиғлаб иккита кўз. Онамнинг кўзи.

Ортимга қарасам: ўттизта қабр,  
Қабрлар ёнида ўттизта сабр.  
Шуларнинг ҳаммаси меники бўлса,  
Танграм, берганинг не – умрми, жабр?!

Йигирма саккизда кўмдим акамни,  
Унута олмайман ул аччиқ ғамни.  
Оталар изидан акалар кетар,  
Фарзанд тутиб турар кўҳна оламни.

Олдда кутаётир одил бир сўроқ,  
Менда савоб эмас, гуноҳ бисёрроқ.  
Боғларим – жавобим дея қарасам,  
Ортимда бор-йўғи ўттизта япроқ.

Ойнинг ўн бешини ёруғ дейдилар,  
 Ўн беши зулматга тўлуғ дейдилар.  
 Ортимга қарасам: нафақат ўн беш,  
 Ўттизимнинг бари тийро эдилар.

Барибир оламдан ўксиб кетаман,  
 Косамни устимга тўкиб кетаман.  
 Кетаман, бутунлай кетаман, лекин  
 Ўзимни дарахтдай экиб кетаман.

Кундан-кун қаддимни кўпроқ букаман,  
 Билъакс, кибр кўлига ёмон чўкаман,  
 Буюклар сояси сузган дунёда  
 Ўзимни сув каби қумга тўкаман.

Қумда нима кўпдир: турфа уруғ, чўп,  
 Дерлар: тариқдан-да тангри куни кўп.  
 Кун келиб ул уруғ кўкарса, унса,  
 Янтоқ бўларманми ё хасми бир тўп?..

Ортимга қарадим: дунёни ташлаб  
 Ўттиз Салим юрар дилини ёшлаб.  
 Водариғ, водариғ, мен нима дейман?  
 Уч дарахт экмадим ўттиз йил яшаб.

Ортимга қарадим: ўттизта терак,  
 Йўл оз қолганидан берурлар дарак.  
 Мени буғдой дони мисол янчади  
 Ва нонлар ёпади мендан чархпалак.

Қариндошсиз одам – устун тиргаксиз,  
 Яхшиям, одамзод эмас суяксиз.  
 Менинг ғамларимни темирга ортса,  
 Темир ҳам эгилиб қоларди, шаксиз.

Юз-кўзга ажинлар туша бошлади,  
 Ҳушлар қушлар каби уча бошлади.  
 Юзимда жин-ажин кўпайган сайин,  
 Кўнгил ажинлари кўча бошлади.

Ота болам деди, бола отам дер,  
Оёғим тагидан қоча бошлар ер.  
Юз ришта сочимни оқартиргунча,  
Дилнинг бир қилини оқартириб бер.

Одамлар ўтади, шамол қолади,  
Давронлар ўтади, завол қолади.  
Мудом бут кўзани кўрмади очун,  
Кўзалар синади, сопол қолади.

Эй одам, дунёга лол бўлма ҳеч дам,  
Кимнинг бири кўпдир, кимнинг бири кам.  
Ўттиз йиллик ғамни кўрмоқчи бўлсанг  
Менинг сувратимга боққил, эй ҳамдам.

Бунча кеч англадим ўзимни, Дунё,  
Бунчалар кеч очдинг кўзимни, Дунё.  
Тилимда тавалло, дилимда такбир,  
Ахир, нима қилсин сўзимни Дунё?

Севинчдан ҳасратни афзал билдим мен,  
Тахтдан муҳаббатни афзал билдим мен.  
Бировлар қасрда яшарлар, аммо  
Байтул-хароботни афзал билдим мен.

Ҳеч нега арзимас ҳеч битта байтим,  
Бир қултум сув ичиб юз шукур айтдим.  
Кўнгил совидию даврадошлардан,  
Ёлғизлик тиклаган кулбамга қайтдим.

Қизлар қолаверди сочларин тараб,  
Ўттизта йўл кўрдим ортимга қараб.  
Ўттизта қоядан тушиб ҳаммаси  
Ишқ деган бир даштга туташар, ё Раб.

Умрнинг ярмидан озроғи қолди,  
Эҳтимол, озию созроғи қолди.  
Харжлаш ихтиёри ўзимда, қандоқ  
Берсам, олувчимиз ўшандоқ олди.

Хасни бундан унга олиб қўймадим,  
Ўзга бино қўйиб ҳечам тўймадим.  
Қандоқ одамманки, шунча гуноҳни  
Кўрган кўзларимни ўзим ўймадим.

Мен етимман десам, дунё ҳам етим...  
Ўлсам, ўлиб қолсам, бу қандай асрор?  
Жаҳоннинг ранглари камаймас қатим,  
Фалакнинг нурлари озаймас бир тор.

Камалак рангига етмади қўлим,  
Товлар чўққисига етмади йўлим.  
Қўлим ҳам, йўлим ҳам етмади нурга,  
Етмаган бахтимга етказар ўлим.

**БОЛАЛИКНИНГ БАҲОРИ**

Кўм-кўк қир этагида  
Ариқ тўла гул оқар.  
Номсиз тепа тагида  
Икки бола қўй боқар.

Боришар қуёш сари...  
Осмон кўп узоқ эмас.  
Муаллақ тўрғайларга  
Янтоқлар тузоқ эмас.

Оқ тупроқ, қора тупроқ...  
Қўзиқорин бирам кўп.  
Нигоҳлар ардоғида  
Қоқигуллар тўп-тўп.

Жонли бир занжир бўлиб,  
Кўкка солиб зўр каманд,  
Турналар *юзоди* – сув  
Тўла гул оққан монанд.

Қизғалдоқ териб толмас,  
Болалик оёқлари.  
Қаён олиб кетмайди,  
Орзунинг сўқмоқлари?!

Илиқ-илиқ ёғилар  
Қуёшларнинг мадори.  
Далаларда гуркирар  
Болаликнинг баҳори.

## ҚАЙДАН БОШЛАНАСАН, ҚИШЛОҒИМ

Қайдан бошланасан, қишлоғим?

Чегарангдан бир қадам ўтиб,  
Лаб босайин тупроқларингга!  
Ҳаёт!

Сен ҳаёт бер,  
нажот бер  
Илк туғёну қийноқларимга!

Ўлмай келдим, васлинг бор учун,  
Бўғзимда гуллади номинг муқаддас.  
Энди журъатлардан кийдим совут,  
Қийналиб яшашга қилдим қасд!

Қийналиб яшашга қилдим қасд,  
Ҳалол қийноқлардан улғайсин  
Дунё!

Юракнинг  
йўргаги бўлсин қийноқлар!  
Табаррук қабрлар қўзғолиб,  
Янги туғлар топиб кўтарсинлар то  
Тинчлик учун курашгани беором  
Виждонлар,  
Имонлар!

Томоғим  
тап-тақир – саҳро,  
сув беринг.  
Қайдан бошланасан, қишлоғим?

Қайдан бошланасан, қишлоғим?

Чегарангдан бир қадам ўтиб  
Шафқатсиз йиқилай руҳингга!  
Фақат шунинг учун ўлмасдан келдим,  
Таяниб,

суяниб таважжуҳингга.  
Шиддатнинг зўридан қабарар мускул.

Инсон учун асрим бағридан  
Чароғон кунларни олдим ажратиб.  
Ҳали шоирлар кўп,  
Шеър ёзар  
Қоғозига қонин сачратиб!

Истиқлолнинг ҳушёр соқчиси –  
Мен  
Пажмурда тарихнинг тантанасиман!  
Эрк деган қайғунинг ёниқ қиррасиман!  
Ўша Дард,

хушрўй Дард,  
хушбўй Дард,

Хушқад Дард – Ватан!  
Озодлик! –

Зўраяди суякларимда,  
Зўраяди Заминда оғриқ.  
Ватан деб ўлганлар тирик жонидан  
Саболар таралар –  
Малҳамдай ёниқ!

Отамнинг кўксидан табиблар  
Кесиб ололмаган хўрсиниқларни  
Ўртача олисга отдим мен  
Ва шу он Фарбу Шарқ,  
Шимол, Жанубнинг  
Йигирма асрлик умрли  
Ёлғиз ҳасратига ботдим мен.

Аср хўрсиниғи – эагу оғриқдек  
Бўғзим бўсағасида тирайди оёқ.  
Нидолар!

Нидолар – видолар!

Мен билан курашга  
Ўттиз миллион фидолар  
Қайтадан сарбаланд кўтарди –  
Бу шон-шараф –  
Музаффар байроқ!

Пойтахт,  
     шаҳарлардан садо қайтарди,  
 Қувонч,  
     хатарлардан садо қайтарди:  
 «Ким тинчлик истамас?» –  
     довдир сўроғим.

Тоғда тошбақалар исён кўтарди:  
 Қайдан бошланасан, қишлоғим?

Қайдан бошланасан, қишлоғим?

Узун-узун бўйларингга  
 Узун нигоҳларим етмаган маҳал,  
 Мўътабар шамолли хаёлларингга,  
 Мўътабар хаёлли шамолларингга  
 Савдоли бошимни уриб қонатдим.  
 Болалик хаёлли кўчаларингни,  
 Ишқ бўйи уфурган кечаларингни  
 Оёғимни қонатиб кечдим!

Тинчлик деб яшадим ҳар дақиқани.  
 Ҳозир димоғимда нон эмас,  
 Ҳали димоғимда порохнинг ҳиди.  
 Оёғим қаварар,  
 Оёғим қонайди этик ичида.  
 Мен чопаман Тинчлик учун қонимни тўкиб!

Бадваҳм ўрмонлар қудрати ичра  
 Ҳайрат, қўлларингдан ушлаб югурдим.  
 Мени одам қилди тоғдай соғинчлар,  
 Халқим, одам бўлиб дилингни кўрдим!  
 Қайдан бошланасан, қишлоғим?

Қайдан бошлансанг-да, қутлуғ даргоҳим,  
 Кўрибоқ дарров танидинг,  
 Аскар кийимида бўлсам ҳам.  
 Мен сизмайман ҳеч қандай бахтга!  
 Қишлоқ, яна мубтало бўлдинг  
 Номим билан аталган дардга!

Тупроғингни ўпаман,  
Ҳали  
Ўпганим йўқ ҳеч қизни бундай.  
Фақат тўғриси айт,  
Кимга кўп билинди менинг йўқлигим?  
Айтма,  
Хурсанд бўлса биров йўқлигим учун.  
Айт,  
Ким мени қўмсаб йиғлаганини.

Дарвозани кўрсатма, ўзим..  
Кетяпман-ку Бўйноқ изидан.  
У бу тонгдан суюнчи сўрар,  
Қишлоқдан суюнчи сўрайди  
Ва киради таниш кўчага.

Қайдан бошланасан, қишлоғим?

Йўқ, уйимни кўрсатма, анҳор,  
Мен исидан топиб бораман.  
Остонада,  
Онам қошида  
Тўлган юрагимни ёраман!

Хаста гўдак каби инжиқ туйғулар,  
Устингиздан чиқардим ҳукм:  
Қийналиб яшашга қилдим қасд!  
Сизга эса кунда ва ўлим!

Менга доим бу Дунё керак!  
Менга доим бу Ҳаёт керак!  
Мен бу кун Дунёга керакман!  
Мен бу кун Ҳаётда керакман!  
Сизга ҳам – узоқдан чинқирган  
Фаришталар, баргу наволар!  
Хайр энди, тинч қолинг, сиз азиз  
Малаксийрат ошён, маъволар!..

Мени йўлга солади яна,  
Одам қилар қадру қийноғим.  
Билишга қасд қилдим мен энди  
Қайдан бошланганин қишлоғим.

Қайдан бошланасан?..

## ЁРИЛТОШ

*Янглиш момом хотирасига*

«Ёрилгин, тош, ёрилгин-а,  
Мен боламни кўрайин,  
Кимлигини билайин...»

Қирқ йиллик ярадай силқийди қуёш,  
Синар кўзларимда тош бардошлари.  
Тарихнинг қаърига чўкиб бормоқда  
Номаълум аскарлар қабртошлари.

Не-не баҳодирлар афсоналардан,  
Не гўзаллар хаёллардан чиқиб келади.  
Ҳамма ёлворади,  
Юрак ёради.  
Тош ёрилмайди,  
Тош ёрилмайди...

Оналарнинг офтобдай санъатлари  
Тандирларда кўпчиган...

«Ёрилгин, тош, ёрилгин-а,  
Мен боламни кўрайин,  
Дийдорига тўяйин...»

Ёрил, тош...

**СЎЗ АЙТДИМ..**

Сўз айтдим –  
Куйдириб тилимни,  
Ёнаверди қақроқ овозим.  
Ҳар байгим  
Қон этиб дилимни,  
Шеърият,  
Мен яна ишқингга қайтдим!

Гуллар кўзларимда кўтарди сурон.  
Суронлар хат тишлаб  
Етказар хабар:  
Шеърият,  
Дунёнинг бошида  
Космик шиддатлардан  
Ядровий хатар!

Руҳлар ғалаёни муродларида  
Йигирма асрлик жароҳатлардан  
Ажратиб олганим –  
Ягонам;  
Йигирма йил  
Қийноқ қитиқлайди беланчагида.  
Мана мен –  
Йигирма йилнинг азоби!  
Бани одам тилакларида  
Қирқинчи йилларнинг хитоби,  
Отамнинг энг оғир касали –  
Ватан!

Сағир йилларни еб ўгай йўлларда,  
Бўғин-бўғин куй сочиб синдим.  
Қор остида яшил дарахтдай,  
Ватан,  
Номинг билан исиндим!



## МОМОМ УЧУН ТЎҶИЛГАН ЭРТАК

Йўлларнинг қўлларидан ўрмалаб ўсар жинлар,  
Боботоғнинг қучоғида фаришталар уйнайди.  
Эшагимиз кўзлари – ажиналар уяси,  
Мени хуржунга яшириб қочишними ўйлайди.

Йўғ-ай, йўғ-ай, мададкорим,  
Ҳайда бу ажинангни.  
Уларга мени эмас,  
Беринг Холбой гарангни...

Юрагимнинг бўсағасидан  
Бир қаттол ит боқди кўзимга.  
Намозингни тамомласанг-чи,  
Аждар заҳар солди сўзимга.

Синиқ супургини боғлаб эдингми,  
Занжир солибмидинг букри эшикка?..  
Яшириб қўй мени, моможон,  
Меҳринг ардоқлаган бешикка.

Ишонганим, қўрқитма,  
Эрка неварангман-ку.  
Кўринманглар, қўрқувлар,  
Мен кўринмас рангман-ку.

Оёғимни қитиқлайди писиб ётган хаёллар,  
Баданимда югуради яп-яланғоч саволлар.  
Қутқарсанг-чи, момо, ахир, онам чўкиб бораётир,  
Афсунларда авраётир қанотлари кесик шамоллар.

Лаблар илтижосида  
Чапак чалиб қолди руҳ.  
Кипригимдан сачрайди  
Қаро танга оқ андуҳ.

Алвасти сочларига хаёлим қўшилади,  
Юрагимда бир дарё тўлғониб эшилади.  
Кечаларни уялиб тарк этади гадолар,  
Юлдузларга қарайман – кўзларим тешилади.

Юлдузлар адо бўлмас,  
Момоли гадо бўлмас.  
Қўйнингга тумор яшир,  
Ажина пайдо бўлмас...

Бедазорда беданалар беда гулин теради,  
Кечаларга ёлворсанг, алвастилар беради.  
Кимнинг бобоси ҳур ушлаб,  
Етти пуштин гуноҳидан ўтишини сўратса,  
Менга ўхшаб ажинага кўкрагини керади.

Момомнинг қўлларидан алвастилар тўкилар,  
Момомнинг юзларида фаришталар ўйнайди.  
Момомнинг кўзлари бу – ажиналар уяси,  
Мени хуржунга яшириб қочишними ўйлайди.

Қўйним тўла осмондир,  
Қуёш билан ётдим мен.  
Моможон, ажинангни  
Тушларимга сотдим мен.

Кўксим тўла дostonдир,  
Айланмай қолди тилим.  
Сарпойчан лўлиларга  
Ўлжа бўлди ёш кўнглим.

...Ҳурлар ва шарпалар тўлдирар кўкни...

Бобомни соғингандим,  
Гўрдан имони келди.  
Жинсан десам, момомнинг  
Бўғзига жони келди.

...Синглимнинг йиғисидай мушукларнинг хониши...

Юлдузлар адо бўлмас,  
Момоли гадо бўлмас.  
Қўйнингга тумор яшир,  
Ажина пайдо бўлмас...

**ЯНГИ ОЙ**

*Ёмоннинг йўли калта,  
Армони узун бўлсин...*

Қай малакнинг йўқолиб  
Қолган билагузути.  
Балки, тилла кўзгуси,  
Балки, юлдуз кўзлиги.

Ой нури майин-майин,  
Тўкилар жарақ-жарақ.  
Момоннинг қўшиқлари:  
«...Худо бир, расул барҳақ...»

«...Янги ой, тирноққа зор  
Етарга ўғил бергин.  
Тандирларга оқ буғдой,  
Оқ нонни тўлуғ бергин.

Невара қиз чиқишмас,  
Эри бошлайди ғавғо.  
Янги тушган рўзгорга  
Тинчлик, тотувлик бер-о.

Қақшатмасин ҳеч йигит  
Ота билан онасин,  
Жаҳонни кезиб яна  
Топиб келсин хонасин.

Элу юртга осойиш  
Ато қилғил, худойим,  
Янаги ойга тугал,  
Соғ етайлик, илойим...»

Янги ойнинг нурлари  
Тўкилар жарақ-жарақ.  
Момоннинг қўшиғи шу:  
«...Худо бир, расул барҳақ...»

**ДОСКАГА ҚАРАНГ...**

– Доскага қаранг!..

Ҳамма қарайди..  
Ҳеч ким қарамайди доскага.  
Ҳамма қизга қарайди..  
Ҳеч ким қарамайди қизга.

Қиз сўзлар... ҳеч кимга тикилиб  
Исботлар таърифлар тўғрилигини.  
Ёш муаллима келгач, сеади ўсмирлар  
Ўзларининг ўғиллигини!

Баъзан қиз ҳам фаҳмлар, чоғи,  
Ўн бешта юракнинг ўттизта кўздан  
Ўзини томоша қилаётганини.

Сўзини йўқотар... жим қолар,  
Сўрар танаффус бўлган, бўлмаганини.  
Ҳамманинги сўрагиси келади бирдан,  
Билгиси келади билган, билмаганини.

Қўнғироқнинг безгаги ушлар..  
Оёқлар кетади «идора»сига.  
Ёш муаллима сумкасини қўйиб чиқар,  
Ҳаммага ишониб,  
Ҳеч ким ишонмайди сумкага!

Шарт очилар илоҳий сандиқча,  
Афсус, хаёлдагидан анча ғариб:  
Китоб, дафтар, ёзув қуроли.  
– Тиқилма!  
– Суқилма!  
– Нима ҳам топардинги ахтариб?!

Ва..  
Мана атир... мана ойна... ва... мана тароқ..  
Ҳаммага етади..  
Ҳеч кимга етмайди бироқ...

Ўн саккизда...  
Ўн саккизта синфдош қиз...  
Юзларида сезилади сезги изи.

...Шу қиз келгач, дарсдан кейин ҳам  
Бировлар уйига кетмади.  
Мақтаб бўйича у ҳаммага етди...  
Мақтабда ҳеч кимга етмади.

Энди...

Мақтабдан, илмдан таралар хуш бўй,  
Шамолда ўйнайди қизнинг сочлари.  
Мақтаб осмонида учирма бўлар  
Биринчи муҳаббат қалдирғочлари.

– Доскага қаранг!..  
Ҳамма қарайди..  
Ҳеч ким қарамайди доскага.  
Ҳамма қизга қарайди..  
Ҳеч ким қарамайди қизга.

## ОРҚАГА

Шамолдай бурилдим, лекин йўқ  
На из, на йўл.  
Бугдойзор оралаб кетган бир чизиқ –  
Енгининг ичидан чиқиб қочган қўл.

Айвонимда ёнмади чироқ, Мен чекиндим йўлимни олиб.  
Этагимга йиглаб ёпишди Мени олиб кет деб томорқа.  
Қимирлатди ерни зилзила, Қимирлатди қалбни ҳаяжон.  
Қимирлатди халқни қалб, кетдим Юрагимни излаб орқага.

Тўхташ – вақт ботқоғига чўкмоқ.  
Шаҳар устида мўридай,  
Қишлоқ орасида наҳордай,  
Пахтазор қўйнида эгатдай сирғалиб  
Тупроқ сиртида сузаман оёқларим-ла.

Булутлар тўлқин-тўлқин,  
Юлдузлар сўлғин-сўлғин, Саккизоёқлар каби  
Мовийликни тишлаган.

Юлиб пастга итқитилган юлдузжон  
Панжалари орасида бир парча сиёҳ осмон.  
Юрагим қолган йўлим Титрар бармоқ учида,  
Титрар бармоқ учинда.

Вужудимда қилдим эълон жанговар сафарбарлик,  
Ҳар аъзомни жам айладим бир диққатга.  
Ихчам, қаттиқ тугунча қилиб  
Қошларим орасига қистириб қўйдим сафарбарликни.

О, менинг қошимни най қилиб чалинг,  
О, менинг қошимда сипқоринг тунни.  
О, менинг қошимдан гулчамбар тўқинг,  
О, менинг қошимнинг яралган куни!

Ҳар саҳарда қуёш билан бир сафарга чиқаман –  
Юрагимни кўргани.  
Қуёш баландлигидан қалбимга кўз ташлайман,  
Юрагимга қарайман.  
Сувлар қайтмаса қайтмас, Шамол қайтмаса қайтмас,  
Мен изимга қайтаман, Мен ўзимга қайтаман.  
Аммо менинг йўлим йўқ, Қайси томонга борай,  
Қайси томонга юрай?  
Юрагимга элтар йўл, Изим йўқ-ку тупроқда.

Юрагимга элтар йўл Қиз қалбининг ичида,  
Қиз қалбининг ичинда.

Киприкларим тирнайди тонгни,  
Йиртилади тонгнинг тўрваси.  
Қушларнинг сўзлари тўкилар шовуллаб,  
Тўкилар дунёнинг бор қиёфаси.

Юлдузлар хира-хира,  
Тун гули сўлар-сўлар.  
Кундузлар тийра-тийра  
Ёруғ осмон кунжида,  
Ёруғ осмон кунжинда.



Юлдуз томар атиргулга,  
Нур ўстирар япроқларни.  
Кеча-кундуз – ота-она,  
Ёқар мангу чироқларни.

Мен атиргулни

Овозкучайтиргичдай тутиб айтаман:

Араванинг қўшиғи, Араванинг қўшиғи –  
Сен қай йўлнинг ошиғи, Қай кўчанинг ошиғи?

Гилдиракдай синади Дунё бағритошлиғи,  
Дунё бағритошлиғи.

**ЯМ-ЯШИЛ НИҲОЛ**

Йўлидан адашган карвондай  
Кўнглимдан сув сўраб келди ишқ.  
Қум тимсол ўзликни ечдилар,  
Қуш мисол кўчдилар,  
Карвондай кечдилар  
оҳанглар.

Бу тепанинг уруғи – бобом,  
Бу тепанинг илдизи – отам,  
Бу тепанинг кўчати менман.  
Кўксимда қайнаган қозонда  
Пишади кўз ёшлар,  
жаранглар.

Кўзларим – ишқ кирадиган дарчалар.

Дил гўр ичида ётар Нишлар отган уруғдай,  
Илонлардай ўсинг – ўлмай, Шаҳидларим илдизи.  
Қудуқ – чўллар кўчати, Қудуқ ўсар саҳрода,  
Қудуқ илдизи чуқур Кўксимдаги ой – ишқдай.

Ай оҳанглар илдизи, Ай сувларнинг илдизи,  
Қудуқ – қуёшнинг қизи.  
Ой – ай туннинг қўнғизи, Ай юлдузлар – хонқизи,  
Дардимизнинг даволари Дард қолмасин Зухрода.  
Қудуқларнинг кўчатлари Ҳам сувларнинг  
илдизлари жонимда.  
Қудуқларни тўлиб-тўлиб Ўпар челақлар...

Деразага қўниб олди тун,  
Деразадан қарар мажнунтол:  
Нигоҳида ям-яшил учқун,  
Нигоҳида ям-яшил савол.

Кўча ёлғиз қўрқар кечада,  
Тиканларни босиб олар тун.  
Тош, кесакка қоқилади тонг,  
Шол ёяди қоп-қора тугун.

Дарахт улкан китобдир,  
Бир-бир варақлар хаёл.  
Жонимда куртак тугар  
Илдиэлари қудуқдай  
Чуқур, ям-яшил ниҳол.

## ХАТО

Отам, онам ишга кетганда,  
Уйни қулфлаб, очдим сандиқни.  
Меваларнинг хуш иси тошди,  
Қорачиқда сездим санчиқни.

Чўнтагимга, қўйнимга солдим  
Ва бошладик биз ёнғоқ ўйин.  
Бор нарсамни ютқазиб бўлдим,  
Омад илк бор товлади бўйин.

Қайта-қайта бурадим калит,  
Қайта-қайта ютқазавердим.  
Ёнғоқ тугаб, рақибларимга  
Новвот бердим, олмалар бердим.

Уйдагилар келиб кўрдилар,  
Тугаганин бозорлик яна.  
Илк бор мағлуб бўлган эдим мен,  
Дўстим илк бор қилди тантана.

Овқат қолди, сўроқ бошланди,  
Гуноҳкор-чи, топилмади ҳеч...  
Сабабчи мен эдим деб, ота,  
Ҳайқирмоқни истайман бу кеч.

Фурсатимнинг шу нуқтасида  
Юрагимга муштлаб муҳаббат,  
Туғиб берган бўлса, не ажаб,  
Олмос кўзли, тилла соч журъат.

Унда қўрққан бўлсам қошингда  
Гуноҳимни тан олмоқни гар,  
Ота, бугун чўчиб бораман,  
Эшитмассан дея солсам жар.

Узоқдасан, етмас овозим,  
Қизиқмайсан шеъримга ҳатто.  
Лекин мени шоир қилади  
Юракка дафн этилган хато!

## ОНА

Мен кўнглимни бир жойга тўплаб  
Ва ақлимни ёнғоқдек тугиб,  
Сатрларни кўзимда ҳўплаб,  
Тик қаддимни минг жойдан букиб,

Гоҳ тупроққа кўмиб шеъримни,  
Қаламимни қийнай бошласам,  
Гоҳ билолмай нима деримни,  
Қўлларимни столга ташласам;

Ҳовлидаги қадим дарахтнинг  
Қари шохи қарсиллаб синса,  
Ранг-тасвирин унутиб бахтнинг  
Сочимда оқ илонлар ўсса;

Гўё кузга қолган бир мева  
Узилмасдан дилдираб яна...  
Сен олмадай узилиб, тавба,  
Хаёлимга тушасан, она.

Хайрият, яқинроқ келасан менга,  
Узилиб хаёлимга тушасан.  
...Мен шоирлар каби ўзгараяпман,  
Сен оналар каби ўша-ўшасан.

## ҚАЙТИШ

Кўзларим соғинчин сочиб келганда  
Шошқин поездларнинг деразасидан,  
Юпун туйғуларда ривож ва равнақ,  
Жарчи кучукларнинг овозасидан.

Жаҳлдор буқалар қаршилайдилар,  
Шўх-шан жиянларим..  
Қўшнимиз қизи..  
Хотирам оғриқдай кескин уйғонди,  
Юракни чангаллаб бахтнинг илдизи.

Севинчу суюнчлар барқ урган қишлоқ..  
Қалбим вайронасин тузатолмайди..  
Келишда жар солиб кутган шу итлар  
Кетишда дод солиб кузатолмайди!..

**КУПЕДА**

Купе. Чеҳралар иссиқ,  
Чой тўла пиёладек ҳовурли.  
Сочлар оқ ёстиққа илдиз отади,  
Кўз юма олмаган соғинч қоровул.

Виждонини тунда ёяди  
Қишдан кеча чиққан қишлоқлар.  
Оддий халққа нотаниш шаҳар  
Бўлади ҳали бу тилларанг тошлоқлар.

Купе. Кўзлар ўргимчакдек ўрлайди,  
Учқур деразага юз босар барча.  
Чинқириб ой сари учаётган бу  
Поезд – хаёлимдан узилган парча.

Менга бу тун асли оғриқ эмасдир,  
Дилимни оғритмас қадимий тошлоқлар.  
Фақат бу жим-жит тун хатарлидир кўп  
Ва ҳар кун тош каби жим-жит қишлоқлар.

## УКА

Болага айтдилар:

– Қуралай қўзи –

Шахло кўз, бу сенинг уканг бўлади...

Кўнгли қўзичоққа эврилган гўдак

Ўзини чин ака дея ўйлади.

Қай олис шаҳардан келди тоғаси,

Сочи силлиққина, эт уч кишилик.

Бола ўйлар эди, кўп ўйлар эди:

Тоғаси меҳрибон чўпон отадек.

Қуралай сўйилди! Музу қорларни

Вишиллаб эритди иссиққина қон.

Шу кун байрам бўлди уйда, ҳовлида,

Мўъжаз бир хонада осмонча армон.

Болага қўзининг ошин берганда

Бир ҳолат қайтарди базм шаштини:

– Ота, мен укамни яхши кўраман!

Она, мен емайман укам гўштини!

**БОЛАЛИК**

Бугун сени учратдим, болалигим –  
Ариқдан сакролмай турган ялпизман.  
Йиллар сойлар каби оқизиб кетди,  
Оқиб бораётган ўша ёлғизман.

Бугун сени кўрдим, болалигим –  
Мақтабнинг ёнида унутилган Ҳаёт!  
Менинг кўзларимга ашқдек тўкилди  
Бир қўлли агроном ва оқ от.

Қир отнинг яраси пахтазордек улкан,  
Йўқолган қўл ўқариқдек узун.  
Каптарлар қайнаган шийпон болохонасидан,  
Болалигим, сени топиб олдим бугун.

Чақмоқ кўйлагимга гугуртлар чақди,  
Деворга илинди бир ипак қамчи –  
Отамнинг мўйлови кўтарган булутлардан  
Қирқиб олинган узун бир томчи...

Болалигим тутдек каллакланди ва  
Танбурнинг торидек титради йўлим...  
Сени бугун учратдим, ёш ўтмишим –  
Оқ отнинг яраси, агрономнинг йўқолган қўли.

## МЕНИНГ ФУТБОЛЛАРИМ

Мукуллари таранг ўсмир йилларим  
Кунни қорайтириб ўйнардим футбол.  
Пеледай майдондан излаб йўлларим,  
Шахсий ҳисобимга жамғардим кўп гол.

Ўз ўрним, рақамим, ўз мухлисларим,  
«Тўпурар» номим ҳам бор эди чиндан.  
Мактаб ойнасида тўпим излари,  
Қўшнилари онамга нолирди мендан.

Бир гал... эҳ, оёғим лат еди ёмон,  
Неча дўстларимнинг оёғи синди.  
«Футболни қўй энди, ўқи, болажон», —  
Отам неча сўкди, онам ўтинди.

Бундай бўлмади ҳеч, футбол мен учун,  
Футболга, майдонга керакман кўпдан.  
Чопардим бир қизга шайдою мафтун,  
Қиз шод дарвозага мен тепган тўпдан.

Кўчага чиққанда қизлар дарсдан сўнг,  
Тўпни йўлатдим тирқиратдим, рост.  
Футболсиз отмасди ҳаётимда тонг,  
Сенсиз футбол тугар дерди эҳтирос.

Неча йиллар ўтди, ўтмади осон,  
Ўсмир фурсатлардан дилда бу кун ўқ.  
Менинг футболларим тугади қачон...  
Аммо футбол ҳали тугагани йўқ!

## УЗОҚЛАРДА

Сукут ватан бўлди, соғиниб сени  
Қайта туғилдим-ку, онажон.  
Юрак тобут, руҳ кафан бўлди,  
Сенсиз узоқларда узолмадим жон.

Юксак қаватлардан термилганимда,  
Бошимдан қуёшнинг нури қуйилди.  
Уйимиз ҳам, сен ҳам кўринмадингиз...  
Пурқудрат шеърият ожиз туюлди.

Қабоқлар – қаҳрабо соҳиллар эди,  
Уйғонди кўп сокин ухлаган денгиз.  
Озод тўлқинларга бўлдим ўйинчоқ...  
Онажон, сен тенгсиз, шеърият тенгсиз.

Умрим – севги, соғинч... уйдан йироққа  
Сочилганми ва ё ризқу насибам?  
Бу кун ҳаётимда юрак ортиқча,  
Хаёл, шеър ортиқча, дийдоринг – каъбам.

Ёруғ хаёлингга бош уриб келдим,  
Бошимни силади жабрдийда тун.  
Мен қисматга қарши исён бошлайман,  
Ҳайқирмоқ истайман – юрагим тугун!

## УМР

Ҳаёт сотди мени йўлларга,  
Тупроқларда қоришиб ётдим.  
Ҳеч ким ногоҳ топиб олмади,  
Бор эдим у йўқолдим, йитдим.

Ювиб, артиб, кўнглимни сўраб  
Бозорига солди сўнг кўча.  
Бу бозорда ўтмадим бугун,  
Ўтмагандим ҳаттоки кеча.

Кўча отди – сўқмоққа тушдим,  
Тош, темирга тегди пешонам.  
Адаштирди, тиканлар санчди,  
Сўқмоққа ҳам энди ишонмам.

Томирларим – ғижжак торлари,  
Битта-битта узгин, митриб-о.  
Сўқмоқлардан бош олиб кетай,  
Ажратсин куй, ҳайдасин наво.

Бир бошпана ясарман дилга  
Кўзларимнинг ғалтон ёшидан.  
Оз яшарман, боз ҳеч яшармам!..

Энди боқсам хароб кўнгилга,  
Ўтар эдим Умр қошидан.

**МАЙ**

Гарчи шамол чалғитди йўлдан,  
Гарчи булут тўсди ойдинни,  
Қаттиқ тутиб Бахтнинг қўлидан,  
Гилослар дув қизарган куни,

Гарчи ёмғир кўчаси тойғоқ,  
Гарчи ўсар ҳар ўсмир кунгай,  
Қаҳр қилса-да момо Қалдиरोқ,  
Адашмади – етиб келди Май.

Ташқарида дилдираб турган  
Кўзларимга урилди ногоҳ,  
Гул мисоли гуллади бирдан  
Деразага суянган нигоҳ.

## АКА

*Раҳимбой акамга*

Ака, сиз кетяпсиз... қадимий имло –  
 Зим-зиё ҳарфлардан хафа боламан.  
 Оқизиб кетади мени бир имо...  
 Ундов белгисидек қотиб қоламан.

Ака, сиз кетяпсиз... ой ҳам заъфарон,  
 Йиғлар узун-узун, қалбим қалтирар.  
 Фалакларда тўзмиш куз – барги хазон,  
 Ернинг бир четида руҳим ялтирар.

Ака, сиз кетяпсиз... кўнглимдек хира  
 Кеча ўтовиди уйқудек толдим.  
 Тақдиримга кирар қўш темир мисра...  
 Сўроқ белгисидек эгилиб қолдим.

Ака, сиз кетяпсиз... дунё бепарво,  
 Кетинг, андуҳимга ҳеч қачон етманг.  
 Суягим синмасин қолиб бенаво,  
 Қоронғуга ёлғиз, воҳ, ташлаб кетманг.

Ака, сиз кетяпсиз... ҳудудсиз оқим...  
 Ҳеч ким тўхтатолмас, ҳеч ким бурмайди.  
 Агар бўлмасангиз ёнимда – мен ким:  
 Томчидек нуқтаман, ҳеч ким кўрмайди.

Ака, сиз кетяпсиз... ёмғир эмас, дўл,  
 Ҳатто қорлар ёғса арзийди, лекин  
 Қишга етмай сомон бўлмасин-да ҳўл,  
 Ҳали ўрилмаган далада экин...

## БОБО ВА НАБИРА

### Қора бобо хотирасига

Эски қабристондан ковак излайди  
Муздан жигарини қўтаролган гоз.  
Дераза токчада қайнайверади  
Ароқ шишасига тўлдирилган нос.

Ҳидларин таратиб семиз қўйларнинг  
Урчиқ чир айланар – иплари чала.  
Қорайган тишига оқ қурт босади  
Дунё этагидан ушлаган бола.

Сандал ёғочидан шира силқийди,  
Кўрпанинг бир чети куяди чўғда.  
Бобо юрагида безлар йиғлайди,  
Неча йиллар бўлди – қолган оёқдан.

Уйнинг тўридаги бу ўрин  
Йиғиштирилмаган йиллар давомида.  
Бобо туролмайди ўрнидан  
Умрининг заъфарон шомиди.

– Қоп-қора, қоп-қора, қоп-қора  
Ажина – ажина – ажина,  
Бигизинг учига санчиб олиб кет,  
Уни гижирлатиб е, аждаргина...

Бармоқларини қулоқлари ёнида ёзиб,  
Бола қўшиқ айтар бобосига қарата.  
– Кел, кичик ўғлимнинг энг катта ўғли,  
Отам,  
Бағримга босай, – дейди бобо.

– Сен бир кўзли қоп-қора девсан:  
Қўчқоримни сўйишганида,  
Қуйруқ ёғин диркиллатиб хом единг-ку,  
Бобо, девмисан?

Бола кесаклар отади узоқдан:  
 – Момом айтди,  
 Ўлсанг, ўзи гўрингга гишт қалайди.  
 Бобо кесакларни чангалларида  
 Кўзига суртади,  
 Ялайди...

– Қора ажина,  
 Кўкрагинг суягини яширсанг-чи.  
 Тирсагинг ошиғида  
 Ялмоғизнинг кўзлари кулади.  
 Момом айтди, тезроқ ўлмасанг,  
 Соқолингни бир-бир юлади.  
 Соқолингдан қўрқаман, бобо,  
 Қўрқаман лабингни йиртган тишингдан.

Бобо оқаради,  
 Набирасини тиззасида эркалайди,  
 Фаришта бўлади... –  
 Тушида.  
 «Неварамни бағримга босмасдан  
 Ўлиб қолмасайдим», – бобо қўрқади.  
 «Кечир», – дея тунда билдирмай,  
 Йиғлаб,  
 Қайчи билан соқолини қирқади.

Хўрозга тожлари оғирлик қилар..  
 Бола ота-онасидан эрта уйғонар.  
 Чол сўйлайди майин:  
 – Отам, кел, энди сени  
 Юрагимга босиб хайрлашайин...

Бола бобосини соқолсиз кўриб,  
 Қоп-қора соқолни сандал устида..  
 Шайтонлаб қолади.  
 Тонгни пуфлайверар юмшоқ парварда.  
 – Худовандо, поко парвардигоро..  
 Кампир, тоза иштонни бер охирги марта.

\* Бобо набирасини эркалаб «ота» дейди

## ФЕРЕНЦ ЛИСТ

(Дёрд Шандор Гаал)

Юрагимда куйдор қаср қуриб берай,  
Том-мофингга томчи-томчи томсин бадан.  
Хоҳла, вақтни минг бир аср суриб берай,  
Мен ўлайин, фақат сен ўлма, Ватан!

Оврўпани кезиб чиқдим мисли қуёш,  
Шухратимга тўлиб оқди она Дунай.  
Юлдуз эмас, капалакман ё битта тош,  
Юлдуз ўзинг – униб чиққан қаро тундан.

Қўлларимни ёриб ўсди ўнта ирмоқ,  
Ҳар биридан куй отилар фавворадай.  
Ой сояси виждонимга тушган сиртмоқ,  
Ватан, сенга қайта олмай ов-вораман.

Терга ботган отлар қаён олиб учар,  
Кун келарми – (яхши кунда) йўқланаман?  
Аста-аста руҳим осмон сари кўчар,  
Ўлсам шабнам каби қучофингга йиқиламан.

Мен Қақнусман – куй сачратиб ёниб учган,  
Ер юзида оҳанглардек ёниб юрдим.  
Суякларим узилдилар, шамим ўчган,  
Узилмагин сўнги торим – она юртим!

## УЙИМГА МАКТУБ

Қуёш, мактуб тутаман сенга,  
Тезроқ етказ, одил даракчим.  
Олисдаги пастак кулбани  
Ўйламасам, ўйламас ҳеч ким.

Кечир, азал қадрдон гўша,  
Ўша эрка, жангари ўғлинг  
Талотумли қатра умрида  
Ўйламади сени кўп, тўғри!

Нима қилсин, ахир, орзулар  
Юрагига ўт солган бўлса,  
Ёнаётган шул юрагига  
Бир қиз кирган ва қолган бўлса?

Тиниқ тонгнинг ардоқларида  
Томчи-томчи эрирган кеча,  
Қўшиқ яшар, яшар кун бўйи,  
Ҳаёт энди парчаю парча:

«Остонаси тиллоли уйим,  
Томи гулли, ҳилолли уйим.  
Туришлари соғинч, ҳаёли,  
Сомон йўли хаёлли уйим...»

Ой – сирдош дўст, меҳмон бўлдингми  
Қўниб ҳар тун юпун дарчамга?  
Бобоофтоб сахийми қалбнинг  
Кўҳна Сурхон отлиғ бурчида?

Хушҳид, иссиқ, тинч қучоғингдан,  
Эсингдами, чиқиб кетганим?  
Толе истаб, тентираб танҳо,  
Бахтга шундоқ ёндош ўтганим?

Умрим сарфлаб қаричма-қарич,  
Борлигиндан шод бўлган кўйи  
Яшайпман сархуш шаҳарда,  
Дунёда ҳеч топилмас уйим!

Қўшиқ айтдим, бўғзим қонади,  
Қайноқ эди энг пок бу қўшиқ.  
Унут бўлди не-не севги, ҳис,  
Сен бор бўлдинг, уйим солган ишқ:

«Остонаси тиллоли уйим,  
Томи гулли, ҳилолли уйим.  
Туришлари соғинч, ҳаёли,  
Сомон йўли хаёлли уйим...»

## ЎНИНЧИ СИНФ

Вокзал – дийдорларнинг умумқўрғони,  
Тирикман – ҳаётдан мўъжиза кутдим.  
Бир қиз бўлди пайдо – дарё ёруғлик,  
Қўлларини чўзди, жабрлар тутдим.

Сўзлар – юлдузлардай чақнади, учди,  
Ўнинчи синфга бориб... тўхтадик.  
Рад этилган ишқлар унутилдилар,  
Севгини соғиндик, бахтни йўқладик.

Қулман вақт давлатин лашкарларига,  
Фонуслар тилида қийналди жоним.  
Қиз кетди ҳасратлар олиб кўзида,  
Зиёсиз кўнглимнинг умумқўрғони.

У кетди – оёққа турди шамоллар,  
Қорларга кўмилди сабза юрт – хаёл..  
Одамлар ичида йўқотдим қизни,  
Ўнинчи синфда йўқотган мисол.

## ОНАМГА ХАТ

Сендан узр сўрайман, она,  
Бўлолмадим сен айтган ўғил.  
Гоҳо қалбим каттариб кетди,  
Гоҳо узун бўлиб тил.

Кўкрагимдан босиб ётса ҳам  
Армонларинг қаватма-қават,  
Мен меҳримни қимматроқ билиб  
Қилолмадим кўпларга шафқат.

Кўрмасин деб дунёни дилнинг  
Кўзини кўр қилиб ташладим.  
Инсонман-ку, гоҳ бурчим еди,  
Гоҳо тилни тишлаб яшадим.

Гоҳ тупроқдай хор-зор ўлдим  
Ҳақиқатни билганим учун.  
Ҳақиқатни танимаганлар  
Тушунмади мени, сен тушун.

Минг-минг узр, юз ўгирсанг-да,  
Оқ хаёлим, айтай ростини:  
Гоҳ кўрмадим кўрганларимни,  
Гоҳо мағиз дедим пўстини.

Тушунмоқчи бўлдим Инсонни  
Кўкрагимга мардона уриб,  
Танимасдан ҳали дунёни,  
Ҳали ўзни тушунмай туриб.

Унутилдинг гоҳида, отам,  
Акам, укам, синглим, олам ҳам.  
Юрагимнинг сизлар жойлашган  
Хонасига кирди бир санам.

Кечаларда ўрнимга миҳлаб  
Ташлаганда муҳаббат они,  
Дардли ишқни кетди созуриб  
Бу йилларнинг саркаш бўрони!

Айтмаганим сенга – ул қизнинг  
Яна чўкиб чизгисига тиз,  
Яна қолдим кунлар билан ва  
Қоғоз, қалам, қалб билан ёлғиз.

Яна чала тақдиримизга  
Яна ёниб кириб сор лочин,  
Яна ўқдай учаверди у,  
Яна сочиб кўзлардан чақин.

Кўтаролмай гуноҳларимни  
Чиқиб кетмоқ бўлдим умримдан.  
Ҳаётимдан чиқа олдим  
Ажралолмай қолдим қумримдан.

Менда қолди хиёнатларим,  
Руҳни қилдим чорсу лангари,  
Бўлолмадим улардан халос  
Эртақдаги ота сингари.

Гоҳ вафолар вафо қилмади,  
Хиёнатга қилдим азимат.  
Садоқатни учратиб қолдим,  
Билдим, у ҳам гоҳо омонат.

Кўксим менинг оғриққа тўлди  
Юрагимнинг синиқларидан.  
Қонлар сизди кўз ёшларидай  
Қовурғамнинг ёриқларидан.

Ишқ йўлига кирдим билдим:  
Ақллилик бекор, зиёда.  
Қонатганча оёқларимни,  
Яланғочу очу пиёда –

Ойдаи қизнинг севгисин кездим...  
Ишонмай кўк чақмоқларига,  
Қўйиб келдим гуллар гуллаган  
Тинч Сурхоннинг қирғоқларига.

Наҳот, қайтиш этмаса насиб  
Кенглик тўлган ул ўлкаларга?  
Наҳот, умрим кўр лаҳад бўлса  
Ўлаётган кўланкаларга?!

Минг шукрки, гирд-атрофимни  
Ўраб олган дўсти азизлар.  
Минг шукрки, ўсаверади  
Юрагимда энг ҳалол ҳислар!

Муҳаббатда лекин янглишдим,  
Кўк мен учун торайди, инон.  
Оҳларимнинг андуҳларидан  
Қаро тунлар қорайди, инон!

Мен меҳрни соғиндим бу кун,  
Мен қадрга бу кун зор бўлдим.  
Тан олмади мени одамлар,  
Мен-чи, сенсиз тириклай ўлдим...

Сендан узр сўрайман, она,  
Дилда салом, дилда арзи ҳол.  
Ўзинг тушун туққан ўғлингни!  
Йўқса, менга яшамоқ малол.

## ШИМОЛ ОҶАНГЛАРИ

### Туркум

Кўз-кўз қилиб сарвқоматин,  
 Майсаларда қолдираркан из,  
 Чалғи ўрар  
 Ранг-ранг ўрмонни  
 Кўзларига кўчирган шўх қиз.

У бепарво шайдоларига...  
 Ботмасин деб кўксига зори,  
 Ардоқлайди кўз қорасидай  
 Есениннинг мовий диёри.

Булоқлардай қайнайди қушлар,  
 Офтоб – овсар турк қаландари.  
 Пешвоздаман ҳайрат уфурган  
 Мағрибона чорлови сари.

Романлардай кўнгилга яқин,  
 Гоят яқин кўзга бу жонон.  
 Ўртамизда фақат қоқ балиқ,  
 Қаймоқ кулча, қизгин самогон...

Нигоҳимни куйдирар ҳусн,  
 Майсаларда қолади шўх из.  
 Гурунгларга киради чалғи  
 Ва унутар ўт ўришни қиз.

\* \* \*

Балалайка қиқирлайди шўх,  
 Елкан ёзар рапсодиялар.  
 Мунчоқдаги дур доналардай  
 Қизлар тўқир фантазиялар.

Блиндаждан йироқ станция  
 Ҳимоялар позицияни.  
 – Гитар, гармон, – деди қиз, – кўзғар  
 Шавқ – эстетик гармонияни.

Мевалари териб олинган  
Дарахтларни эсга солади:  
Сайл тугаб қайтаётганлар  
Оғир-оғир нафас олади.

\* \* \*

Подасидан четроққа чиқиб  
Тугиб қўйган гўл говмишдек бор  
Тарвақайлаб – араб ҳарфидек –  
Мункиллаган, суякдор чинор.

Гуноҳга ғарқ аҳли лабзни  
Чўқинтирар сипо апостол  
Ва фикримга чинордай кирди,  
Худо раҳмат қилгур қўпол чол –

Толстой,  
Қўлда қилич, крестъ ҳам  
Қалам, тупроқ тўкин ҳиди бор..  
Худди Толстой фикримга кирди,  
Ёшин бергур чандиқвор чинор.

\* \* \*

Отлар тортган улкан чанада  
Ўроқчи чол тиклаган талант:  
Қари қўтос – пичан ғарами,  
Қўтосларнинг териси монанд.

Узун-узун изга илашиб,  
Тун келади лўли келиндай.  
Варақлайди ҳавони қамчи,  
Ой қалқийди оловли индай.

Набиранинг руҳида кураш,  
Ахир, шу шом учрашуви бор.  
Чол фикрини ғажийди мушук –  
Каминдаги ўрин.. «Беломор»..

Нафасини ростлайди ҳаво,  
Ҳали тирик хатарлар қанча?  
Барчасини қўриқлаб келар  
Рицарлардай улғайган лайча.

\* \* \*

Саватчага гуллар тўлдириб  
Кезинаркан ҳуда-беҳуда,  
Чақмоқ билан исён кўтарган  
Замбарикқа ўхшайди жуда.

Калтакесак – ҳалак капалак –  
Гўё излар соатчасини.  
Камалак ўтлоққа ёйилиб  
Тўлдиради саватчасини –

Интонига лойлар сачратиб  
Оёқяланг югурар бола.  
Тумор каби бу зумрашани  
Юрагига чўктирар дала.

\* \* \*

Яшил қонлар исён кўтарган  
Кўкрагига отилади сол,  
Қирғоқ эса ўргатиб турар  
Ва арқонни отади қарол

Ва орага совуқлик тушиб,  
Сол қирғоққа солади таҳдид  
Бўғинларин тираб тўлқинга  
Оқшол испан буқаси тахлит.

\* \* \*

Ой қудуққа туша бошлади,  
Ҳалол сувлар ичди корини:  
Ой қудуққа аксин ташлади –  
Бемор охир ютди дорини.

Ой ўзини қудуққа отди –  
Каклик домга урди жонини.  
Бўйчан гадо ҳўл қўлтиғига  
Яширолди топган нонини.

**ФИКР**

Қоронғидан чиқди-ю фикр,  
Кенг кўчага бурилди. Юрди.  
Уйқусидан кўтариб бағир  
Вовуллаб кўп итлар югурди.

Бедазорга ўтса ул ҳуркиб,  
Қоровуллар ураверди дўқ.  
Тепаликка чиққанда тутиб,  
Чўқимоқчи бўлди ҳар чумчуқ.

Ниш ботирди чаён Фикрга,  
Заҳар сепди билдирмай илон.  
Кечаларда қолди ёмғирга,  
Кундузлари ғорларда меҳмон.

Хазон каби топталди Фикрат,  
Келмади ҳеч кимнинг ўйига.  
Хор-зор бўлди ноаён хилқат,  
Киритмади ҳеч ким уйига.

Дарё уни оқизиб кетди,  
Сувда оқиб кетди бир ёғду.  
Фикр Ерни тамом тарк этди,  
Бу дунёда қолди қоронғу.

**ОТАМ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР****Туркум**

Нигоҳини қуёш чархлайди,  
Кафтларида ўсади тоғлар.  
Кипригида шамол ухлайди,  
Товонида қақроқ булоқлар.

Қарашидан куйдим саҳродай,  
Товдан оёқ қонатиб кечдим.  
Булоқлардан унут сафодай  
Мен ғўзага раҳматни... ичдим.

Аёл бола боқар чодирда,  
Юзларида ойни доғлайди.  
...Ўша ўзбек менга тандирда  
Унутилган нонга ўхшайди.

\* \* \*

Қаровсиз кетмондай тоблар ташлади,  
Кетмондай навқирон эди бир пайтлар.  
Кафтидан безларни тошлардай тўкди,  
Кетмонга айланди не-не дарахтлар.

Тунларнинг сочлари оқарди,  
Кунларнинг бадани қорайди.  
Пахтазор кенгайди, кўзи торайди —  
Пахтазорда унутилган кетмон у.

**АГАР**

Қишлоқ поездга ўхшаса агар,  
Отам вагонга ўхшаса агар,  
Эгатлар  
Темир изга ўхшайди жуда.  
Поезд ҳам, вагон ҳам маҳкумдир  
Битта йўлдан чиқолмасликка.

\* \* \*

Илдизлари Антарктидада,  
 Кўзларида қабарар Атлант.  
 Ҳимолайни тишлаб кўтарди,  
 Дандонлари айсберглардан.

Ҷонларини ичди саҳронинг,  
 Саман минса – оқди дарёлар.  
 Фаслларни қўйлардай боқди,  
 Яхобларин ичди шудгор дунёлар.

Кунлар игнасида бармоқлар зада,  
 Киприклари қиличлашади.  
 Тирноқ – қилич кесган чинор пўстлоғи,  
 Қулочлари яримойга ўхшайди.

Юрагининг ёруғида у  
 Қўлларига кетмон ясайди.

\* \* \*

Чақмоқни кўзида синдирар.  
 Қуёшни суғуриб олар уфқдан –  
 Қаҳқашоннинг иссиқ бағридан  
 Олтинранг бир бузоқ чиқиб келади.

Пахтазор – ям-яшил жойнамоз:  
 Оятдан дostonлар яратиб,  
 Бош кўтариб бўлмас муқаддасликдан.

Бош кўтаролмай муқаддасликдан,  
 Қаддидан қасд олиб кўпроқ эгилар –  
 (Шундоқ ҳам муштдеккина эдинг-ку)  
 Биринчи намозга кечиккан қуёш  
 Бешинчи намозга етиб бормайди.

\* \* \*

Қовоқлари қуёш туғади –  
Шарақлаб очилар кўзлар – деразалар:  
Тип-тиниқ бир кўлда қоп-қора бир тош:  
Тўрғайзорда муаллақ хато.

Кўзларига тарих тугун қўйгандир,  
Бобом салласидай чиройли ўралган илон.  
Кўзлар тухумларни туғолмайдилар,  
Тугунда унутилган фарзандларнинг сўнгаклари бор.

\* \* \*

Қуёшни  
Кўзларига ботириб ейди.  
Қари қўтос каби омоч судрайди.  
Ғўзапоя бўлиб киради қишга  
Ва косов бўлади, тандир сўрайди.

Палахмон тош бўлиб буғдойзор узра  
Чўчитиб учади қушларни.  
Қоровул пуштага тиккан қўриқчининг  
таёғи мисол  
Гуллайди – гуллатиб тушларни.

\* \* \*

Қоядаги лолага ўхшаб,  
Чўққидаги қуёш монанди  
Кўкрагига бир нон ёпилган,  
Қобирғалар тишлаб туради.

Юрагини бўлиб-бўлиб ер,  
Терларини шўр-шўр ичади.  
У ой каби жаранглаб чиқар,  
Жаранглайди ойдин кечада!

\* \* \*

Қуёш нондай ёпилган пешоналарда  
 Қарсиллаб синади чақмоқ ажинлар.  
 Давр китобининг варақлари билан  
 Эгатлар бошида сув бўлиб синар.

Қўзлари пахтанинг оқини ёяр,  
 Қулоғи пахтанинг баргидек абр.  
 Қабристон пахтазордай кўпчиб очилган...  
 Бешик. Пахтазор. Қабр.

\* \* \*

Сув кечади тиззасигача,  
 Белигача гўзани кечар.  
 Хирмон кечар кўкрагигача  
 Ва чайлада чарчоқни ечар.

Кифтларини эзади рўзгор,  
 Суяклари кетмонга пайванд.  
 Раҳмим келар, синган кемадай  
 Тупроқ кечар бўйидан баланд.

\* \* \*

Ота, сенинг қора умрингдан  
 Оқ пахталар оқиб кетсин-эй.  
 Пешонангни ёрган кетмонми?!  
 Юрагимдан сачраган учқун  
 Чарчоғингни ёқиб ўтсин-эй.

Кесакларда новвотлар кўрдинг,  
 Эгатларинг қамчиларингдир.  
 Сен-да кетдинг синиб, сочилиб.  
 Эгатларни сочдек тарадинг,  
 Тарамадинг аёл сочини.

Қаламим тилини тишлайди, ота,  
Дарахтим тескари ўсади.  
Ота, мен одамга ўхшамай қолсам,  
Бўзалар эгатни ташлаб қочарлар,  
Ота, сен отамга ўхшамай қолсанг.

\* \* \*

Сен ернинг шўрини ювасан,  
Ювасан тарихнинг шўрини.  
Пешонанг шўрини ким ювар?  
Юрагинг шўрлари кўриниб...

Сен ернинг шўрини ювасан,  
Ювасан сен юртнинг шўрини.  
Юрагинг шўрига адаштирасан  
Таъқиб этаётган мажҳул бўрини.

Сен элнинг шўрини ювасан,  
Курагинг остига ботар мажҳул ўқ.  
Сен ернинг шўрини ювасан,  
Пешонанг шўрини ювар одам йўқ.

## САҲАР

Хўрознинг бўғзидан қуйилади тонг,  
Отамнинг кўзидан қуйилади тонг  
Ва бунёд бўлади улкан оқ хирмон,  
Ичида мен матал териб юраман.

Шаршарадай сачрар тун синиқлари,  
Трактор солдатдай барвақт уйғонар.  
Минутлар тошидан бунёдга келар —  
Улкан оқ девор... ном ёзилмаган.

...Гуркирар қуёшнинг шамоли яқин.

\* \* \*

Оналар – кузга қолган бошоқлар каби  
 Қуёшни ичарлар рўзада.  
 Олтин тангаларни бошлардан сочиб  
 Ой оқади тилла кўзада.

Ота, фаслларни кўтариб юрдинг,  
 Қуёшни кўзингда парваришладинг.  
 Пешонангни шўр доғлари  
 Эрта қордай ёғди муҳаббатимга.

Эрта пишган тутдай тўкилган опа,  
 Саратонга қуёш бўлиб кирасан.  
 Тунлардан кунларни ўғирлаб  
 Бир боғ беда каби олиб қочаман.

Ҳасратнинг ҳидига тўлар ҳовучим.

\* \* \*

Ёз каби судралиб ўтади  
 Кўзларига тун тўла меҳнаткаш илон.  
 Қуёш-ла баробар ўсади кўсак,  
 Кўсак ичидаги ул – Ўз-бе-кистон...

Илонларга ўхшаш оғриқлар ила  
 Шаклланар қоринда бир шакл жадал.  
 Кўз каби ёрилиб кетади кўсак,  
 Урғочи ит каби шалвирар дала.

\* \* \*

Ҳақиқат бошини хам қилганида,  
 эгилганида  
 ?  
 пайдо бўлди.

Уни

отамнинг қаддидан кўчиргандилар.  
 Ҳақиқат бошини кўтарганида,

синмаганида

!

пайдо бўлди.

Уни

отамнинг қаддидан ечинтирдилар.

Сўнгра

...

ҳаммасига қўйилди

### АСКАРГА ЖЎНАШ

Елканлар кўтарди кўзимда денгиз,  
Селдаги бешикдай оқдинг бечора –  
Ота, илк бор танидим: тенгсиз  
Қора эдинг, ўзбекдай қора!

Қуёшсан, қалбимга яқин келгансан,  
Кўзим денгизида мудом сузасан.  
Ёниб-ёниб оловлар сочдинг  
Юрагимнинг деразасидан.

Одамлар ичида бунча кичиксан?  
Кўзларим йўқотиб қўймайди сени.  
Дунёнинг қошида яна эгиксан..  
Поезд алдаб олиб қочади мени.

### ЧОЛ

*...Тушларингизга одам  
ўлдирганингиз кирсин!  
Э.Хеменгуэй*

Чол – қондан занглаган қилич.  
Тишини чувалчанг кемирган балиқ,  
Ҳассага таянган чинор монанд тинч,  
Оғзида чақалоқ қилади шўхлик.

Фарзандларин чаққан қуюндай илон,  
Камоннинг чириган ўқи ёки

дол.

Қари кўзларидан биламан –  
Тушида қон кўрган дарахтсифат чол!

\* \* \*

Отам соқолининг эгатларида  
Дунёнинг оқарган муҳаббатлари.  
Кунлардай узун эгатларда узилиб қолди  
Этак кўтарган кунларнинг зўр қанотлари.

Ичгали сув тополмай отам,  
Ризқини гўзага тутган қарилар...  
Гўзалар уялди –  
Уялгандай йигит хиёнатидан –  
Оқарди.

Оқарди.

Оқарди.

Болалик,  
Ўсмирлик,  
Соқоллар...  
Муҳаббат эгатларга тўкилиб қолди.  
Эгатларга сочилиб кетди Ватан, Халқ.

Уларнинг армонларига ботириб  
Оппоқ қўлларимни қорайтираман  
Мен –  
Севгисидан ўқ еган йигит.

\* \* \*

Чойхоначи самоварга ўтин қалайди,  
Кундага санчилган болтада қуёшнинг туси.  
Бедазор тарафдан оқиб келади  
Ҳозиргина туғилган бузоқнинг иси.

Омочларнинг абгор шудгорларида  
Баҳорги ва ёзги дардим тирналар.  
Қамишлар бошига попоқлар боғлаб  
Кунчиқар томонга учди турналар.

Отнинг атрофида ўтлайди тойча,  
Одамлар, одамлар, бунча хотиржам?  
Ишга тарқалади велосипедлар,  
Пахталар теради деҳқон бугун ҳам.

\* \* \*

Ота, сен меҳнатни танийсан фақат,  
Бир муте вўзасан – сенга ачиндим.  
Ота, қачонгача қўшиб-ёзилгай  
Бахти, бахтсизлиги Ўзбекистоннинг?!

Ота, муштрларинг ҳам кўсакдай жипсдир,  
Кўсакдай ёрилиб кетганда қўлинг,  
Ҳар куни бир катта ҳаётга чиқсанг,  
Дала ва хирмондан қайтади йўлинг.

Ота, мени бунча ўзбек қилмаса  
Чигитдай тўқ, доно, қаттиқ сўзларинг.  
Дунё пахтазордан иборат эмас!  
Чаноқдай очилиб кетсин кўзларинг.

Ота, эгатларнинг йўли калтадир,  
Пешонамга чўккан ажинлар узун.  
Ота, сен ҳам йилни тўртга бўлиб кўр,  
Яшама пахтадай фақат куз учун!

### ОТАМНИНГ ШЕЪРИ

Қулоғимга вўза айтди азонни,  
Пахтани танидим онамдан аввал.  
Терим деб орқага сурдим азани,  
Осмоним ҳам йиғлар маҳал-бемаҳал.

Фарзандларим – эртапишар ғўзалар,  
 Пайт ўтар ўқишга шайлангунича.  
 Мен ишлайвераман – улар ўссалар –  
 Кетмоним ҳассага айлангунича.

\* \* \*

Ота, деҳқон эмас, сен пахтакорсан:  
 Нўхатни билмайсан. Билганинг пахта.  
 Шудгор, ангарага ёрмаган қорсан,  
 Ичганинг қуёшдан ўт лахта-лахта.

Ота, деҳқон эмас, сен пахтакорсан,  
 Ишонмасанг ташлай дорилфунунни:  
 Лимуни ой билиб сен бахтиёрсан,  
 Биласан... кўп борса тарвуз, қовунни.

Ота, деҳқон эмас, сен пахтакорсан!

### 31 МАРТДАН 1 АПРЕЛГА ЎТАР КЕЧА

Қиз уйғоқ – келинчак бўлишни истар,  
 Бошида шафтоли гулли рўмоли.  
 Онаминг кўзлари бахтни излайди  
 Тарвуз, қовунларнинг уруғларида.

Тонгни кутаяпмиз Ўзбекистонда.  
 Тонг йўқ..  
 Пахта юқли қўллари билан  
 Соатни бир тошга суради отам.

Тонг алдамоқчимиз ё ҳаммамизни:  
 Бева хотинларни..  
 Етим болаларни..  
 Нима деса ҳам  
 Қишлоқ отам каби ишонар лаққа.

Ҳазил қилайинми мен ҳам отамга:  
«Пахта экилмайди Ўз-бе-кис-тон-да  
Бу йил...»

Югуриб чиқаман кўчага,  
Кеча оқаверар муттасил.

Мен тонгни истайман, менга тонг керак!  
Булутлар чиппа-чин кўчади.  
Мен тонгни бир соат олдга сураман  
Ўзбекистонда, кўчада.

\* \* \*

Чўнтакдаги тангани қуёш қиздирар,  
Тўппончага тошча каби жойланар қуёш.  
Шамнинг салласида қуёш ёнади,  
Балиқлар қочади қуёшни тишлаб.

Мажнунтол сочини тонгта ювади,  
Ойнинг элагиди музлаган сирож.  
Осмон қозонида ой бўғирсоқдир,  
Осмонда қуёш йўқ...

Осмонда...  
Қуёш...

\* \* \*

Парилар, ўйласам тишларим оғрийди,  
Тишларимни тилга қоқиб қайғурдим.  
Киприкларимни санаган ёғийнинг  
Кипригини пуфлаб-пуфлаб қайирдим.

Бир юрт эди – силаб-силаб буздилар,  
Фиштарини калтакесак ялайди.  
Чувалчанглар трактордай бўзласа,  
Чумолилар ўлик ташир яйловда.

Чигирткани миниб қочган парилар,  
 Барибир, уйқусираб пахта терасиз;  
 Барибир, кўсакдай шиша бошлайсиз  
 Тонг билан, тун билан, эр билан, эрсиз.

\* \* \*

Ота, бир сўз топсам сенга муносиб,  
 Юрагим данакдай чақилиб кетса.  
 Токи кўкрагимда қуёшни осиб  
 Қирқинчи йилларни кафтимда тутсам.

Ота, бир сўз топсам сенга муносиб,  
 Самолётлар олиб учсалар уни.  
 Хотирамдан олиб учсалар улар  
 Уйдан ўзим чиқиб кетганим кунни.

Ота, бир сўз топсам сенга муносиб,  
 Гиёҳлар ҳар баҳор кўтарса бошга.  
 Сени бир дақиқа эсламасам гар,  
 Йиқилсам, йиқилсам қоқилиб тошга.

Ота, бир сўз топсам сенга муносиб,  
 Ўзбек қишлоғидай эскирмаса ҳеч.  
 Уни эшитганда дарёлар тошса,  
 Эшитиб йиғласа севгилим ҳар кеч.

Ота, бир сўз топсам сенга муносиб,  
 Чанг қўнган дўппингдай кийса-ю дунё,  
 Қирза этигингни дарахтлар кийса,  
 Ўғил-қизинг бўлса уйда муҳайё.

Ота, бир сўз топсам сенга муносиб,  
 Муҳаббатдай ўтиб жонимдан,  
 Умрзоқ бўлса сендай ва ичса  
 Ёрилган қўлларинг қонидан.

Ота, бир сўз топсам сенга муносиб...

**БАҲОР**

Қалдирғоч уйма-уй хабар тарқатар,  
Чўққиларга чучмомалар югуриб чиқди.  
Қалтис қоялардан фавворалардай  
Соғинч лолалари сачраётирлар.

Чумолилар карвонида  
Ташвиш келади,  
Қуёш ёритади йўлини.  
Илон, калтакесак йўлни тўсади.  
Митти туяларга юк бўлиб  
Ўспирин кунлар ўсади.

Чўпоннинг қўчқордай кўнглига  
Бўри тушади.  
Отам тушган тишларини экади –  
Чигит.

**УЗУМЗОР**

Нураган устунлар. Чириган симлар –  
Қаровсиз, ташландиқ чегара.  
Ҳар кун қуёшни ютиб, қуёшни қусиб  
Кураш олиб борар халқ теграсида.

Нураган устунлар, чириган симлар –  
Чегара, нарёқда бир халқ – бахтга зор.  
Нарёққа душманлар ўтсин, аммо биз  
Ўтмаймиз. Нарёғи... пахтазор...  
Яна пахтазор...

**1985 ЙИЛ 16 ОКТЯБРЬ**

Бир зот кучугини парваришлайди,  
Тарбиялагандай отам ғузани.

Ёмғирда ивиган итига куяр,  
Отам термилгандай қорда пахтага.  
Итининг бошини силайди, ўпар,  
Отам силагандай пахта деб қорни.

**ОКТЯБРЬ**

Ой бошимас, аср бошидай  
Ғижимлади кунларни бўрон  
Тошлар отди қисмат бағритош,  
Чўпдай синди қадимий Турон.

Дарахтлардан туғдаста ясаб  
Япроқларга ўз рангин суртди.  
Алвонланди қора дашт дастлаб,  
Ҳар юракни бир байроқ туртди.

Сочиларлар ноклар ўқлардай,  
Анор эмас, граната бу.  
Бўриларнинг қўйга дўқлари...  
Гранатадай портлаган қалб-ку.

Бўйсундирар совуқ оқимлар,  
Пахтакорга, барибир, жабр.  
Октябрь, сен ўтиб оқиндай...  
Вулқон каби ёрилар сабр.

## МЕНИНГ ОТАМ

Қуёшдай чиқмайди даладан,  
Шаҳар бўлолмаган қишлоққа ўхшар.  
Унинг кўзларида тўхтаб ўтади  
Совуққа, шимолга кетётган қушлар.

Ғўза уялади мавжудлигидан:  
Танин қора, қалбин оқлигин кўриб.  
Ҳар ёзга соқолин оқартиргани  
Эшакда келади космонавт бўлиб.

Биринчи қорларда куздай яланғоч,  
Қарғадай қор титиб пахта теради.  
Шу тарздаги қисмат ихтиёрига  
Ўғиллар беради, қизлар беради.

Ойни пиёлада совутади,  
Ойдаи юрагини совутолмас нос.  
Тонгни соқолида оқартиради,  
Қуёшдай уйига кирмайди, холос.

\* \* \*

Юрак саҳронинг қоқ ўртасидаги  
Ёлғиз дарахт янглиғ қовжираётир.  
Осмонда портлаган самолётлардай  
Вужуд пароканда, боиси надир?

Кунлар турналардай ўтаётирлар,  
Юлдузлар қуёшли эртадан софир.  
Тоғлардай монолит, бахтдай омонат  
Орзуларим менинг, боиси надир?

Далада ҳосил мўл ҳар йилдагидан,  
Аён – пахтадан ҳам Ҳақиқат нодир.  
Пахта тераётган халқимни кўриб  
Яна кўнглим ярим, боиси надир?

\* \* \*

Тун. Тақир ёриғида ўсади Қайғу –  
 Ота, пешонангдан тўкилган азоб.  
 Ер ҳам қадоқ кафтдай ёрилди тарс-тарс,  
 Ота, қўлларингдан оқса изтироб.

Сен-да оғриқларда оқиб кетдинг-ку.

Оҳ, бу гал тушларим алдамадилар,  
 Мен шундай алдандим, кечирилмайди.  
 Энди уйимизга кўплар келади  
 Ва... отам келмайди, отам келмайди!  
 Мен учун дунёда қабр бор бўлса,  
 Энг азизи – отамнинг қабри.  
 Мен уни кўзимда олиб юраман  
 Кўзмунчоқ каби...

Осмон бўлса бунча баланд бўлмасин-эй,  
 Ер бўлса ҳам бунча қаттиқ бўлмасин-а.  
 Ўғил бўлса отасини ўзи кўмсин,  
 Ота бўлса... ота бўлса... ўлмасин-а.

Гоҳ отамга ўхшатаман боболарни,  
 Лекин улар.. улар сира ўхшамайди.  
 Пахтазорларда бели букик оталар кўп,  
 Кўпларининг ўғиллари йўқламайди.

### ҲОСИЛ ТҶЙИ

Ойни замбаракка солиб отамиз,  
 Юлдузларни тўппончаларда..  
 Ўғил-қизлар териб оламиз  
 Ўзбекистон кўчаларидан.

**АФВ**

Ўзимни  
Қўлларинг ҳайратига  
Дафта гулдай тутта олмадим.

Кўзларимдан тўкилиб кетди  
Аламларинг ясаган бўрон.

Сени севдим...  
Кечирма,  
Ватан!

\* \* \*

Тушимда юксакда учдим уқобдай,  
Ногаҳон бир зарбдан парвозим тинди.  
Сесканиб уйғондим ғафлатий хобдан,  
Ота, сен ўлмадинг, қанотим синди.

1985 – 1987

**ТОК**

Алвастидай тарвақайлаган,  
Алвастидай гадир-будир,  
Алвастидай ажи-бужи,  
Алвастидай эгри чизиқлар.

Алвастининг оқ дурлари бунча гўзал:  
Мармарми-ей, олмосми-ей, юлдузми-ей?

Туннинг қора сутларига ювилганми,  
Қорачиғми ё гавҳарми, кундузми-ей?

Парча-парча, қуроқ-қуроқ кўйлагини  
Дўппайтириб йиртаберса дурустми-ей?

\* \* \*

Улкан гулдасталар тутган дарахтлар  
Келиндай ийманиб берсалар изн,  
Замбариклар каби териб олардим  
Қадами юлдузлар сочган қиз изин.

Сўқмоқни хонамга бошлаб кираман,  
Қистириб қўяман деворга нурдай,  
Шиллиққуртлар каби тўлғонавериб  
Печ билан қўшилиб куйлайман. Жўрда

Гуллар дарахтлардай баҳайбатланса,  
Илдиэлари чуқур бўлса, пойида  
Ўша қиз изларин гуллардай узиб  
Босай кўнглимнинг энг нозик жойига.

\* \* \*

Ойдан сузиб чиқдинг,  
Қуёшдан тушдинг.  
Мен-чи, юлдуз каби ёнингга бордим.  
Яқин борай десам, ҳуснинг куйдирар,  
Узоқ кетай десам, меҳринг...  
Ёлбордим...

Аммо Яратганга зорим етмади,  
Ҳеч керак бўлмадим тириклигимда.  
Ўлсам, қабоғингдан тобут ясагин,  
Тошга исмимни ўй киприкларингда.

\* \* \*

Туннинг хат тарқатувчиси – қурбақа  
Гилос оёғини қитиқлаётир –  
Қўзларида узук келтирган.

Аён энди гилосга бари:  
Юлдузларни кўрар тушида,  
Саҳаргача қизариб чиқар.

\* \* \*

Кўча – дарё тўла тун – сокин.  
Девор оша қора бошлар кўринар.  
Тандирларда кул – ажина.

Товуқлар капалаклар каби жим.  
Уй қора қўнғиздай олади нафас.  
Кучукнинг занжири шилдирайверар.

\* \* \*

Олма дарахт, улкан шоирсан,  
Яшил сўзларингни бир-бир юлди Ер.  
Қўлларингни менга эмас, худога чўзиб  
Дейсан:  
«Одамлар бермаган тошларни сен бер!»

Олма дарахт, тошдан ўйилган ҳайкал,  
Олма дарахт, ҳеч ким олмаган хор бахт.  
Ҳеч ким ҳовучингга юлдузлар тўкмас,  
Ялинма ерга ҳам, кўкка ҳам, Дарахт.

Олма дарахт, менга жуда ўхшайсан,  
Йўлдан адаштирди сени қай сеҳр?  
Менинг кўнглимдаги ҳей олма дарахт,  
Ҳей қишки дарахтга ўхшаган шоир!

Кўкламда майсалар унган томларда  
Шу оқшом гуриллаб кўкарибди қор.  
Лабига сумалак қисган шомларда  
Томларнинг сеҳрига энди ҳовли тор.

Энди жойнамоздек пок томга тушиб  
Ибодат қиларлар шом юлдузлари.  
Энди том бошида қишнинг қушлари,  
Узоққа кетолмас кун кундузлари.

Оқликка етмоққа нарвон нораво,  
Томларнинг бошига айрилиқ доғи  
Тушмасин. Том турар чиқармай садо  
Кўкка кўрсатганча битта бармоғин.

**КЎҲНА ОҲАНГЛАР**

Тоғ ортига ўтган кундай  
Девор ошиб ўттим манам.  
Қоронғу қорайган сайин,  
Тобора ёруғроқ санам.  
Қип-яланғоч канизакдай  
Рақс этар ҳувайдо ой.  
Ой – ошкора ишқий шикор,  
Яшрин яшин – урэн моҳирўй.  
Чироқ ўчти. Қоронғуда  
Ёронгулдай (й)анор эди.  
Кўз, лаб, илким мани ташлаб  
Бўрилардоқ энар эди.  
Шамларни пуфлаб ўчирсам,  
Ҳар бармоғи бўлиб бир шам  
Ёнаберди титраб, титраб,  
Кўзимдан кетти қора ғам.  
Дуртиб, ўпиб, кирпик суртиб  
Бармоқларин-да ўчирдим.  
Улкан чироқ пилигидай  
Ёнаберди дароз сочи.  
Чумоли мисоли кичик,  
Қамиш янглиғ ингичкайкан.  
Билдим, қизни ўчирсамас,  
Ёққан сари тез ўчайкан.  
Ён-атрофга қарамасдан  
Ўз ишим-ла бўлдим машғул.  
Боласидай қучиб мани  
Дер: тугсайдим сандай ўғул.  
Чойшаб тонгдай оппоқ эди,  
Шомдай қаро бўлди, эс-сиз,  
Мен кеттим-у, ёдгор қолди  
Ойдаги доғ сингари из.

**ОҶ СОЧ**

*Адиб Наби Жалолиддинга*

Қўзғолур доғимнинг боғида бир тоғ:  
Ёшлар тошдай учар, қуёшлар синар..  
Ичида увлайди бўрондай йўлбарс,  
Кўзлари – ўқ тегиб тўзғиган инлар.

Қояга тик келар умр кемаси,  
Тишларини тишлаб туш кўради ғам.  
На чўкар, на сузиб қирғоққа чиқар  
Оппоқ сув ўтининг тагида одам.

**ОНАМ ПОРТРЕТИ**

Ҳаёт ўқи бўйлаб сузади  
Қуёш каби қари сайёра.  
Кўзларидан ситиб ташлаган  
Саккизта тоғ ўсар диёрда!

Тўлқинларни минган оймомо  
Намозига олиб киради  
Чақмоқлар саваган  
Ўттиз икки чинор тўнгаларини.

Йиллар омочини судраган  
Армонларнинг ангарасида  
Бахтларимдай териб оламан  
Марҳум ҳасратларнинг сўнгаларини.

## АЙВАЗОВСКИЙ

Ой балиқдай силлиқ сузади  
Булутларнинг тўрини йиртиб.  
Қора уюрларнинг ёллари – исён,  
Қайиқлардай оқар кўзларим.

Қирғоқлар кўзимга сўзлади:  
Зевсдай қўзғолур океан.  
Йўлбарслар тўдаси – тўлқинлар ваҳший,  
Оҳу каби қочади елкан.

**ТУН. НАТЮРМОРТ**

Не маърака? Нима сукунат?  
Нечун ҳадсиз қора дастурхон?  
Дона-дона гилос сочган қим?  
Тилим қовун бундай паришон...

• • •

Томга қоқилган паррак  
Тунни ўтказди тегирмонидан.  
Дийдор кўтарган чумолилар судралади,  
Тунда тўлқин каби сузар қора илон.

Қаймоқ доғли дока тортилган каттакон  
Кадидан айланади типратикон.  
Тирнаб-тирнаб чиқай деса – тирноқ чатоқ,  
Кетай деса – сутга ташна. Чанқоқ ёмон.

Барг-япроқлар булутлардай ўсаётир,  
Ой сувига ювинади ҳар не содир.  
Қўзларида икки томчи тонг билан  
Тилла қўнғиз каби чириллар шоир.

## БОЛАЛИК

Ахтараман йўллардан танга,  
Туширмаган адашиб ҳеч ким.  
Ўз чўнтагин адашмай топган,  
Қўллар, сизга офарин бўлсин!

Ахтараман йўллардан танга,  
Изларимда хат ўқир қуёш.  
Шеърларимга қушлар ёзар куй,  
Яхши кўриб қолганман ювош.

Ахтараман йўллардан танга,  
Ота, берган чақанг етмайди.  
Тугунчани чорсинг учидан  
Ечиб олдим, она, қийналиб.

Санадим-ку бармоқларимда,  
Тангаларим камдир салгина.  
«Этак танга тўлаб олиб кет  
Шу қизимни», – деб айтган она.

У қиз қўшиқ айтади майин,  
Қолишмайди ойдан чиройда.  
Сиртлон, сени сотаман, менга  
У қиз кўпроқ керак дунёда.

Бурчакларда танга ўйнаймиз,  
Бой бераман барин шу дамда.  
Тангалари кўп бой эмас ҳеч,  
Маҳрами бор энг бой оламда!..

Ахтараман йўллардан танга...  
Тўқайлардан тунлар қайтади.  
Мени тезроқ олиб кет дея  
Қиз узоқда қўшиқ айтади.

\* \* \*

Кўнглимни тарк этиб ҳабиб ҳумойлар,  
Қолдим ёлғизликда бенаво, бедил.  
Менинг атрофимда айланди ойлар,  
Менинг юрагимдан ўтди неча йил.

Гўё хотиридан чиқарди дунё,  
Гўё унутдилар азиз одамлар.  
Мен-чи, юксакларга қараб тобора  
Ташладим, ташладим қадамлар.

Сенинг бир ораста хаёлларингни  
Тарк этмоққа лекин етмади қурбим.  
Сенинг бир ораста хаёлларингга  
Шеър битдим, ўқидим, мусоҳиб турдим.

Кўнглимни банд этиб ҳабиб ҳумойлар,  
Сенинг хаёлингдан тирилди бу дил.  
Менинг атрофимдан айланди ойлар,  
Менинг юрагимдан ўтди неча йил.

## ЮРАК

Нечук боғ бу? Нечук бунда  
Қушлар тунда сайрайди?  
Нечук тоғ бу? Нечук тунда  
Тошни қайроқ қайрайди?

Нечук диёр, нечук ўлка,  
Нечук ватан, нечук юрт,  
Нечук бунда ҳамма ўлган,  
Ёнар охирги гугурт?

**ШОИР**

Томирларга ўтиб ақл, жон,  
Очариб боради тўқ юрак.  
Ҳар бир томир – мустақил илон,  
Уларга ўт керак, сув керак.

Кўзларингга осмон ёпилган,  
Қорачўғда ҳаёт даҳшати  
Ва кўксингга тахлаб қўйилган  
Бардошларнинг синади қати.

Ўйинг: тўймас илонларингга  
Қисматингни бўлиб ташламак  
Ва ечиниб дostonларингга  
Лаззатли оғриқда яшамак.

Юрагингдан бошланиб, тагин  
Юрагингда тугаркан ҳаёт,  
Илонлар еб адо этган кун  
Ўлим бўлар сенга мукофот!

### КУТИШ

Тугамайди осмондан оқаётган қор,  
Тугамайди фонусдан тўкилаётган нур.

Тугамайди қорнинг оқлиги –  
Ҳамма ухлаб ётган сукунат.

Тугамайди чўкаётган из,  
Ўсаётган кеча тугамас.

## УКАМНИНГ ПОРТРЕТИ

Боботоғнинг кўкракларидай  
Қаварибди меҳнаткаш кўзлари  
Кафтлари гўзадай очилган укамнинг.

\* \* \*

Тош, деразамни синдиргин,  
Ўғри, ўғирлаб кет пулимни.  
Кафтимда ўтларинг сўндиргин,  
Аёл, тўсиб чиқиб йўлимни.

Ўқ, менинг кўксимни изла, топ,  
Қилич, бўйнимга кел яқин.  
Найза, умуртқамни қилгин соп,  
Илигимни чаққин, ай, чаққин.

Бошимни айлантир, гўзал қиз,  
Рақиб, ошимга заҳар сеп.  
Довул, қолдирмагин мендан из,  
Дарё, қалбимни оқиз – кет...

## ОҲ...

Қора кунжут септирасан кечага,  
Олтин сепкилини элайсан ойнанг.  
Оҳ, сенинг юрагинг учбурчак..  
Бармоғимни тишлар қовурғаларинг.  
Умримни уладинг бўғинларингга,  
Киприкларинг майин игнаси билан,  
Оҳ, менга бахткўрпа қавийсан –  
Сочларингнинг ипак ипларин қўшиб.  
Қаро кечмишимни чокидан сўкдинг,  
Этимни айирдинг, оҳ, суягимдан.  
Оҳ, умримнинг зада ойқулоғига  
Қулоғингни қармоқ каби ташладинг,  
Оҳ, жоним зирқирар банди балиқдай.  
Қалбимни кўрсатдинг тиканларингга,  
Лабингдаги тўлқиндан бир қултум ичай –  
Оҳ, сенинг юрагинг учбурчак..  
Кўксимга санчиласан ҳар бурчаги билан –  
Оҳ, сенинг юрагинг учбурчак..  
Икки ёнингдан келсам ҳам  
Сатримни тугатдинг сўнгги ҳарфдай  
Ва мен тўқнаш келдим сўроқ белгиларига..  
Сўроқ белгиларига..

Оҳ, сенинг юрагинг учбурчак.  
Воҳ, сенинг юрагинг учбурчак!..

\* \* \*

Д... га

Бир тошқин исмга айланди тунлар,  
Қуёшли кунларда қуриди дармон.  
Руҳли ҳаётимни, о, чулвар бўлди  
Энди сочларидек қоп-қора армон.

Не-не туйғуларга талош бу юрак  
Бир малак чеҳранинг шайдоси бўлди.  
Оламча кўзлардан омон қолган ҳусн  
Девона журъатнинг Лайлоси бўлди.

Руҳимнинг гуллаган чечакларига  
Кўрк бўлиб қўшилди бир парисиймо.  
Қалбим боғларидан топаман бир гул –  
Бир хушбўй исмга қорилган дунё.

## ЭПИФАНИЯЛАР

Баҳор табиат бозоридан  
халтасини тўлдириб,  
қансираб қайтарди.  
Йўлига қўлларини чўзиб,  
болалардай югуриб чиққан дарахтларга  
халтасидаги бор яшилликни  
улашиб юборди.

\* \* \*

Деворлар – фурсат тасмаси.  
Уларда йўл, кўчалардан ўтган  
бутун ҳаётнинг кўзга кўринмас  
суврати акс этган.  
Бу тасма айланмайди.  
Уни кўргингиз келса  
ўзингиз айланасиз  
девор бўйлаб.

**ҒАЗАЛКЕНТ БОҒЛАРИ**

Ғазалкентнинг ғазал тўла боғлари  
Узун кипригингни қўямасин боғлаб.  
Муҳаббат ёшидан ўтармиз, балки,  
Юракда илк севги қабрин ардоқлаб.

Буюк ошиқларнинг қисматиға боқ,  
Дунёю тақдирда нима бор бекам?  
Ғақат дардларингни овунтир, жоним,  
Ғақат ҳасрат билан юпангил, эркам.

Мана, бошимизда баҳор кезар шаън,  
Уни титратмасин қалбнинг ноласи.  
Феруза, кўнгилнинг ёшларини арт,  
Биз, ахир, севгининг ўғай боласи.

**ОЛОВ***Жаббор Эшонқулга*

Жулдур кеча, мункайган девор,  
Олтин совут кийган дарахтлар.  
Терисига сиғмаган анор,  
Ён кўчада излар тарақлар.

Чироғимни қўрқув синдирган,  
Милтиқ тирар кифтимга биров  
Ва хонамнинг бир чеккасида  
Дўстим каби ёнмоқда олов.

\* \* \*

Келдим қошингизга сизни кўргали,  
Сиз кет демоқликка шайсиз шу фурсат.  
Мен ортга қайтмайман энди ҳеч қачон,  
Юрак, тирик бўлсанг борлигинг кўрсат!

Кўзлар ҳалқасининг доирасида  
Созинч оловидан куйди қароғлар.  
Тилимлаб ташлади бардошларимни  
Юракка санчилган сонсиз яроғлар.

Киприкларим дилбар талъатингизнинг  
Аксини мардумлар қатига жойлаб,  
Ўша озуқадан ўсар кўзимда  
Шуурлар ва нурлар кунлаб ва ойлаб.

Сўзнинг йўқлигига илова эрур:  
Севгилим, бўлмайди тили толенинг.  
Бағримга тўкилар сочларингиздан  
Узун парчалари жануб елининг.

Сиз кет демоқликка қарор қилманг ҳеч,  
Тикилиб тургайман қилиб кунни тун.  
Бошқалар келолмас жойлардан келдим,  
Сизни бир бор кўриб.. кетмаслик учун.

**МУБОРИЗ**

Юлдузлар сочилади  
Қиличлар ўпичидан.  
Осмон тилимланади  
Билакларнинг кучидан.

Отлар учай дейди-ё,  
Эрк берингиз, эрк, эрк.  
Эҳҳ, осмон дарвозаси  
Юлдузларга берк, берк.

Қалқонлардан сирғалган  
Қилич кўкка санчилар.  
Парча осмон ўлими  
Гўзал, гўзал қанчалар!

Дубулғалар порлайди,  
Қуёшни унутасан.  
Яланғочлаб қалбингни  
Қиличларга тутасан.

Қалбинг тўрғамларидан  
Қон оқмайди, қизил қон.  
Эҳҳ, муҳаббат қонингни  
Сўриб-сўриб тугатган!

Тулпорларнинг кўзида  
Фақат шиддат, фақат қон.  
Киприкларга тирмашар  
Фақат ҳаёт, фақат жон.

Дунё йўқдир, бу дунё  
Ал-қасос ул-минал-ҳақ.  
Дунё пешонасига  
Тиг урилар тақ, тақ.

Файратдан қайнаб-тошар  
Жангу жадал, жанг-жадал.  
Ўлимкор ҳамлалардан  
Омон қолади ажал.

Қайноқ терга чўмилган  
Хушқад отлар ечинар.  
Ўлолмаган жангчилар  
Лов-лов ўтга чекинар!..

## ИНСОН МАНЗАРАЛАРИ

### ТИЛИ УЗУН ОДАМ

У тилини белкуракка айлантириб  
Ичидаги риёларни тўкаверар.  
Гоҳ бўйрани фазоларга шайлантириб,  
Гоҳ ўтроқ деб фазогирни сўкаверар.

Оёқлари, қўллари – тил. Эртами, кеч  
Бирор жойда гап-сўз бўлса, овқат емас.  
Шоирларнинг тили узун бўлмасин ҳеч...  
Яхшиямки, ўша одам шоир эмас.

### ҚЎЛИ УЗУН ОДАМ

Бошингдан дўппингни олар у,  
Қўлингдан пиёла чойингни.  
Ризқу насибангни талар-у,  
Юлмоқчи бўлади ойингни.

Қуёшни – ҳаётбахш оловни  
Тутмоққа излайди чора – йўл,  
Осмондан қисқароқ, бировнинг  
Бошини силашдан баланд қўл.

### ТИЛИ ҚИСҚА ОДАМ

Тилини кўп қизартирган калом – доди  
Тепадаги қулоқларга бормас етиб.  
Дўқ уришга ҳар кимнинг ҳам сиғар ҳадди,  
Яғир бўлган столни чертиб-чертиб.

Минбарларда табрикларга эмас чечан,  
Жони унинг мақтов эмас, синмас тошдан.  
Ҳаётининг йўлларида у ҳеч қачон  
Ўзининг ҳам овозини эшитмаган.

### ҚЎЛИ ҚИСҚА ОДАМ

Умрнинг паст-баланд йўлида  
Ғамларга қўл силтаб кетмади,  
Турмушнинг кетмони қўлида..  
Қўллари хирмонга етмади.

Чой топмас гоҳ топган қандига,  
Топгани тез тугар халтада.  
Кетмонни кўтарар баландга..  
Афсуски, қўллари калта-да.

## ЮЛДУЗ

Эй юлдуз, менга қўл бер,  
Ёнингга чақириб ол.  
Аста-аста ютар ер,  
Секин емирар шамол.

Юлдуз, қутқар, тўлқинлар  
Отиб ўйнайди мени.  
Майда, сохта тошқинлар  
Сотиб ўйнайди мени.

Дарахт – яшил фаввора,  
Фунча рангга тўлсайди...  
Юлдузжон, қоронғида  
Бир ҳовуч нур берсайдинг...

\* \* \*

Йиғла, йиғла – кўзинг ёшидан  
Қайиқ ясай нилуфар учун.  
Йиғла, йиғла – кўзинг ёшидан  
Учар гилам тўқий қумрига.

Йиғла, йиғла – кўзинг ёшидан  
Йўниб берай кўзгуга Кўзгу.  
Йиғла, йиғла – кўзинг ёшидан  
Сўзларимга кўйлак тикиб бер.

Йиғла, йиғла – кўзингни кўриб  
Йиғламоқни ўргансин гуллар.  
Йиғла, йиғла – кўз ёшларингни  
Майсаларнинг тилига тутай.

Чайқалиб, тебраниб, титраб...  
Йиғла, йиғла...

## АЗАЛ ҲУКМИ

Омонат жонимни қўйиб хатарга  
Қуёшнинг изидан чиқдим сафарга.

Юрак сиқилганда орзу қилардим,  
Қуёшдек порлашни мақсад билардим.

Қандай порлоқ дердим, қандай юксакда,  
Яшасанг қуёшдек яшаш керак-да!

Осмон нақадар кенг, булутлар пастда,  
Майда ғала-ғовур, хашак-да, хас-да

Тубанда. Атрофда йўқдир бедодлик,  
Олий инъом эрур бундай озодлик!..

Омонат жонимни қўйиб хатарга  
Қуёшнинг изидан чиқдим сафарга.

Кўрсам – қуёшга ҳам ҳеч осон эмас,  
Осмонда ҳам олам гулистон эмас.

Само озодликка бўлса-да тимсол,  
Бир мантиқ қошида қолдим буткул лол.

Қуёшнинг йўли ҳам чизиб берилган,  
Юлдузлар соқчидек қатор терилган.

Қуёш-чи, гоҳ куйиб, гоҳида хира,  
Чизилган чизиқдан чиқолмас сира.

Шу қисматга тобе бўлса қуёш ҳам,  
Мен кимман – бир ожиз, нотавон одам.

Яратган азалдан чиқарган ҳукм,  
Бизнинг вазифамиз бўйинсунмоқ жим.

\* \* \*

Ёнимда аёл ухлар,  
Жонимда хаёл ухлар,  
Қонимда савол ухлар,  
Мен ҳеч ухлаёлмайман.

Олам ухлайди ширин,  
Дилда ҳақ сўз яширин,  
Билолмайману сирин,  
Мен ҳеч ухлаёлмайман.

Ухлай деб заҳар ичдим,  
Юрагимдан воз кечдим,  
Вақтни уст-бошдай ечдим,  
Мен ҳеч ухлаёлмайман.

Дунё қачон уйғонар,  
Тонг нурига чулганар?  
Теграмда олам ёнар,  
Мен ҳеч ухлаёлмайман.

\* \* \*

Бу жаҳон айвонида  
Ўтолмадим қир оша.  
Юрагим майдонида  
Тугамайди томоша.

Баҳорим тошқинлари,  
Умримнинг ишқ аёзи,  
Кузимнинг ёлқинлари,  
Севгимнинг гўзал ёзи  
Оқиб ўтди тўзондай,  
Чўлдай қақраб уйғондим.

Сўзсиз қолган сўзондай,  
Сувсиз қолган ўзандай  
Тупроқларда тўлғондим.

\* \* \*

Нигунларнинг сафидан танлаб  
Менга бахтлар ато этдинг сен.  
Қон ярамга босиб малҳам – лаб,  
Мен бормаган юртга элтдинг сен.

Бу боғларнинг юпун руҳида  
Шовуллаган ёшлик эмасми?  
Бир дарахтни қучиб йиғласам,  
Эслолмайман сени демасми?

Даргоҳига бош уриб келсам,  
Мени қабул қиладими боғ?  
Бу боғларнинг хазони кўпми  
Ёки менинг қалбимдаги доғ?

Аллақачон чиқиб кетганман  
Бу боғларнинг маҳзун ёдидан.  
Аммо нега жонимга ҳамон  
Титроқ тушар хотиротидан?

Хаёлимга келтирмай туриб,  
Юрагимга кириб улгурдинг.  
Эй боғ, наҳот, бугун ортимдан  
Бир қиз бўлиб ўзинг югурдинг?..

Сарҳадидан чиқиб кетганман,  
Ҳар битта барг жудаям таниш.  
Фамларига ёлғиз етганман,  
Бу боғларнинг мазмуни – ёниш!

Кўзимдаги бор нур, зиёни,  
Юрагимнинг ҳар бир торини  
Ва жонимнинг барча риштасин,  
Бошимдаги қисмат қорини,

Энг муҳими (бу жуда муҳим),  
Умримнинг бор йилларини ва  
Бор кунлари, соатларини,  
Ҳар дақиқа, сониягача

Бир ҳовуч нур каби тутсам мен,  
Бир гул учун асрагил, боғим.  
Чанқаб келиб ичганда,  
Сира  
Оғримасин лаби, дудоғи.

\* \* \*

Ёшлигимнинг осмонларида  
Қанот қоққан беғубор қушлар  
Ҳаётимнинг армонларидан  
Ўқ теккавдек тупроққа тушар.

Ёшлигимнинг осмонларида  
Хаёл каби тўзғийди пар, пат,  
Кечаларнинг дostonларига  
Сигмас бир пар ҳақдаги ҳасрат.

Ёшлигимнинг осмонларида  
Ёнар янги-янги юлдузлар.  
Мени ишқнинг ошёнларида  
Бир гул каби излайди қизлар.

Ёшлигимнинг осмонларига  
Оқиб кирар ойдан ойдин ой.  
Ҳажрнинг дашт, ёбонларида  
На уйим бор, на холироқ жой.

Ёшлигимнинг осмонларида  
Муқимлик йўқ. Ўткинчи бари.  
Мен тақдирнинг доvonларидан  
Ўтолмайман сира сен сари.

Ёшлигимнинг осмонларида  
Шамол каби тебранар хаёл.  
Юрагимнинг қатронларида  
Ўз-ўзини қидирар аёл.

Ёшлигимнинг осмонларида  
Шабадами, умр эпкини,  
Дунёнинг бор томонларида  
Ёйган сенми севги сепини?

Ёшлигимнинг осмонларида  
Юлдузлардек уйғоқ кўзларим.  
Фақат кетма хазонларимдан,  
Таъсир қилса сенга сўзларим.

Ёшлигимнинг осмонларида  
На кеча бор, на тун, на зулмат.  
Тополмагай сўзонларимдан  
На дўст-душман ва на хусумат.

Ёшлигимнинг осмонларида  
Чақмоқ чақар, гурлайди қуёш.  
Қолмоқ учун бўстонларимда  
Етадими сендаги бардош?

Ёшлигимнинг осмонларида...

**ЎТДИ**

Кунлар ўтди, ойлар ўтди,  
Йиллар ўтди,  
Неча-неча йўллар ўтди,  
Диллар ўтди.

Юрагимдан барча кетди,  
Сен кетмадинг,  
Ҳаётимни, хаёлимни  
Тарк этмадинг.

Бир кўрай деб  
Тирик чиқдим оташлардан,  
Бир кўрай деб ўлмай келдим  
Савашлардан.

Саҳарларда бир тишласам  
Иссиқ нондан,  
Соғинчларинг ўтиб кетар  
Мингта жондан.

Ўзга юртлар боғчасида  
Гул очасан.  
Тунларимга юлдуз каби  
Нур сочасан.

Қисмат энди иккимизга  
Қарашмайди,  
Сенга жонни нисор этсам,  
Ярашмайди.

\* \* \*

«Осмон тўла юлдузлар,  
Қани менинг юлдузим?..  
Уммон тўла қундузлар,  
Қани менинг қундузим?..»

Тўрт тарафга қарайман,  
Чаманлар кўп, гуллар кўп.  
Сен томон элтадиган  
Сўқмоқлар кўп, йўллар кўп.

Боғлардаги дарахтлар  
Сен ҳақингда шитирлар.  
Изларингни баҳорлар  
Майсазорга битдилар.

Шабада сочиб кетди  
Сочларингнинг бўйини.  
Мени хазон этгайми  
Қисматнинг бу ўйини?

«Гур-р» этиб кўчиб кетди  
Ёшлик деган қушларим.  
Топиб бер деб қийнайди  
Кечалари тушларим.

Тунларим қаро бўлса,  
Кўзингни соғинаман.  
Бағрим минг пора бўлса,  
Ўзингни соғинаман.

Лекин сен чорламайсан,  
Мен сенга етолмайман.  
Бир эмас, минг жонимни  
Ҳеч тортиқ этолмайман.

«Осмон тўла юлдузлар,  
Қани менинг юлдузим?..  
Уммон тўла қундузлар,  
Қани менинг қундузим?..»

\* \* \*

Чеҳраси ой, мағрур қиз,  
Хаёллари оғир қиз,  
Сен деб қалбим оғрир, қиз,  
Бир қиё боқиб ўтгин,  
Қалбимни ёқиб ўтгин.

Сендан нур сочилади,  
Кўриб гул очилади,  
Тугунлар ечилади,  
Бир қиё боқиб ўтгин,  
Қалбимни ёқиб ўтгин.

Олам сен билан кўркам,  
Сен билан кўркли кўклам,  
Биз зорлар томонга ҳам  
Бир қиё боқиб ўтгин,  
Қалбимни ёқиб ўтгин.

Дунёда энг гўзал сен,  
Ёзилмаган газал сен,  
Қанту новвот, асал сен,  
Бир қиё боқиб ўтгин,  
Қалбимни ёқиб ўтгин.

**ЁШЛИК БОҒЛАРИ**

Ёшлигимнинг боғларида  
Тўзғир хазон.  
Бу боғларда қадам қўймоқ  
Эмас осон.

Хазонларнинг уюмида  
Ухлар шамол.  
Шамол эмас, уюм-уюм  
Сўнган хаёл.

Бу дарахтлар аҳил, содиқ  
Дўстларимдир.  
Чандиқлари умримнинг  
Кам-қўстларидир.

У чоғларда оламни ҳам,  
Қўнглимни ҳам,  
Қўнгиллардан ўтган равон  
Йўлимни ҳам

Қалқиб-қалқиб ёритарди  
Меҳрибон ой.  
Лекин мени йўлдан урди  
Тенгсиз чирой.

Қўнгил бериб йўлларимни  
Йўқотдим-ку.  
Бол деб ўйлаб заҳар-  
Заққумлар тотдим-ку.

Шу тахлитда ёшлигим ҳам  
Бўлди хазон.  
Бу боғларда қадам босмоқ  
Эмас осон.

\* \* \*

Тун билан кун гаровларда...  
Тонг оқарди.  
Богларни оқ оловларда  
Қиш ёқарди.

Изларингни тополмайман...  
Сўзларингни.  
Кўзим боғлаб ўполмайман  
Кўзларингни.

Юрагимни забтга олиб  
Муз қоплади.  
Суягимни ўтга солиб  
Ишқ тоблади.

Дил туғунин ечолмайди  
Қаро тушлар.  
Кўзларини очолмайди  
Ҳатто қушлар.

Йирлайман-у, кўзимдан ёш  
Келмайди ҳеч.  
Бу не тонгки, йўқдир қуёш,  
Бўлдими кеч?!

Жон мисоли руҳга етар  
Овозсиз куй.  
Кўтаролмай синиб кетар  
Мен қурган уй.

Изғиринлар чопишади  
Оламларда.  
Толе билан топишади  
Одамлар-да.

Бутун олам менга қарши,  
Менга қарши.  
Мен ёмонман, ҳамма яхши,  
Ҳамма яхши!..

### АЛЬБОМГА

Ўн саккизда гул очган шу қиз,  
Ўн саккизда дил ошган шу қиз,  
Ўн саккизда бўй сочган шу қиз  
Ўн саккиздан ўтар бир кунда.

Ўн саккизда севилган шу кўз,  
Ўн саккизда севилган шу юз,  
Ўн саккизда севилган шу қиз  
Ўн саккизда қолади мангу!

**ПУШАЙМОНЛИК**

Онамни кўргани бора олмайман.

Мен эмас,  
Қабрим бориб кўради ҳар гал.

**СЕН**

Узоқда бир нуқта сузади –  
Қўнимсиз.  
Элас-элас чалинади бир товуш  
Юракка.

Мен сари сузмоқда нуқта,  
Яқинлашган сари улканлашади.  
Товуш ҳам ийманиб  
Кўтаради пардаларини.

\* \* \*

Майсаларга нур элтган сўқмоқ,  
Адирларда югурган сўқмоқ  
Тўлғониб кетди –  
Кетдинг.

## АЁЛИНИ ЙЎҚОТГАН ЭРКАК ЁКИ ГУЛДОН ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Ой – иккиқат аёлдек комил,  
Кеча – ўғил кутётган падар.  
Нохос синди азал таомил,  
Хотирамни тўзғитди хатар.

Аёл ташлаб кетган эркакдек  
Йиғлар эди хонамда гулдон.  
Тонг отгунча баланд теракдек  
Шитирлади, тинмади бир он.

Эркак ногоҳ тигга йўлиқса  
Қонга ботар, лекин ўлмайди.  
Аёлини қўмсаб йиғласа,  
Кўзларига боқиб бўлмайди...

Мен гулдонни токчага қўйдим,  
Ҳамроз бўлсин гулдек санамга.  
Одамзоддан мен – одам тўйдим,  
Гулдон хушнуд боқсин оламга.

Ана, кўча тўла қизларнинг  
Мақдамида эркаклар куйсин.  
Гулдон қўлга олиб ўзини,  
Бошқа топиб, бошқани суйсин.

Тунда гулдон йиғлади, тагин  
Кўзларига қараб бўлмайди.  
Аёлини қўмсаб йиғласа  
Севган эркак ҳечам ўлмайди.

Деворларга қараб йиғлайди,  
Пардаларга юзини босар.  
Аёл, балки, ширин ухлайди,  
Гулдон – эркак ақлдан озар.

– Қани, – дейди, – ўзимнинг ўша  
 Сочи сунбул, кўзи қийғочим,  
 Баданига сиёҳ сачраган,  
 Юзи кулча, бели ингичка?..

Қорлардан оқ севардим уни,  
 Осмонлардан кенг севар эдим.  
 Ул аёлнинг туғилган куни  
 Гулдасталар келтирар эдим...

Март ойининг йигирма беши...  
 Ўз-ўзидан йўқолди гулдон.  
 У хонамдан чиқиб кетибди,  
 Дўстим эди, изладим сарсон.

Эълон бердим газеталарда,  
 Топиб келди тиббий «тез ёрдам»:  
 «Бунга ғоят тез ёрдам зарур,  
 Йўқса, ўлиб қолар бу одам!»

Гулдон яна йўқолди, уни  
 Тутдилар ўт ўчирувчилар:  
 «Гугуртларни яширинг, йўқса,  
 Ўзига ўт қўяр», – дедилар.

Мен йўғимда хонамдан яна  
 Бутунлай бош олиб чиқибди.  
 Эшик очиқ турарди келсам,  
 Эски дардга боз йўлиқибди.

Эълон бердим газеталарда,  
 Тутиб келди қутқарувчилар:  
 «Балиқлар-ла сузиб юрарди,  
 Зўрға тутиб олдик», – дедилар.

Энди уни ёзув столимга,  
 Шу шеъримнинг ёнига қўйдим.  
 Вужудига тегиб кетса гар,  
 Қоғозлар ҳам, қалам ҳам куйди.

Деворларга қараб сиқтайди,  
Пардага юз босар жонсарак.  
Мен биламан: шундай йиғлайди  
Аёлини қўмсаган эркак.

Деразамни очсам эрталаб,  
Қушдек учиб чиқди.  
Қуш – фириб.  
Парда титраб қолди мисли қалб,  
Қуш қаноти юзимга уриб.

Энди уни ҳеч ким тутолмас,  
Тутса фақат аёл тутади.  
У кўкда ҳам севиклиснинг  
Ёди билан танҳо ўтади.

Энди уни ҳеч ким тутолмас,  
Газетларга бермадим дарак.  
Шундай якун топади севган  
Аёлини йўқотган эркак...

\* \* \*

Атиргул рангини кийди хаёлим,  
Туйгулар ёғдирди бир тўда турна.  
Пайванд бўғинларда овриқ ҳаёли  
Туртинар – тур-тин-а...

Тириклик сувига нон ботирди вақт,  
Шафтоли шохида юлдуз силсила.  
Силкиниб замбарик тиклаётса қад  
Зилзила – зил-зил-а...

Ҳаёт жанггоҳига чекингил, тақдир,  
Майса – қабрларнинг соҳир томири.  
Ширин бу севгининг борми ҳеч, ахир,  
Охири – о-хир-и...

**СЕВГИМ КЕЛДИ..**

Йиғидай самимий, йиғидай қайноқ,  
Кулгулардай чуқур, кулгулардай кенг –  
Севгим келди сени.

Гуллардан гўзалроқ,  
Ҳаётларга тенг –  
Севгим келди сени.

Сочларингга қуёш бинафшалари жамалак,  
Сочларинг бош узра хушбўй камалак –  
Севгим келди Сени.

Сукунатни парча-парчалаб,  
Кечаларни йиртиб майда-майда,  
Кўксимни ёрганда бемор қалб,  
Тирқишдан майсалар кўринган жойда –  
Севгим келди Сени.

Юрагимга босиб умр тамғасин,  
Гўзаллик ғамзасин, сафо нағмасин –  
Севгим келди Сени.

Севгим келди Сени  
Ер бўлиб.

Осмон бўлиб севгим келди Сени,  
Қуёшим.

Севгим келди..

\* \* \*

Кўкрагига ғулу кирган-эй,  
Бир ғулуки, тепади ёмон.  
Кеча билан тиллашган қизни  
Мазах қилиб қочади тобон.

Ўкинчлари улкан шу қизнинг  
Ёстиқлардан мулойим сочи.  
Икки ёнга бош олиб кетди  
Узукларни ташлаб қулочи.

Ён хонада ухлайди йигит,  
Наҳот, тинч у? Наҳот, уйқуда?  
«Қулф эмас-ку эшик, билмасми?» –  
Қиз оҳиста турди туйғудан.

Фижирлатди эшикни сирли,  
«Очиқлигин билсин», – деди қиз.  
Эшитди-ю йигит онгига  
Севги босиб кетган эди из.

Кўкрагига ғулу кирган қиз  
Юлдузларни қарғади шу тун.  
Йигит шеърлар ёзди: «Етмайман,  
Узоқдасан ойдаи мен учун!..»

\* \* \*

Келган келди. Кетганлар кетди.  
Ютган ютди. Ютқазган ҳам кўп.  
Хайриятки, сизга тегмади  
Юрагимни тешиб ўтган ўқ.

Ҳаётимни гаровга қўйиб  
Сизни ютиб олдим рақибдан.  
Ҳайиқмасдан яшайсиз энди,  
Қутуласиз мангу таъқибдан.

Кетинг, кетинг бу давралардан,  
Қарталарга бўлмангиз эрмак.  
Сарғайтириб бармоғингизни  
Чекмоқ сизга, айтинг, не керак?

Ҳеч бўлмайсиз энди қўлма-қўл,  
Ароқ ҳиди билан ўпишмас.  
Синдирибон тунчироқларни  
Ёруғ китоб каби ўқишмас...

Ўз-ўзимни яна алдайман,  
Дилда яна ёлғончи жаранг.  
Мен ҳаммани алдаб яшайман,  
Сиз мени алдаманг! Алдаманг!

\* \* \*

Қўлларимдан тутманг, кетаман,  
Кўникканман, кетмоқ оғирмас.  
Ҳар қадамда хиёнат кўрган  
Қалб энди оғирмас, оғирмас.

Кимки вафо кутаркан гўрдир,  
Нечун сиздан садоқат кутдим?  
Биринчи бор севаётгандай...  
Унутдим, дунёни унутдим.

Неча хил ранг бўлса борлиқда,  
Кўрдим шунча бевафолик ҳам.  
Ёрлар, дўстлар арзон сотдилар,  
Содиқ қолди ҳамиша онам.

Муҳиблардан хоинлик қолар,  
Хиёнатлар маҳбубалардан.  
Мен кетаман, кўрмайсиз қараб  
Умрингизнинг қуббаларидан.

Ростин айтсам, қизиғи йўқ ҳеч,  
На тириклик, на сиз, на шеърнинг.  
Кошки, ўзга ўпган қизнимас,  
Қучиб ётсам тупроқни, ерни.

Мен кетаман. Ой, йиллар ўтиб  
Кўнглингизда қолса из, асар.  
Ишонинг, гар келтирса жарчи  
Салим ўлди деган хушхабар.

Мен кетаман, уйимга эмас,  
Кир-чир гадоларнинг сафига.  
Замин – менинг ягона уйим,  
Тиланчилар яқин қалбимга.

Суянганча қўлтиқтаёққа  
Қаторида тиланчиларнинг  
Кафтимнимас, дилни тутганча  
Айтаман сиз суйган ўланни.

Майли, менга тошлар отсинлар,  
Олифталар қарамай ўтсин.  
Уст-бошимда жандалар кўриб  
Бир ошиқни жаҳон унутсин.

Унутсинлар. Қарамасинлар...  
Бир бор қараб ўтинг сиз фақат.  
Жаранглатиб ташланг косамга  
Сариқ чақачалик муҳаббат...

Қўлларимдан тутманг, кетаман,  
Қўникканман, кетмоқ оғирмас.  
Бу дунёдан буткул совуган  
Қалб энди оғримас, оғримас.

\* \* \*

Иш тугайди. Ишдан олдинроқ  
Тугар чора, йўл, тадбирларим.  
Уйингизга олиб боради  
Соғинчларим, гўл сабрларим.

Эшигингиз тирқишларидан  
Чироқ нури тушар йўлакка.  
Гўё тиниқ, гўзал соянгиз  
Тушиб турган каби юракка.

Сиз куласиз. Сочилар жаранг  
Тошга тегиб сингандай чинни.  
Сиз куласиз рақибим билан,  
Мен йиғлайман мисоли жинни.

Ичкарида бахтиёр давра.  
Ичкарида бахтли душманним.  
Деворга (ўқ тегиб) суяндим,  
Рақиб қўлингиздан ушлади.

Мағлуб бўлган лашкардай ортга  
Чекинаман сўзсиз, товушсиз.  
Сув ўтади пайпогимгача...  
Ва қайтаман уйга ковушсиз.

Эртасига, кечаги вақтда  
Ишдан олдин тугайди сабрим.  
Уйингизни излаб бораман,  
Менга бир пул ўзимнинг қадрим.

Эшигингиз тирқишларидан  
Чироқ нури тушар йўлакка.  
Олов бўлиб соянгиз гўё  
Ўрлайверар юпун юракка.

Шиша мисол топ-тоза полда  
Рақибнинг лой этиги турар.  
Севасиз деб урмайман уни,  
Юрак менинг ўзимни урар.

Буюк ҳарбда енгилдим яна,  
Боз бешарпа, бесўз чекиндим.  
Бу дунёда нечта кўз бўлса,  
Барчасидан шунча бекиндим.

Сиз йиғлайсиз. Йирингиз тошмас,  
Дилга тегиб чиннидек синар.  
Қайтмагайман. Минг бор севсам-да,  
Керак эмас менга хоинлар.

\* \* \*

Бу ерга келмоқчи эмасдим сира,  
Алдаб мени олиб келди маккор йўл.  
Кўзларимни тешиб қушим – хотира  
Кетди. Учиб кетди қанотлари ҳўл.

Бу йўлга кирмоқлик хаёлин бу гал  
Мен ўйлаб топмадим. Рад этдим. Рост гап.  
Қувиб ер шарини тутдим маралдай  
Бошимда ин қурган қушларга ўхшаб.

Янаям ростроғин айтсам агарда,  
Бошданоқ бу йўлга кирмоқчимасдим.  
Сизда эмас, ахир, шу болу пардан,  
Ўзимнинг қалбимдан бор эди қасдим.

Рости, ярим йўлдан қайтмоқчи эдим,  
Шу одамлар мени шу йўлда кўрган.  
Худонинг ишига ҳайронман дедим:  
Дунёнинг оёғин осмондан қурган...

Бу йўлга кирмоқчи эмасдим сира,  
Алдаб мени олиб кетди маккор йўл.  
Кўзларимни тешиб қушим – хотира  
Кетди. Учиб кетди қанотлари ҳўл.

**ЭҲТИМОЛ**

Эҳтимол, бир умр қайтмайди бу дил,  
Сизга ҳақиқатни айтмайди бу дил.

Эҳтимол, шу йўлдан кетаверасиз,  
Ойдин бекатларга етаверасиз.

Эҳтимол, қўйвормас мени бу сўқмоқ,  
Ҳаяжон шаклида чувалган сўроқ.

Эҳтимол, осмонга қуёш ҳам чиқмас,  
Менинг интиганим ёруғ ишқ эмас!..

Эҳтимол, эртага узилгай арқон  
Ва наъра тортади занжирбанд арслон.

Эҳтимол, дунёга саодат тилаб  
Турибсиз банди шер бошини силаб.

Эҳтимол, эртага йиртилар парда,  
Тошлар шира боғлар мисли парварда.

Эҳтимол, эртага қўзғалар дала,  
Ҳар битта гўзада ўнтадан бола.

Эҳтимол...

**ТАРИХ ТЕГИРМОНИ**

Осмон жуда тор экан,  
Замин жуда кичкина.  
Ҳар кўчада дор экан,  
Умр ўтди тинчгина.

Ҳар кўчада дор экан,  
Ўтди умр тинчгина.  
Осмон жуда тор экан,  
Замин эса кичкина.

\* \* \*

Ҳаммаси бир дамда тугади. Тамом.  
Бир дамда денгизда чўкмоқда кема.  
Қуёшни жўнатдим, ана, сен томон,  
У ҳам бу ёқларга айланиб келмас.

Кўрдим кўзларимга тўлганда баҳр,  
Сен ҳам кўр – кажрафтор нечоғ мунаввар.  
Энг ёмон дугонанг – энг ёруғ сипеҳр,  
Энг оддий сифотинг – энг ноёб гуҳар.

Бир дақиқа ўтди. Баҳру бар абас,  
Ҳаётимни бузди момо Гулдирак.  
Оёинг остида тош синигимас,  
Тошдек майда-майда сочилган юрак.

Ҳаммаси тугади бир дақиқада,  
Зилзилалар келди қўл ушлаб саф-саф.  
Эй душмани – нукта, эй оғзи – нуқта,  
Энг ғариб сифотинг – энг нодир садаф.

Топгандим. Йўқотдим барин бир зумда,  
Бўм-бўш уй дунёга ваҳима солди.  
Деворда «Бахт берсин!» деган ёзув ва  
Михларда илинган кийиминг қолди.

\* \* \*

Мендан аразлади. Терс ўгирилди.  
Сўрасам, тебранар.. Бермайди жавоб.  
У гўё бир даста муаттар гулдир,  
Ўқилиши керак бўлган бир китоб.

Мен унинг кўнглини оғритдим, бироқ  
Менинг кўнглимнинг ҳам оғриғи ёмон.  
Қай бир варағини очмайин – титроқ,  
Қай бир саҳифасин ўқимай – гумон.

Қай битта гулини тутмай – эгилар,  
Тирилгум қай битта гулин ҳидласам.  
Ҳар битта баргидан титроқ тўкилар,  
Ҳар бир кипригидан сизиб турар нам.

Битта варақ очсам – бир гул очилгай,  
Ўқийман – бу қисса узундан-узун.  
Гулидан руҳимга хуш бўй сочилгай,  
Сўзимдан дунёга сачрагай учқун.



**ОНАМ УЧУН****1**

Узоқда, узоқда, узоқда  
Мен кутган кун, мен кутган одам.  
Ундан бошқаларнинг кераги йўқ ҳеч,  
Ундан бошқа ҳеч ким беролмас ёрдам.

Она деб атардим уни бир пайтлар,  
Ҳозир-чи, азизроқ, чамаси...  
У мени болам дер...  
Шоир дейдилар  
Ундан бошқаларнинг ҳаммаси.

**2**

Мен кутган кун  
Ва қайлардадир  
Мени илҳақ кутаётган кун,  
Бир кун сўраб олай  
Ва мен ҳам  
Бир кун яшай ўз онам учун.

**СЕН ДЕДИНГ**

Сен дединг: Кўзингдан нечун ёш келур?

– Ҳар бир суягимда минг бир тош келур.

Сен дединг: Қўлингдан қанча иш келур?

– Ҳар бир бўғинимда минг ташвиш келур.

Сен дединг: Бурнингдан нечун қон келур?

– Атрофга қарасам – лабга жон келур.

Сен дединг: Ҳайратинг нечун жим келур?

– Гумроҳлар ортидан, ахир, ким келур?

Сен дединг: Ёнингда ким лак-лак келур?

– Кўксимда алданган бир юрак келур.

Сен дединг: Айт, сенинг севганинг қанча?

– Менинг севганларим кўзинг холича.

Сен дединг: Айт, сенинг севганинг борми?

– Севиб ардоқлайман гўзал озорни.

Сен дединг: Айтгил энг суйган китобинг,

– Энг севган китобим – суйган азобим.

Сен дединг: Ўша пир, ўша эл қани?

– Улар излаб кетди асл ватанни.

**СЕНИНГ**

Дунё деворлари, дунё уйлари,  
Дунё кўчалари,  
Дунё йўллари,  
Дунёнинг жамики машиналари,  
Ишхоналари,  
Дераза, эшиклар, муюлишлари,  
Гуллари, гуллари, гуллари,  
Кема, қайиқлари, самолётлари,  
Тандир, ўчоқлари, сигир, қўйлари,  
Кечаси, кундузи, қуёши, оyi,  
Тоғлари, айниқса, боғлари,  
Даштлари, чўллари ва саҳролари,  
Юлдузлари, соя, нурлари,  
Шаҳарлари, пойтахтлари,  
Қишлоқлари, дорилфунунлари,  
Анҳорлари, анҳор бўйлари,  
Итлари, қушлари, хаслари,  
Дарё, денгизлари, океанлари –  
Барчаси, бари

Сенинг дийдорингнинг ошуфталари!

Сенинг...

## ЎТИНЧИ ҚИЗ

Совуқ ёвуқ эди шалвираган далада.  
 Ҳайдов пахтазорда юрарди пода.  
 Ерни бўлиб олиб тала-талада,  
 Эркаклар кечаси ичарди бода.  
 Эски чопонларга ўраниб қизлар  
 Белларига боғлаб белбоғ ё чилвир,  
 (Ортда кичикларни чорлаган излар  
 Кўзлари – оловлар злаган ғалвир).  
 Кирза этиклари лойларга ботиб,  
 Ногоҳ ўроқ кесиб бармоқларини,  
 Қошлари қировлар яхида қотиб,  
 Чарчоқлар қучоқлаб оёқларини,  
 Қучоқ-қучоқ қилиб ҳам боғ-боғ қилиб  
 Ғўзапоя ўрар эдилар қизлар.  
 Дарахтларни кесиб отам ясаган  
 Чанани тортарди ҳўкизлар.  
 Унга кўп бўлди.  
 Дала ҳувилларди, улирди шоқол,  
 Қўй боқиб юрардим оламда ёлғиз.  
 Шунда таниганман ҳайратни яққол,  
 Ўшанда таниган мени ялмоғиз.  
 Мен ҳали дунёни таниб улгурмай  
 Улгурдим жонимни қўйиб хатарга.  
 Талпиниб яшадим болалигимдан  
 Уфқ ортидаги шаҳарга.  
 Майсага ёярдим қизғиш белбоғни:  
 Яримта нон, бир ҳовуч майиз.  
 Пиёла қилардим яшил қалпоқни...  
 Бир куни узоқдан кўринди бир қиз.  
 Ётиб сув ичардим лойқа ариқдан,  
 Қўзиқорин ердим кўмиб оловга.  
 Шувоқ, заранг, юлғун келтирар эдим  
 Қаловга.

Унга кўп бўлди.

Совуқ ёвуқ келди чала далага,  
 Исиниб турардим етим ҳувоқда.  
 Бир куни бир қора кўринди хира,

Яқинимга келди ул қиз узоқдан –  
 Қишда ғўзапоя ўраётган қиз,  
 Мен биринчи марта кўраётган қиз.  
 Тушунмас эдим мен одам тилини,  
 Билмайман нималар сўраётган қиз,  
 Менга қараб турди юлдуздай тикка,  
 Қаради юлдуздай киприк қоқмасдан.  
 Ғўё қулаб тушдим мен чуқурликка,  
 Хаёлларим қолди оқмасдан.  
 Охир жилмайди у, кулгичларида  
 Кўракдай очилди кўнгилнинг кўзи.  
 Эҳтимол, илк бора жимирлади қалб,  
 Илк бора тилимни куйдирди сўзим.  
 Чаноқлар жиринглар қўнғироқлардай,  
 Осмонимни тўсди шудгор қушлари.  
 О, ҳамон эсласам, ҳамон эсласам,  
 Кўзимни ёндирар оппоқ тишлари.  
 Менга оқ қанд берди сўнгра уч дона  
 Ва айтди: – Бири сен, бири мен, бу ким?..  
 Кўзларининг нотинч тегирмонига  
 Жонимни тўқдиму туравердим жим.  
 Мен қизга демаган эдим ҳеч нарса,  
 Бир умрга менда қолди саволи.  
 Бурилиб югуриб кетган эди қиз,  
 Ғўзага илашиб тушди рўмоли.  
 Унга кўп бўлди.  
 Биз кўчиб кетдик.  
 Унга кўп бўлди.  
 Шудгорда совуқнинг тишларин изи.  
 Дарахтларни чекиб ўрмалар туман.  
 Гардуннинг шаклсиз ва рангсиз қизи –  
 Фариштанинг қизи у ё ёсуман.

...Мен қизга демаган эдим ҳеч нарса,  
 Киримни у ўзи ювиб қўярди.  
 Тайёрлаб қўярди овқатимни ҳам,  
 Гоҳо пинҳон-пинҳон суярди.  
 Яқинда кечаси келди у йиғлаб,  
 Деди: – Хотирадан қўрқаяпман кўп.

Сочларин торида туманнинг суви  
Қатра-қатра бўлиб қилар талотўп.  
Мен қизга демаган эдим ҳеч нарса.  
Совғалар қиларди менга бир талай.  
Мен ҳам ўша қизнинг хизматларида,  
Эшигида унинг ҳар куни толай.  
Яқинда кечаси йиғлаб келди у,  
Деди: – Хотирадан қўрқаяпти дил.  
Бешта қадаҳ совға қиларкан деди:  
– Бу менман, бу сизсиз, бу учта ўғил.  
Қувурдан ўтётган сувнинг йўлини  
Ёпмоқчи бўлгандай ғаввос ялпизхон,  
Сочига қоп-қора туман занжирбанд  
Ё сочлари туман руҳида тўғон,  
Тўзон.  
Ҳафиф қадаҳларнинг бу тақсимоти  
Болалик, оқ қандни солди ёдимга.  
Сўзладим ўтинчи қизча ҳақида  
Гўё сўзлагандек ўз ҳаётимга.  
Бирдан ҳушёр тортди, кўзлари чақнар,  
Чақмоққа тўлгандай маҳзуна гўша.  
Баногоҳ қичқириб йиғлаб юборар:  
– Ўша мен, ўша мен, мен ўша, ўша!..  
Гўё битта нондай кичраяр само,  
Гўё пойимиздан қочиб чиқар Ер.  
Қўлларин ҳалқадай бўйнимга осиб:  
– Ўша қиз, ўша қиз, ўша қизман!.. – дер.  
– Мана, – кўрсатаман қизгиш рўмолни,  
Гўё қайтиб келар сургундан дийдор.  
Рўмолни кўксига босиб йиғлайди:  
– Онамдан, опамдан, уйимдан ёдгор.  
Йўқотган нарсасин топгандай эмас,  
Урушдан қайтгандай гўё отаси.  
Ўн беш йилдан кейин аён бўлди-ку  
Қисматнинг жудаям оддий хатоси.  
– Биз ҳам кўчган эдик ўшандан кейин,  
Лекин унутмадим сизни ҳеч қачон..

Туман тарқаларди тўзган подадай,  
Майсадай кўкараар эди ғалаён.

...Унга кўп бўлди.

\* \* \*

Куз япроқлар эмас, сўзлар совурди,  
Юракни куйдирди олтин олови.  
Оловларим тили етди, қоврилди  
Ўрим соч – ҳижроннинг қора косови.

Гулга қўнолмаган болари каби  
Ранжима, сўзларим сирмас ўзига.  
Суягим оқарар: мен наби  
Ойнинг заминдаги қизига,  
Ойнинг заминдаги қизига.

**ХОРИЖДА**

Тош шаҳарнинг кўчалари кўп,  
Ярми ойдин, ярми қоронғу.  
Бир четида отадилар ўқ,  
Бир четида ўсар ёронгул.

Ёронгулни ёри унутган,  
Тунда ётар бошқалар билан.  
Ётар, жабр жонингдан ўтган  
Бўлса, яна жафолар тилан.

Сонларини сиқиб тор шимда,  
Кўкрагига боғлаб оқ дурлар,  
Ўзимники эмас, қаршимда  
Ўзгаларнинг севгани турар.

Сочларидан сочилар атир...  
Адирларга шошилар шаҳар.  
Қучоқлайман бир тунлик ёрни,  
Дил зулматин ёритар гуҳар.

\* \* \*

Жамолинг нурига ташнаман,  
 Дийдорингни чанқади ҳовуз.  
 Жисмим менинг жафокаш тошдан,  
 Ел чалгай чумчуқдай чанқовуз.

Қомати гам каби қайрилган  
 Мажнунтол – ўзимдай мажруҳ тол,  
 Ёридан мен каби айрилган  
 Гулаёл, нурхаёл: каж-руҳ-дол.

Толедор мен эмас, шу ҳовуз:  
 Сойингдин ойдинни ичади.  
 Хиромон қилади минг товус,  
 Қушлар мени ташлаб учади  
 (Бир қушсиз қоламан кўчада).

Озорим абгорида Ҳовуз ва ҳамсоя қиз,  
 Қовурғам шудгорида Синган парча жуволдиз.  
 Кечмишим ангорида Беш панжам очиқ илдиз,  
 Жонимнинг фигоорида Қўшни қиздан қолган из.

Хиодор кафтингни ўпади сатил,  
 Кўзим, кипригига сатилдай осил.  
 Бизнинг дарвозадан яқин юриб ўт,  
 Юлдуз қиз, муродинг бўлсин-эй ҳосил.

Ҳовузнинг суви йўқ, менинг гамхўрим,  
 Жафокор дунёда жоним – қаттиқ тош.  
 Муҳаббатталабман, бошда шу кўрим,  
 Чанқоғимга қудуқ беролмайди дош.

Юлдуз қиз, юзлари кундуз қиз,  
 Кўкрагига қундуз кирган қиз,  
 Изингда оёғим қонади,  
 Кипригингдан тўкдингми бигиз?

**ҚИШЛОҚДА**

Сут тишига ўхшаган уйлар  
Қари милқда ночор туради.  
Вужуддаги оғриқ – юракдай  
Ўсмир нотекис югуради.

Тупроқ титиб ҳар йили одамлар  
Бир хазина топишга уринар...  
Бунда қанча оч қолсам агар,  
Олам шунча ёруғ кўринар.

**ТОПМАДИМ**

Излай-излай гадоликдан  
Подшо бўлиб камида,  
Ҳайҳот, излаганимни  
Тополмадим заминдан.

Қўлим кўкка етди, излаб  
Гоҳ топдим, гоҳ топмадим.  
Ҳайҳот, излаганимни  
Осмондан ҳам топмадим.

## ЁРУҒЛИККА ИНТИЛАР ГУЛ

Тош деворга дарз кетарми,  
Баҳорларга арз етарми,  
Кўрилмаган марҳаматга  
Дунё бизни қарз этарми?

Деворнинг синган гиштидан,  
Метин тошлар тирқишидан  
Гоҳ кўриниб тим – осмонга,  
Тола нурдай титраб нуқул,

Энг камида бир Инсондай  
Ёруғликка интилар гул.

**ҚАЛДИРҒОЧГА**

Сени яна қандай чақирай?  
Нималар дей?  
Пастга тушгина,  
Хаёлимнинг деразасига  
Ўз исмини ёзган қушгина.

## ОТА ҲОВЛИ

## 1

Очарчилик пашшахонасин  
Шу ҳовлида эринмай тутган.  
Соқолидан нур оққан ота  
Фашистларни, урушни ютган.

Қуёшга тик қараган тандир  
Сават-сават нон узатади.  
Меҳмонларни обдаста кутиб,  
Оппоқ сочиқ хуш кузатади.

Тонг яшайди говмиш жонида,  
Қўзичоқлар – беданинг гули.  
Ҳатто ит ҳам занжирланмайди,  
Уйга туташ дунёнинг йўли.

## 2

Дарахт ўсар жон-жаҳди билан,  
Бўйларини таратар райҳон.  
От бўйвида – маъюсликнинг ҳам  
Тушларига киради сайҳон.

Мезонни соғинган мевалар  
Тўкилади ойдин қўшиққа.  
Из қолдирмай ёқут юлдузлар  
Ҳар кеча тушади қудуққа.

Болаларга керилар хўроз.  
Ой супага нурларин тўшар.  
Симёғочда тиқирлар фонус,  
Кўнгил каби ёруғдир кўча.

## 3

Бир ота бор – чинордай чайир,  
 Суягини давр чархлаган.  
 Кимлар уни қораладилар..  
 Пахтазорлар эса оқлаган.

Ёлғиз эмас, қўплар қатори  
 Берлингача борган пиёда.  
 Фарзандларин кўп ўйламаган,  
 Пахта – ҳаёт бўлган дунёда.

Тиззасининг кўзларида, ҳей,  
 Етмиш йиллик азоблар қотган.  
 Етмиш йилда ўзини топди..  
 Азиз умрин эса йўқотган.

## 4

Бир она бор – бахтни кам кўрган,  
 Ҳасратлардан чиқмаган боши.  
 Денгиз тўлар эди тўпланса,  
 Умр бўйи тўккан кўз ёши.

Бир она бор – меҳнаткаш қўли  
 Ойдайд-ойдай нонлар ёпади.  
 Гулдайд-гулдайд ўғил-қиз учун  
 Тунда юрар, кундуз чопади.

Йиғлаб қўшиқ айтишлари-ей,  
 Юрагимни қон қилади, қон.  
 Унинг метин билакларида  
 Тўлиб-тўлиб шафқатлар оққан.

Бир она бор – тириклигимни  
 Суяб турган ҳаёт қояси.  
 У дунёнинг қуёши эрур,  
 Дунё эса увинг сояси.

**БОЛАЛИК КЎЧАЛАРИДА****1**

Бу йўллардан арслон ўтади,  
Йўл четида қўзиқоринлар.  
Бугдойзорни ҳилол ўради,  
Кун келади, кетади тунлар.

Адашмайди қари илонлар,  
Қалдирғочлар кўрсатади йўл.  
Ўнгда югуради жайронлар,  
Бинафшалар тўла сават – сўл.

Адирларда қуралай эпкин –  
Қўзичоқлар хуррам ўтлайди.  
Йўлдан арслон ўтади, лекин  
Қора мушук кесиб ўтмайди.

**2**

Капалакнинг оддий қаноти  
Осмонни тебратар бу ерда.  
Ўсмирлар шеър ўқиб йиғлайди,  
Лола кўкаради ҳатто қабрдан!

Том бошига фаришталарни  
Чақиради хушбўй исириқ.  
Болаларнинг изидан юриб  
Мусичалар терар ўз ризқин.

Қўзичоқнинг қарашлари-ей  
Жон киритар минг йиллик тошга.  
Энг нозик бугдой ҳам, арпа ҳам  
Бошига кўтарар қуёшни.

Юлдузлар оқ ва ғоят ёруғ.  
Хиёнатдан жуда баланд шамс.  
Ҷишин-ёзин қушларга тўлуғ  
Бир осмон бор – ҳеч ҳовоқ уймас.

Йигитларнинг кўнгли жуда кенг,  
Ҷизлар ойдаи порлар уйқуда.  
Шунинг учун боболар тинчдир,  
Момоларнинг умри осуда.

## СОҲИЛ. ҚИЗ

### 1

Сой бўйида, тол соясида,  
Капалаклар ҳимоясида

Оёғини сувга солган қиз,  
Либосини қўлга олган қиз,

Кўкрагинга қилса ҳасад, кин,  
Балиқнинг кўзи ўйилсин!

Сувга ташлаб сочинг учини  
Парча-парча қил мавж кучини

Ё сочингдан балиқларга тўр –  
Ҳавас учун кирар – ташлаб кўр.

Капалаклар терлаб қўриқлар  
Тишламасин дея балиқлар.

### 2

Шафтолини тишлаб, дилобар,  
Мазасини сезмадинг агар,

Ҳайрон бўлма, лабларингда таъм  
Минг бор ўткир, меваларда кам.

Катта кучлар оз кучни, алҳол,  
Вужудида сезмоғи маҳол.

## 3

Чўчинқираб тош, дарахтлардан,  
Сувга тушиб кўйлаги билан

Қирғоқларга урилиб, янграб,  
Майда-майда синиб, биланглаб

Оққан ойни билакларига,  
Кўзларига, кўкракларига

Яширдию олиб кетди қиз...  
Ва соҳилда қолиб кетди из.

## 4

Кўчамдан гоҳ ўтган, қайтган қиз,  
Даричамни черт деб айтган қиз,

Эшигимни тақиллат баъзан,  
Баъзан кутай сени дард билан.

Рўмолингни сен еч баъзида,  
Суҳбат аро чой ич баъзида.

Гоҳо суйиб мақтаса онам,  
Қувватласин гоҳо синглим ҳам.

Мен томонга гоҳ-гоҳ қараб қўй,  
Гоҳ-гоҳ қизиқ, қачон бўлар тўй.

Гоҳида сен кетсанг бетоқат...  
Пинҳон тутай гоҳида мен хат.

Ёққин, аввал ўқигин гоҳи,  
Ботсин гоҳи дилингга оҳи.

Кўнглимдан гоҳ ўтган-қайтган қиз,  
Кўчамдан гоҳ ўт деб айтган қиз...

5

Нарх йўқотди тобоним зари –  
Кетмоқдасан ёлғоним сари.

Бўйсунмади хоҳишинг зайли,  
Қўй, синмайди ройишинг, майли.

Яхши боргил, фақат, илтимос,  
Унутмадим дея хатлар ёз.

**ЮРАГИМ ИЧИГА БЕРКИНИБ**

Кутдим –  
Оёгим тагидан кетди таянчим.

Кутдим –  
Бошимдан кетди соябоним.

Кутдим –  
Олов излаб  
    қабогимдан тушиб кетди икки шам.

Кутдим –  
Қўлларингни излаб кетди қўлларим.

Кутдим –  
Изларингни излаб кетди йўлларим.

Кутдим –  
Юрагим ичига беркиниб.

\* \* \*

3...га

Нечун эшик чертдим бемаҳал?!  
Дунёсиз қолдирди дунёда  
Тақдиримга сиғмаган ўшал,  
Пешонамга бўлган зиёда.

**СИЗ ЭРТАГА КЕЛАСИЗ**

Сиз эртага келасиз,  
Ҳозир  
Хабарини етказди симлар.  
Бу хатарнок йўлда карвонни  
        ютган вабо –  
                                оҳангдор қумлар.

Сиз эртага келасиз –  
Сабо  
Салимга ҳам гулоблар қуйди.  
Кўзингиздан ўпдим. Лабларим  
Юлдузларга теккандай куйди.  
Лабингизда – бешикда жаҳон,  
Жаҳонларни суйдим мастона.  
        Сиз эртага келасиз,

Бугун  
Янги ранглар кияр остона.  
        Сиз эртага келасиз  
                «1» дай,  
Одамларга номаълум сирдай.  
Кўрасиз –  
Севгимни илиб қўйибман  
Якшанбада ювиб  
        ёйилган кирдай.

Сиз эртага келасиз,  
Ҳозир  
Юрагимни қўйдим ўртага.  
Агар тузлар ютиб олсалар,  
Тополмайсиз мени эртага.  
Сиз эртага келасиз,  
Қочиб  
Таъқиб этган фаранги куйдан.  
Сиз келасиз шошиб, аммо мен  
Чиқиб кетган бўламан уйдан.  
        Сиз эртага келасиз...

Боққа  
Либосларни хазондай ташлаб.  
Бугун менинг чўллик қишлоққа

Кетгим келар  
    кўзимни ёшлаб.  
Сиз эртага келасиз,  
Бироқ  
Бугун тушиб қолдим мен асир.  
Бу дунёда нима бўлсаям,  
Менга ҳозир керакдир,  
    ҳозир.  
Сиз эртага келасиз,  
Бугун  
Ой нурига лим-лим тўламан.  
Сиз эртага келасиз,  
Аммо  
Эртага мен ўлган бўламан...

\* \* \*

Ишонинг, бир умр содиқ қоламан,  
Сизни авайлайман мен чўкаётиб.  
Мен сиздан оғушлар сотиб оламан,  
Сизни қутқараман ўзимни отиб –  
Мен сизга бир умр содиқ қоламан.  
Турсангиз – мен сизга паноҳ бўлгумдир,  
Юрсангиз – мен сизга бўлгум посбон.  
Сизни севиб ўлмоқ гўзал удумдир,  
Сизни севмай яшаш – ўлим бегумон,  
Мен сизга бир умр содиқ қоламан.  
Аскарнинг дарғага садоқатидек,  
Сиддиқлиги каби томчининг тошга,  
Офтобнинг ҳар кунги саёҳатидек,  
Тайёрлиги каби кўзимни ёшга,  
Нега бундоқ, нима, нечун демасдан,  
Боғлиқлиги каби кийикнинг тоққа  
Мен сизни ҳар куни ёниб севаман,  
Мен сизни ҳар куни севаман бошқа.  
Фалак эгалари қилмасдан амр,  
Фармонлар чиқармай ҳали подшоҳ,  
Қалбим синиқларин этмасдан таъмир,  
Ҳали тузалмасдан бузилган дунё,  
Тўғри йўлга кирмай токи одамзод,  
Токи тарқагунча ҳаётдан туман...  
Бир умр, бир умр итингиз каби  
Сизга хизмат қилай садоқат билан.

\* \* \*

Уйғониб кетаман ярим кечаси,  
Юлдузлар уйғонар, кўз очар ўлим.  
Сизни қўмсамайман, лекин негадир  
Сочингизни қўмсаб юлқинар қўлим.

Уйғониб кетаман ярим кечаси,  
Тарс-тарс ёрилади ташна томоғим.  
Сизга боргим келмас, лекин негадир  
Кўчангизни излаб борар оёғим.

Уйғониб кетаман ярим кечаси.  
Тун. Афлок жонимга бермагай тўзим.  
Сизни кўргим келмас, лекин негадир  
Бир кўрай деб юм-юм йиғлайдир кўзим.

Уйғониб кетаман ярим кечаси,  
Ўз дилим ўзимга ўтказар зулм.  
Менинг айтгим келмас, лекин негадир  
Исмингизга дўниб боргайдир тилим.

Қовжираб-қовжираб қулоғим ёнар,  
Тўғондай бузилиб кетар лабларим.  
Сиз гоят бахтдорсиз мени унутиб,  
Сизга эшитилмас ёлғон гапларим.

Уйғониб кетаман ярим кечаси,  
Бурканиб шуҳрату шону шарафга.  
Менга керакмасиз...  
Сизни соғиниб  
Тўрт мучам кетади тўртта тарафга.

\* \* \*

Ёри кўпу ёлғиз дилим,  
Фироқ ўлмиш асл илм,  
Даргоҳингга келмиш Салим,  
Ассалом, эй ошна ўлим.

Сўлди азиз ўттиз гулим,  
Ташлаб кетди тўғри йўлим,  
Тилим ўлди тилим-тилим,  
Ассалом, эй ошно ўлим.

Маним душманам – ман ўзим,  
Маним гулшанам – сан ўзинг,  
Маним кишанам – ман ўзим,  
Маним пушмоним – сан ўзинг.

Сўзим – ўзимга марсия,  
Ўзим – ўзимга таъзия.  
Мени ҳар кун пайҳон этар  
Юрак деган соз – осия.

Жам бўлмадим, бўлдим тўзим,  
Ёниб кетди ўттиз ёзим,  
Ҳар кун хор ўлишим кўрмай  
Оқиб тушсин икки кўзим.

Зухроларга зориқиб зўр,  
Икки кўзим бўлди бир кўр.  
Кўр кўз нима? Очиқ қолган,  
Томи кўчган ломакон гўр.

Ассалом, эй ошна ўлим,  
Ассалом, эй ташна ўлим.  
Мендек йигит тирик ўлмиш,  
Юзларингни ёшла, ўлим.

Дунё, сени ёмон кўрдим,  
Сендин ҳеч шафқат кўрмадим.  
Яшай десам – яшатмайсан,  
Ўлай десам – ўлдирмадинг.

Ўттиз йилим уч капалак  
Бўлиб учди-кетди боғдан.  
Ўтган ўтди, кетган кетди,  
Бир сас келди ё ужмоҳдан.

Мунча ғариб, мунча ёлғиз,  
Танҳо келган қисқа йўлим.  
Ғариб эдим, ғариб кетдим,  
Ассалом, эй ошна ўлим.

Ёр топмадим, дўст топмадим,  
Бахт топмадим, топмадим руҳ.  
Сенга жуда ўрганибман,  
Мени ташлаб кетма, андуҳ.

\* \* \*

Мана гугурт, мана тош, мана  
 Битта зарб ва тугайди умр.  
 Фақат чақмоқ – чўғ ошиқона –  
 Фақат чақноқ оловни эмар.

Фақат чақмоқ гапиради рост,  
 Фақат чақмоқ кесади тўғри.  
 Дил, ўзингни ўз дорингга ос,  
 Дил, хайр де тўлғониб, оғриб.

Дил, ўприлган қирроқларингга  
 Илдизларин ёйди нилуфар.  
 Дил, чайқалган чарчоқларингдан  
 Бахтсиаликнинг иси уфурар.

Дилдарахтнинг шохларидан  
 Бош кўтарар ҳуркович фироқ.  
 Дилни чақмоқ ёқаларида  
 Чақмоқ, чақмоқ ва яна чақмоқ.  
 Дил, нилуфар кафтлари бўйлаб  
 Анор каби титилгил, ситил.  
 Сочларининг ҳар торин куйлаб  
 Қаро, қаро тўкилгил, эй дил.

Қоши – осмон. Осмон остида  
 Бир жуфт қарға. Қоп-қора, чақноқ.  
 Қарға қарғар. Қарғиш дастидан  
 Кипригида тирилар титроқ.

Мен ҳам қадим осмон тагида  
 Минг бир тошга уриб тўзимни,  
 Хайр деган қир этагида  
 Чинор янглиғ ёқдим ўзимни.

Бу дунёга бўлолмадим эн,  
Дарё каби қуриди дийдам.  
Сенга бўй ҳам бўлолмадим мен,  
Ўқлар тегиб йиқилдим мен ҳам.

Мен ҳам кириб чиқдим оламнинг  
Бор қўчаси, хилватларига.  
Юрагимни кесиб бердим мен  
Юрагимнинг улфатларига.

Чақмоқ фақат гапиради рост,  
Дил, данакдай чақилгил, чақна.  
Дил, ўзингни ўз доринга ос,  
Мана гугурт, мана тош, мана...

\* \* \*

Мен келдим  
 Дилимдан поралар бериб  
 Юзи бужур йўлнинг сепкил – тошига.  
 Қайиқдай сузарди ботинкаларим,  
 Фарқ бўлиб ёмғирми, кўзим ёшига.

Аскардек тик ухлар қора қамишлар,  
 Мен келдим,  
 Дарахтлар – лашкарбошилар.  
 Ухлар чўнтагимда, гугурт қутида  
 Оловлар, гулханлар, ўчиш, ёнишлар.

Қизларига ҳушёр отадек даҳа  
 Менга қарши чопқир отлар ёлларди.  
 Чўчиб қараб қўйсам осмонга, ваҳ-ҳа,  
 Ой-да юзларини тўсиб оларди.

Мен келдим.  
 Жанглару жадаллар тугаб,  
 Ер юзида ёлғиз қолгандим гўё.  
 Ҳар имо, ҳаракат, ҳар қадамимни  
 Ётиб кузатарди минг кўзли дунё.

Тун эди.  
 Мен келдим.  
 Дўкон ва бекат  
 Бир-бирига йўллар ёруғ табассум.  
 Гоҳ ортимга қочган,  
 Гоҳ олдга чопган  
 Соямни ёнимда кўраман бир зум.

Мен келдим.  
 Тун эди.  
 Атроф сокин, жим.  
 Дарахтлар турарди бир паришонҳол.  
 Олам ухлар эди  
 Оқ ёстиқ узра  
 Тўзғиган, сочилган сочингиз мисол.

Мен кетдим.  
Ташладим остонангизга  
Гул эмас, сиз севган бешта ярамни.  
О жаҳон, кўргил, мен қандоқ огрийман!..  
Қоронғу кўролмай қолди қорамни.

Мен келдим..

\* \* \*

Биламан: сенсиз ҳеч яшай олмайман.  
Билмайман: сенга ҳеч кераклигим йўқ.  
Биламан: изингдан итдек қолмайман.  
Билмайман: менга сен отажаксан ўқ.

Биламан: бир куни йўлингни тўсгум...  
Билмайман: сен унда бахтга етасан.  
Биламан: қўлингда тирноқдек ўсгум...  
Билмайман: сен мени топтаб ўтасан.

Биламан: телефон тошин тераман.  
Билмайман: уйқудан очмайсан кўзинг.  
Биламан: кўксимни тутиб бераман.  
Билмайман: пичоқлар қадайсан ўзинг.

Биламан: чўзаман сенга илгимни.  
Билмайман: кетасан кўчага ташлаб.  
Биламан: кутасан ёруғда кимни...  
Билмайман: қадайсан гўримга тошлар.

Биламан: сен учун созлар созлайман.  
Билмайман дилимни синдирганингни.  
Биламан: исмингни қумга ёзмайман.  
Билмайман ғамларни тиндирганингни.

Биламан: сени мен бино қиламан.  
Билмайман: мени сен қиласан адо.  
Биламан: доим мен хато қиламан.  
Билмайман: сен ҳечам қилмайсан хато.

Биламан: бир куни нидо қиламан.  
Билмайман: ўша кун бермайсан садо.  
Биламан: бир куни қайтиб келаман.  
Билмайман: дарчангни очмайсан ҳатто.

\* \* \*

Мен сизни танидим...  
Икки йил аввал  
Сизни кўрган эдим... дил титроғида.  
Сиз гул терардингиз... толега маҳтал,  
Мен кўчат экардим... қалбим доғида.

Тоғлардан кийикдек йиқилган осмон  
Сизга боғлатарди яраларини.  
Қалдирғоч тўшига суртиб, ё усмон,  
Кўзимнинг оқини, қораларини.

Кўлмакдек эскирди қонимнинг ранги,  
Фақат сиз қолдингиз баҳордек тоза.  
Менга ҳам эс кирди икки йил гангиб  
Ва бир кун чорлади сизнинг дераза.

...Мен сизни танидим,  
Икки йил аввал  
Кўрган эдим сизни тоғ этагида.  
Шундан буён кутдим икки йил маҳтал,  
Ҳаммаси ёдимда,  
Ҳа, кечагидай...

\* \* \*

Турасиз, пальтони киясиз енгил.  
 Сизни қучоқлайди гулчамбар,  
 Эй ғариб, эй гадо, девона сингил,  
 Эй шамшод, эй сарв, эй мушки анбар.

Лабингиз япроқдек дилдироқ, титроқ,  
 Эй довул, селларда келган дарахтим.  
 Тиригимда ўзимнинг бахтсизлигим, эй,  
 Ўлсам, мендан кейин қоладиган бахтим.

Кўзингиз яшринай деса – паноҳ йўқ,  
 Севги либосини кийган таҳлика.  
 Эй кулгучи менинг қайғумга тобут,  
 Эй бели ингичка малика.

Юрса – этигидан из қолмайдиган,  
 Кетмакка шайланган эй гули раъно,  
 Қўлингиздан тутиб қололмас кўзгу,  
 Сизни чорлаётир ишқ деган маъво.

Сочини дуррага бостирган бераҳм,  
 Кўзгуга ёнлама қараган улфат.  
 Қўлларим тарбия кўрмаган, бешарм,  
 Китоб, дафтар, қалам – бир хона кулфат.

Менгамас... эшикка ярим суяниб:  
 «Сизни ҳечам яхши кўрмайман», – деган,  
 Ингичка кўрсатгич бармоғи ила  
 Пучуқ деб бурнимнинг учига теккан.

Эй кўнгли ўксиган. Ўксикларида  
 Фаришта, ажина тирилган зртак  
 Эй ўнта бармоғи ўнта атиргул,  
 Эй ҳар бир бўғини биттадан куртак.

Ўзгага аталган шеърларни ўқиб,  
 Мен учун жонини жабборга тиккан.

Ўзи очунларда ягона, бироқ  
Менингдек бедаво, куюкни севган.

Кифтимга бошини гул мисол қўйиб  
Муҳаббат сўраган телба тиланчи,  
Дунёни кийимсиз кўрмак истаган  
Эй учтами-тўртта расида, гунча.

Кетса – қадамнинг товушларини  
Менга бир умрга қолдирган ғамхўр.  
Севмаса йўлидан адашадиган,  
Севса – йўл-кўчасин кўрмайдиган кўр.

Тонгда Яратганга ибодат қилиб,  
Тунларда ўзини итга ташлаган.  
Чегарадан у ёқ-бу ёққа ўтиб  
Ҳар куни ғазовот, ғавғо бошлаган.

Қуёш ҳам холининг ярмин илғаса,  
Ярмин илғаёлмас қари дўкандор.  
Дўконда ҳамён бор. Ҳамёнда эса  
Тирик бостирилган икки исён бор.

Боққа оқар сувдек кириб келганда,  
Ҳайратдан дарахтлар қарсиллаб синар.  
Осмон томоғига тоғлар тиқилгай,  
Шошиб қиличларни ютади қинлар.

Сиёҳ қоши билан йўлимни тўсган  
Эй кўзлари рўё, киприги гўё,  
Соямга тўр солган сайёд сояси –  
Чиройли, мукамал, азалий дунё.

Йигирма тўрт йилда кириб ҳосилга,  
Ўзини қисматга топширган фасл.  
Эй шамшод, эй сарв, эй мушки анбар,  
Эй ғариб, эй гадо, эй телба сингил.

\* \* \*

Яхши етиб олинг, яхши дам олинг,  
Тушингизга кирсин оқшом, қор ва боғ.  
Кўҳна чандиқлардай қотган дарахтлар  
Яра юрагимдан ўсиб чиққан доғ.

Сочингиз пинжига киради сўқмоқ,  
Кўкка талпинади тилларанг шарфлар.  
Худо бошингиздан оқ нуқта сочар,  
Худо бошингиздан сочар оқ ҳарфлар.

Сиз менинг устимдан севги сепасиз,  
Сиз менинг устимдан сочасиз ғазаб.  
Пальтомда кулги ва йиғининг изи,  
Пальтомни суяди мени суйган қалб.

Битта йўл – боргунча элтади бахтга,  
Битта йўл – қайтгунча бахтсизлик сари.  
Ҳовучимдан ёшлар, тошлар тўкилар,  
Ойнинг либосидан тўкилар зари.

Айланиб ўйнайсиз гоҳ раққосадай,  
Гоҳ не хаёлларда турасиз қотиб?  
Мен сизни шу дамда топиб оламан,  
Мен шу дамда сизни қўйгум йўқотиб.

Оқшом. Оқ оламда ойдин қор ва боғ,  
Оқшом. Оқ оламда сиз билан менман.  
Гул ўз соясига суянар беҳол,  
Мен сиздан баландман. Гоҳ паст,  
Гоҳ тенгман...

Оёқларда совуқ қилади сайр.  
Қуш инга қўнгандай  
Уйимда қолинг,  
Кўражак тушингиз чақирса агар,  
Яхши етиб олинг. Яхши дам олинг.

\* \* \*

У келди. Ёнида Шахло бор эди,  
У келди оҳиста-оҳиста сузиб.  
Билардим, қисматим кажрафтор эди,  
У келди. Бир йиллик тақиқни бузиб.

Бир йил аввал қандай бежавф, бехатар,  
Кўзаларимни ёпиб, суйиб ўпарди.  
Дунё мендан ўтсин, мен ўтсам агар  
Унинг ҳижронида куйиб ўтардим.

У келди. Бир йиллик тўсиқлар синди,  
Ўзи дўст ва лекин киприклари ёв.  
Кўрдим, соғинганим бирдан билинди,  
Таралди танимдан топ-тоза олов.

Рўмоли шошилмай сирғалар, оқар,  
Сочи бунча қора, фарқи бунча оқ.  
Иккимизни икки ёққа айириб  
Бизнинг ўртамизга тортилган бу фарқ.

У келди. Ёнида Шахло бор эди,  
Гапирди – тинмади. Кулди. Жилмайди.  
Гарчи ташқарида совуқ, қор эди,  
Биламан, барибир, мен-ла қолмайди.

Қайрилди. Хонамга кирди бир зумга  
Чайқалиб бир даста хушбўй гул мисол.  
Топширмас ўзини энди ҳеч кимга  
Фарзанд кутаётган бегона аёл.

У келди...

\* \* \*

Хайр, сизнинг йўлингиз бошқа,  
Хайр, мен ҳам четга бурилдим.  
Баргга ўхшаш кўзларингизга  
Кўзим билан тикка урилдим.

Шамол сизни бир япроқ янглиғ  
Улоқтирди мендан – дарахтдан.  
Қанотлари синди қушларнинг,  
Подишоҳлар йиқилди тахтдан.

Хайр... Олдга ним эгиласиз,  
Сочларимни тарар қўлингиз.  
Кетолмайсиз. Карахтсиз. Аммо  
Қўлингиздан тортар йўлингиз.

Ростин айтсам, талай қизларни  
Ширинликдай татиб кўрдим мен.  
Таманнолар жонимга тегса,  
Кўчаларда ёлғиз юрдим мен.

Бироқ сиздек пок нурни ҳали  
Учратмади ҳеч қари жаҳон.  
Мен ҳис этган сафо қошида  
Новвотлар ҳам тошдек нотавон.

Ширинлик тез баъдга тегади,  
Сиз кўнглимга охир урдингиз.  
Буни сезиб бир сафар саҳар  
Кетаман деб йиғлаб турдингиз.

Нима дердим? Боринг. Соғ бўлинг,  
Қўлларимда қўлингиз изи.  
Сочларимни оловдай ўртар  
Сочингизнинг муаттар иси.

Хайр... Бошқа-бошқа йўлимиз,  
Кўзларингиз тўлмасин ёшга.  
Қанот қоқар икки қўлингиз,  
Хайр, сизнинг йўлингиз бошқа.

\* \* \*

Аёл турмушига кирди муҳтожлик,  
Пул сўраб келди у илтимос билан.  
Билмаски, ўзи-ку ганжинам менинг,  
Билмаски, мен ундан муҳтожроқдирман.

Аввал соғлиғимни сўради, кейин  
Ўғлимни сўради ўз ўғли каби.  
Ўша мағрур аёл, наҳот, шу бўлса,  
Наҳотки, шунчалар мулойим қалби?

Нон ушоғи излаб тандир четига  
Хуркиб қўнганидек муҳтож мусича,  
Омонат курсига омонат чўкди,  
Турмади хонадан чиқиб кетгунча.

О, мағрур аёлнинг илтимосида  
Қанчалар гурур бор, қанча сеҳр, шан.  
Менга қарамасди, мени кўрмасди,  
Гўё сўзлашарди дераза билан.

Менинг турмушимга кирди муҳтожлик,  
Бир қуни очман-у, бир қуни тўқман.  
Борман сўзим етган ҳар бир сарҳадда,  
Аммо шу аёлнинг кўнглида йўқман.

\* \* \*

Ўн йилдан ўнта гўр қолди ортимда,  
Мен тупроққа қўйдим ўнта боламни.  
Дунёни ўғлимдай куюк бағримда,  
Ўн йил фарзанд каби боқдим аламни.

Ўн йил..  
Сенинг ўнта гулинг очилди,  
Ўн йил..  
Ўнта гулзор бўлдинг бир ўзинг.  
Бу рангсиз очунга рангинг сочилди,  
Тўбиларинг аро шамолдай тўздим.

Ўн йил..  
Мени ўн бор кўмди малойик,  
Қабримнинг сочлари оқарди қордай.  
Мен ўн бор бошини силаган кийик  
Ўтди..  
Селлар олиб кетган баҳордай.

Ўтди қирқта сурув, ўтди қирқ пода,  
Ўтди ўнта аёз, ўнта саратон.  
Кўзларим тўкилди шода ва шода,  
Пўстини ташлади қирқ битта илон.

Қаро тунлар ўн бор қуюқлашдилар,  
Ўн йилда ўн гулинг очилди, алам.  
Фано диёрида хайрлашдилар  
Сенинг ўнта гулинг, менинг ўн болам.

\* \* \*

Ҳар кечаси тўшагингга тўшар экан заъфар нурин,  
Эриб-эриб томади ой жавҳар ҳилолингги кўриб,  
Дарвозалар, деразалар ҳушёр турар сени қўриб,  
Тун чорбоққа кирган каби қучоғингга киролмасман.

Эшигингни кўнглим каби тимдалайди увлоқ шамол,  
Дил овлоқда қолар, уйга кирар даштлик қувноқ  
шамол,  
Оёғида туролмасдан йиқилади сархуш хаёл,  
Тун чорбоққа кирган каби қучоғингга киролмасман.

Туйнугингга кўз солади дилкўчамнинг қайинлари,  
Мен алдайман десам, мени алдар ишқинг ўйинлари,  
Ечиб қўйсам, сен тарафга кетиб қолар кийимларим...  
Тун чорбоққа кирган каби қучоғингга киролмасман.

Уйқудаги уйғоқ аёл, қуёш янглиғ порлоқ ёқут,  
Афсус, афсус, қуёшларни тўсар доим қора булут,  
Гарчи зулмат, гарчи зот йўқ, гарчи зот йўқ,  
гарчи сукут,  
Тун чорбоққа кирган каби қучоғингга киролмасман.

Лабларимда киприкларинг эски изи тилим-тилим,  
Балиқ каби юрагимга нигоҳинг тўр қилди расан,  
Шамол мисол тиндирмасдан, хаёл мисол билдирмасдан,  
Тун чорбоққа кирган каби қучоғингга киролмасман.

\* \* \*

Кетаяпсиз. Бир нафас тўхтанг.  
Ўгирилинг. Жилмайинг. Қайтинг.  
Менга кўнгил берган бўлса гар,  
Кимни ташлаб кетибман, айтинг.

Қайтинг. Кўз ёш тўкманг. Энтикманг,  
Бошингизда турарми турмак?  
Кўзингиз гар боғлиқ бўлса ҳам  
Юрагимга келтирар йўлак.

Энтикманг. Бош эгманг. Қимтинманг.  
Ёқангиздан кирмасин шамол,  
Йўлидаги ғаддор дарахтга  
Мени чирмаб боғлаган аёл.

Қимтинманг. Кўз юмманг. Титраманг.  
Лашкар тизманг менинг даъфимга.  
Ўнта қушдай бармоқларингиз  
Йиқилади қақроқ қалбимга.

Титраманг. Лаб бурманг. Тишламанг.  
Лабингизда йўргакда ҳилол,  
Чап кўзингиз беланчагида  
Ҳиндбаччадай ўйнар қора хол.

Тишламанг лаб. Иккиланманг ҳеч,  
Қадамларни эрка қўйворинг.  
Сизга агар йўл бошласалар,  
Майли, менинг уйимга боринг.

Иккиланманг. Эгилманг. Синманг.  
Қиёматга қолмасин дийдор.  
Дунё сизсиз хасдир, хашакдир,  
Борлигингиз учун дунё бор.

Синманг. Қўрқманг ва парчаланманг.  
Қўрқмайман деб ҳайқириб айтинг.  
Қайтиб чиққан офтобга ўхшаб  
Секингина ёнимга қайтинг.

\* \* \*

Ҳилол, тилма тилларанг дилни,  
Турма онам каби бошимда.  
Менга тақдир этилган йўлни  
Ўтиб бўлдим ўттиз ёшимда.

Зуваламни қормоқда кулол:  
Топганим оз, йўқотганим кўп.  
Хайрлашмоқ ониди, ҳилол,  
Қизлар эмас, ўзинг сўнг бор ўп.

Шахло кўзлар этдилар хароб,  
Жафоларин мукофот билдим.  
Финжонларда ичиб майи ноб,  
Жононларни ўпиб нуқл қилдим.

Исларидан маст шамол эсса,  
Юрагимни синдириб отдим.  
Ким ўзимни, кимлари эса  
Кийимимни қучоқлаб ётди...

Менга тақдир этилган йўлни  
Ўтиб бўлдим ўттиз ёшимда.  
Ҳилол, тилма тилларанг дилни,  
Турма онам каби бошимда.

\* \* \*

Тун кечмоқда аста жаранглаб,  
Соҳилини ечаётир сув.  
Қин ичида уйғоқ ханжарни  
Қирғоқ каби сиқади қўрқув.

Соҳилини кияётир сув,  
Кун кечмоқда оҳиста, аста.  
Ухламайди бахтиёр уйқу,  
Ой – хунига ботган шикаста.

Қин ичида ухлоқ пичоқни  
Қитиқлайди, уйғотар қирғоқ.  
Тенг иккига бўлиб бир тоғни  
Оқиб ётар бир ўрим ирмоқ.

Ой – бир дона буздой, бир тор хас.  
Атрофида айланар хатар.  
Бу тун мени гўзал қиз эмас,  
Гўзал ўлим қучоқлаб ётар...

\* \* \*

Нахот, яна соғинаяпман...  
Юрагимда югурар титроқ.  
Тун ярмида уйғонаяпман...  
Кўзларини уқалар чироқ.

Кўйлагингнинг гулин туш кўриб  
Қўлларимдан тортқилар кўйлак.  
Иэларингдан югуриб, юриб  
Эшигимга суйкалар йўлак.

Дунё – тун ё чиройли қафас,  
Ҳавасим, сен қаёққа учдинг?..  
Нахот, яна ёнимга эмас...  
Нахот, яна жонимга тушдинг.

Ҳайхот, мана... ёдимга тушдинг.

\* \* \*

Бу ҳаётнинг бозорларига  
Ҳамёнимдан бердим ўттиз йил.  
Яхши одам бўлмоқчи эдим,  
Бўлиб қолдим тубан, паст, разил.

Болаликда орзум мўл эди,  
Тегса дердим Ватанга фойдам.  
Қўлтиғимда қўлларим, бугун  
Ватан қайда? Миллатим қайда?

Ичдим. Чекдим. Хушрўй қизларга  
Тинчлик бергим келмади сира.  
Юрагимни тилла тугмадай  
Шамшод қизга қилдим назир.  
А...

Не-не даври давронлар ўтди...  
Энди ҳолим ташландиқ, исқирт.  
Кўзларини мендан олганми  
Севги кўрмай ўлаётган ит?

Варақларнинг чангини ютдим,  
Бўлай дердим ақлли, расо.  
Шаҳру қишлоқ оралиғида  
Умрим ўтди бемаъно, расво.

Шаҳар деган улкан жанггоҳда  
Ғолиб бўлдим, бўлмадим мағлуб.  
Лекин ортга чорлайверади  
Волидамга ўхшаган гуруб.

Посон, пўрим, олифта давра...  
Тупурганим, сочганим тупроқ.  
Ахир, уйда онам кутмоқда  
Ва онамга ўхшаган қишлоқ.

Бу дунёдан қолган кўнглимни  
Овлай олмас энди сулувлар.  
Тиззасига бошини қўйиб  
Салим деган битта ит увлар.

Бу ҳаётнинг бозорларида  
Харжлаганим дил ва ўттиз йил.  
Яхши одам бўлмоқчи эдим,  
Бўлиб қолдим тубан, паст, разил.

\* \* \*

Сизни севмоқ ёки севмаслик  
Бўлса эди хоҳиш ё тортиқ,  
Бу норасо, бадбин дунёда  
Хўрламасдим ўзимни ортиқ.

Ҳаётдан-ку безгандим аввал,  
Тамом, бугун кетаман сиздан.  
Гуллар каби, кўз каби ва ё  
Ҳовучлардек очилган издан.

Умид, таскин, на ранг, на оҳанг,  
На олам, на одам, на дўст-ёр..  
Бу дунёда муҳаббат йўқдир,  
Бу дунёда фақат Худо бор!

Сизсиз менинг тириклигим ҳам  
Ўлим каби ёлгончи бир гап.  
Ўлимга-ку минг бор розиман,  
Нима қилай, ўлмайди бу қалб.

Ичим тўла шароб эмас, йўқ,  
Ичим тўла сиз, гамларингиз.  
Юрагимда сайр қилмоқда  
Мендан кетган қадамларингиз...

Сизни севмоқ ёки севмаслик  
Бўлса эди хоҳиш ё тортиқ,  
Бу норасо, чиркин дунёда  
Хўрламасдим ўзимни ортиқ.

\* \* \*

Мен чин севдим! Ўттиз ёшимни  
Ўттиз шамдай тутдим қўлингга.  
Никоҳладинг чақмоқтошимни  
Йигирма тўрт қизил гулингга.

Чўғлар янглиғ холингга ёниб,  
Ёлғонни кўп, чинни кам кўрдим.  
Кечалари қўлларим қонаб  
Хиёнатнинг сочини ўрдим.

Ҳар кун севгим гўристонига  
Гўдакларни қўйиб кетдим мен.  
Чап кўзингнинг оқ осмонида  
Парвонадек куйиб кетдим мен.

Кетсам ортга қайтмасман, билгил,  
Кафтларингда синар тирноқлар.  
Ёмғир эмас, баргдек дилдираб  
Вужудингдан ёғар титроқлар.

Нур кўрмаган кўзаларингни  
Тошларимга тўкиб кетдинг сен.  
Сочларимнинг ораларига  
Оқ гулларни экиб кетдинг сен.

Ҳамширам, шўр яраларимга  
Малҳам эмас, ёлғонни босдинг.  
Узук, сирға, мунчоқ ўрнига  
Тошкан, Сурхон, Қўқонни осдинг.

Мен дунёни бир китоб каби,  
Бир мактубдай ўқиб тугатдим.  
Юрагимни фақат сен билан  
Яшамоққа, ишон, ўргатдим.

Мен чин севдим! Ўттиз ёшимни  
Ўттиз шамдай тутдим қўлингга.  
Никоҳладим чақмоқтошимни  
Йигирма тўрт қизил гулингга.

\* \* \*

Юрагимга оғриқ бегона...  
Юрагимда бегона оғриқ.  
Дунёга қўл силкимоқдаман,  
Дунё менга кемадай боғлиқ.

Қояларга урилиб синган  
Қайиқ каби чўкар муҳаббат.  
Менга яхши кўринмоқ учун  
Синиқлардан гапирма, ҳамдард.

Бўғзимгача тўла дард эмас,  
Изтиробдай аччиқ шароб бу.  
Яхши одам, мен-ла ўтирма,  
Харобларга қилма татаббуъ.

Яхшиларни кутмоқда уйда  
Ўғил-қизи, гулдай хотини.  
Мен ёмонни ялмоғиз кутар,  
Ёлғизлик дер унинг отини.

Эй уйида ўчоғи борлар,  
Тепангиздан қуйилсин офтоб!  
Юрагимга оғриқ бегона...  
Мен бошимдан қуяман шароб.

Дунёга қўл силкимоқдаман,  
Дунё менга кемадай боғлиқ.  
Дунёга мен керак эмасман,  
Менга дунё керакмас ортиқ.

## ШОИР

Чўнтагимда пул йўқ. Қорним оч.  
 Совуқларда юраман дайдиб.  
 Этигимнинг йиртиқ чармидан  
 Нам ўтади. Мен шеърлар айтиб  
 Дарахтларни хурсанд қиламан,  
 Дўст тутаман ҳар хил итларни.  
 Ҳуштагини чалади миршаб:  
 – Ушла, – дейди, – манов хитларни.  
 Миршаб, сенинг шохдек муртинга  
 Кучук тўхтаб ўтган эмасми,  
 Чўнтагида пули йўқ эса  
 Одам одам эмас, бир хасми?  
 Дўконлардан нон ўғирладим,  
 Тортиб олдим посондан нонни.  
 Кечир, Худо, шу тахлит омон  
 Сақлаб қолдим берганинг жонни.  
 Биров ишқин ўғирламадим,  
 Биров ёрин олмадим тортиб.  
 Гуноҳларим, лекин, барибир,  
 Бир ўзимдан қолади ортиб.  
 Шамшодқадни севдим. У деди:  
 «Мен десанг кеч танлаган издан».  
 Мен сўз учун, шеър учун кечдим  
 Онамдан, уйимдан ва қиздан.  
 Лекин мени дунёда тутиб  
 Турган нарса фақат шеърмас-ку.  
 Осмонларда юрай дейман-у,  
 Осмон – фалак, бироқ ермас-ку.  
 Яхши-ёмон ўтган йўллар бу,  
 Мен ўртада ҳайрон толаман.  
 Гар хиёнат қилса-да менга,  
 Муҳаббатга содиқ қоламан.  
 Дунё нима ўзи? Мен кимман?  
 Ким мен учун беради жавоб?  
 Қўлларини чўнтакка солиб  
 Кетаётган мен эмас, офтоб...

\* \* \*

Вокзал. Танаймайди биров-бировни.  
Вокзалда ким билан кимнинг иши бор?  
Ташлаб фонусларда ёнган оловни  
Поезд мана ҳозир жўнаши даркор.

Улкан маросимдай тинди хайр-хўш,  
Ҳамма ўз жойида, хира бўлмада.  
Кимларнинг қўллари, кимнинг кўнгли бўш...  
Қиз ҳам рўмолини олди. Бўлмади.

Вагон ойнасига юзимни босиб:  
«Кет, – дейман, – ёмғирда қоласан, қара».  
Қиз пастда, перронда қўлларин ёзиб  
Мени қучмоқ бўлиб қидирар чора.

«Кет, – дейман, – ёмғирда кечга қолмагин,  
Кет, – дейман, – қарагин, шамсиянг ҳам йўқ».  
Қизнинг кўз ёшлари чиройли, майин,  
Кулгиси – ойнадан қайтаётган ўқ.

Юзимдан чизгилар, белгилар териб  
Менданми, ойнадан нелар сўради.  
Оппоқ қўлларини ойнага бериб  
Бетини бетимга бериб туради.

Кўзлари кўзимга қўшилиб кетар,  
Лаблари лабимга кетар қўшилиб.  
Сўзлари сўзимга қўшилиб кетар,  
Гаплари гапимга кетар қўшилиб.

Вокзал – чироқлардан чароғон диёр,  
Ҳозир поезд жўнар, жўнайди, мана.  
Вагонда мен борман, пастда у қиз бор...  
Оралиқда эса дераза – ойна.

Ойнани кўрмайди мени кўрса гар,  
Лабини лабимга бериб туради.  
Ўмғирларда қолган мана шу қайсар,  
Шу қайтмас қиз мени яхши кўради.

Вокзал...

\* \* \*

Ўзим ёниб, ўзим ўчдим ҳужраларда,  
Олов бўлдим, исинмадинг ҳижратларда,  
Тупроқ бўлдим, топтадилар турбатларда,  
Умрим зое бўлди узун ғурбатларда –  
Сен билмадинг, бошқалар ҳам билмадилар,  
Мискин дилга бир марҳамат қилмадилар.

Гулханларим, оловларим барбод бўлди,  
Ватанларим, ўтовларим барбод бўлди,  
Барбодларда ҳаётларим бунёд бўлди,  
Бунёдларда ҳасратларим обод бўлди,  
Ободларда йўқлик менга зурёд бўлди,  
Сен илмадинг, бошқалар ҳам илмадилар  
Кўзларига ё кўзимни тилмадилар.

Оловларим ёниб-ўчди – ўргулмадинг,  
Иситмадинг, исинмадинг – не гул эдинг?  
Бағримда ё очилмадинг, ё сўлмадинг,  
Кўзларимга ҳазин-ҳазин термилмадинг,  
Сен билмадинг, бошқалар ҳам билмадилар,  
Мискин дилга бир марҳамат қилмадилар.

Сен борсанки, бу оламлар фирдавс эрур,  
Менга қўшиб ўзин ёққан қавс эрур,  
Чўғларида бағрим янглиғ бир ҳис эрир,  
Танда жоним, осмонимда юлдуз эрир,  
Ўз ўтимга мени ўтин қилдилар-ку,  
Бошқалар ҳам севмасингни билдилар-ку.

Бармоқларинг ўтларимга ўтин айла,  
Беш иқлимдай жигаримни бутун айла,  
Юзинг суртиб юзларимни гулгун айла  
Ё бўлмаса Сурхонларга сургун айла,  
Турғенимдан тоат тошин термадилар,  
Мени сенга, сени менга бермадилар.

\* \* \*

Мени маҳзун кўрсанг,  
Билки, соғиндим,  
Соянг эшигимга тушган чоғда ҳам,  
Ҳатто комрон юрсанг,  
Сен деб оғридим,  
Экинда, хирмонда, жуфтда, тоқда ҳам.

Чинорнинг минг йиллик пўстлоқларида  
Шириннинг Фарҳодга ёзган мактуби.  
Жайроннинг кўзида, сенинг кўзингда  
Қисматимнинг Шимол, Жануби.

Сенинг йўллариинга боққан мен каби  
Қоқигул қаддини ростлаб саҳардан  
Қарайди, қарайди, қарайди,  
Аммо ҳеч хабар йўқ кунгабоқардан.

Мабодо балиққа эврилсам, ҳатто  
Соғинчингдан қанотимни узардим.  
Дарёнинг сувида эмас, йўқ,  
Кўзимнинг сувида сузардим.

Соғинчинг кемириб, емириб мендан  
Бир қўнғиз ясаса тупроқдан баланд,  
Соғиниб, барибир, соғиниб  
Чириллайверардим чирилдоқмонанд...

Мени маҳзун кўрсанг,  
Билки, соғиндим,  
Соянг эшигимга тушган чоғда ҳам,  
Ҳатто комрон юрсанг,  
Сен деб оғридим,  
Экинда, хирмонда, жуфтда, тоқда ҳам.

\* \* \*

Яшна, гулим,  
Мен сўлмоқдаман,  
Сўнишимдан қувватлар олгин.  
Яшна, гулим,  
Мен ўлмоқдаман,  
Мен учун ҳам сен яшаб қолгин.

Яшна, гулим,  
Ҳатто лошим ҳам  
Чиройингга бўлар-ку меъмор.  
Яшна, гулим,  
Сўнг нафасимда  
Соғинчингдан суяк ҳам бемор.

Яшна, гулим,  
Мен учун сенсиз  
Бир бор нафас олиш ҳам малол.  
Яшна, гулим,  
Тупроғинг бўлай,  
Сен ўс, очил, гул бўл баркамол.

Яшна, гулим,  
Зар япроқларинг  
Кирсин юрагимнинг шаклига.  
Мен ёрқанот мисоли тунда  
Учдим гўзаллигинг макрига.

Яшна, гулим,  
Қизил ранга кир,  
Кўз юмишим байрам тонгида.  
Сочларингга сингиб кетайин  
Ҳасратимнинг қаро рангида.

Яшна, гулим...  
Яшнашинг учун  
Қуёш бўлай, ёмғир бўлайин.  
Сенсиз бир дам яшай олмайман..  
Сен яша,  
Мен энди ўлайин.

\* \* \*

Бу кеча тош отиб синдирдим ойни,  
 Кўзаларимга кўмди ўзини юлдуз.  
 Бу кеча сочингдай силадим сойни,  
 Кўксимга чуқурроқ чўкди чучук туз.

Бу кеча оламга қарши урушдим,  
 Тишимдай чарсиллаб ёнди бошоқлар.  
 Бу кеча ишқ тегиб йиқилиб тушдим,  
 Кафандай чулғади яшил байроқлар.

Бу кеча руҳимнинг майдонларида  
 Яшинвор қўшинлар бўлдилар мағлуб.  
 Бу кеча юрагим сандонларида  
 Олов рақс этарди оғриқдай оғриб.

Бу кеча... келсанг гар, бешта иқлимни  
 Бешта бармоғингга тақиб қўярдим.  
 Бу кеча... келсанг гар, дардчил дилимни  
 Оёғинг тагида қушдай сўярдим.

Бу кеча... кечаги кечани кеча  
 Дунёни устимдан ечиб отардим.  
 Кафтимда портлаган гунчаларингда  
 Томчи сиёҳ сиёқ қоларди гардим

Бу кеча... чўлларнинг тул йўлларида  
 Карвонлар тасбеҳдай кетдилар тўзиб.  
 Бўронлар кўмилган тирик гўрлардан  
 Гирводлар чиқдилар гуриллаб ўсиб.

Бу кеча... чинорлар чўкдилар ерга,  
Бешумор тоғларни исён – ер ютар.  
Бу кеча очунда битта мен қолдим,  
О, чинлар умримдан мен каби ўтар.

Бу кеча... замин ҳам комил ҳомила,  
Заминдай, жаҳондай, бахтдай етим мен.  
Бу кеча ўттиз йил илгаригидай  
Онамнинг қорнида ёниб ётдим мен.

Бу кеча...

\* \* \*

Тонга қадар қор эрийди,  
Тонга қадар ёғади қор.  
Қордек эриб кетсам агар,  
Сизга зарра қилмайди кор.

Фалак тўкиб элагига,  
Оҳ, кўнглимни элар менинг.  
Сизни бошдан-оёқ бирдан  
Қордек қучгим келар менинг.

Сочиламан қор мисоли,  
Сочиламан йўлингизга.  
Лабингизга суртиб кўринг,  
Тутиб кўринг қўлингизга.

Агар... қаттиқ-қаттиқ босинг,  
Суякларим синсин менинг.  
Изингизни суюб-суюб  
Юракларим тинсин менинг.

Сиз қишда ҳам гуллар очинг,  
Пойингизда хас бўлай мен.  
Сиз осмондек юксак бўлинг,  
Қорлар каби паст бўлай мен.

Қаҳр қилинг, қаҳр қилинг,  
Очилмасин эшикларим.  
Тўрт деворнинг орасида  
Итдек хордир қўшиқларим.

Қаҳр қилинг, деразада  
Музалаб қолсин нигоҳларим.  
Сизга хизмат қилсин менинг  
Эътиқодим, худоларим.

Ортингиздан борай, деманг:  
«Йўқ». Ўт тушса мен куяман.  
Етаклайман отингизни,  
Қўлингизга сув қуяман.

Қаҳратонда ўтин қилдим  
Қовурғамнинг қаловидан.  
Сизни пуфлаб иситаман  
Юрагимнинг оловида...

Тонгга қадар қор эрийди,  
Тонгга қадар ёғади қор.  
Қордек эриб кетсам агар,  
Сизга зарра қилмайди қор.

## ЧИРОҚЛАР ЎЧДИЛАР...

Ёху, бандни бузиб, занжирни узиб,  
 Сочларинг нурида гуллади шамол.  
 Чўлингда йўлимдай очилиб, тўзиб,  
 Ўлимдай тўзғиди завол  
 Ё камол

Жамолингни кўриб бекамол қолди.  
 Еллар толди ўриб кокилларингни.  
 Шамоллар кўчангга... ўҳ, ётиб олди.  
 Чироқлар ўчдилар...  
 Бедилларингни

Қийнадинг – Карбало саҳроларида  
 Ошиқлардан ёдгор олтин ошиқлар.  
 Сен дарё – муҳаббат дунёларида  
 Қирғоқингга бордим чанқоқ, ташналаб.

Бир ҳовуч шамолда бир ҳовуч ҳуснинг  
 Юзимга сепдилар оловдай нурни.  
 Кўнглига ўт тушди бутун улуснинг,  
 Азал кўрмаганди бундай сурурни.

Тобон шамдониди ёнаётибман,  
 Дунё – гўзал соя, муҳаббат – тусмол.  
 Кўчангда шамолдай яна ётибман,  
 Кўчангда мен каби изиллар шамол.

\* \* \*

Эй Худо...

Сабримни синадинг минг бор,  
Кел, энди белимни чирт узиб ташла.  
Ўттиз йил... руҳимга ёғди қора қор,  
Унутилдим овлоқ бир оташкада.

Эй Худо...

Қоним ҳам ҳаром батамом,  
Муҳаббат кўкарган тупроққа тўкма.  
Мени кутаётир тубсиз йўқлик, ком,  
Муҳаббат, чўкма.

Кимсасиз кўчада итдай хор бўлдим,  
Куй эмас, илондай захрга тўламан.  
Эй Худо, ўттиз йил муқаддам ўлдим,  
Эй Худо, ўзимни ёмон кўраман!

Тошларга тенг қилма, Худо, қадримни,  
Гарчи сўлаяпман, лекин одамман.  
Ўлдим кўролмасдан чечак бахтимни,  
Ўғли туғилмасдан ўлган отаман.

Мен эмас, отамнинг пок ёди учун  
Олтин суягимни хор қилма, Худо.  
Қабрим тепасида, оҳ, ўлганим кун  
Кўз ёш тўкувчини кўп билма, Худо.

Чумоли, ичмагил ҳаром қонимни,  
Унутма, сенинг бир болангман, Дунё.  
Бахти кулганларнинг кулгичларида  
Бевақт хазон каби хор қилма, Худо!



Гулларим йиғлайди чайқалиб, титраб,  
Ёғду сизар экан банди-бандида:  
«Мени севасизми...  
Мени севасизми...  
Мени севасизми...  
Гул чеҳра?..»

**ОҚ ТЕРАКМИ, КЎК ТЕРАК?..**

Оқ теракнинг панасидан,  
 Пана эмас, танасидан,  
 Тана эмас, ярасидан,  
 Ярасининг орасидан  
 Чиройли қиз мўралайди,  
 Кокиллари қуралайдир.

Бир рўмолга сизмай сочи  
 Белларига тушар қочиб,  
 Кўзларини сузиб-очиб,  
 Кулгичидан гуллар сочиб  
 Чиройли қиз қараб қўяр,  
 Кўксим кабоб каби куяр.

Қовурғамнинг қўрасидан,  
 Юрагимнинг тўрвасидан;  
 Қароғимнинг қорасидан,  
 Лабларининг ўртасидан  
 Тўкилади мунаввар нур,  
 Чиганоқда зумуррад дур.

Кўк теракдан паноҳ топиб,  
 Юзларини япроқ ёпиб,  
 Гаҳ ўлтириб, гаҳи чопиб  
 Ё ўз жамолига ботиб  
 Чиройли қиз айлар назар,  
 Мижгонлари мактуб ёзар.

Булбул онинг тилмочидир,  
 Чобук ел қалдирғочидир,  
 Сўли Чин, соғи Мочиндир,  
 Кўринмасдан бир ёлчителиб  
 Чиройли қиз ташлар нигоҳ,  
 Дўсту рақиб ўлар огоҳ.

Борми эди анинг исми,  
Самовийми, ерлик қизми?  
Пардай абирасо жисми,  
Юрса – қолмай ҳатто изи,  
Чиройли қиз қараб қўяр,  
Кўксим кабоб бўлиб куяр.

\* \* \*

Ухлаётган боғни уйғотдинг,  
Қақраётган қалбга куй қотдинг,  
Ҳаётимдан хаёлдай ўтдинг:  
Томчи-томчи ва зарра-зарра,  
Сени кимлар...

Кимлар севар-а?

Хазонимдан унган чечаксан,  
Сен дунёга жуда кераксан,  
Мен ўтмишман, сен келажаксан:  
Ойдек нуринг таратсанг, зора,  
Сени кимлар...

Кимлар севар-а?

Кўзларингнинг қораси кетмас,  
Муҳаббатнинг яраси кетмас,  
Ёмонларнинг қўли ҳеч етмас:  
Қани топсам дардинга чора,  
Сени кимлар...

Кимлар севар-а?

Тақдиримга нур берган ой гул,  
Камбағалмас, жудаям бой гул,  
Юрагимда бор сенга жой, гул,  
Сочинг нега дардимдай қора,  
Сени кимлар...

Кимлар севар-а?

Пушаймонун надомат, афсус... —  
Менга мерос қолган юрт, улус,  
Ишқ китобин садоқатдан туз,  
Юрак энди пора ва пора,  
Сени кимлар...

Кимлар севар-а?

\* \* \*

Мен қуёшни севардим: жуда баландда эди,  
Мен қуёшни севардим: ҳатто етмасди қўлим.  
Мен қуёшни севардим: домсиз камандда эдим,  
Мен қуёшни севардим: қўрқинч эмасди ўлим.

Мен қуёшни севардим: аммо етмай қолди-ку,  
Қўлим эмас, йўлим ҳам, мен қуёшни севардим.  
Мен қуёшни севардим: масофалар толди-ку,  
Товонимдан, кўзларимдан, юрагимдан қавардим.

Мен қуёшни севардим: кўзларимнинг нурлари,  
Юрагимнинг ўтлари тугагани йўқ ҳали.  
Мен қуёшни севардим: сочларимнинг торлари  
Жазира йўлларида оқарсин, куйсин, майли.

Мен қуёшни севардим: юлдуз бўлиб кичкина,  
Яқин боролмас эдим, кетолмасдим олисроқ.  
Мен қуёшни севардим: гоҳ тинч, гоҳ нотинчгина,  
Мен қуёшни севардим: етсам дер эдим тезроқ.

Мен қуёшни севардим ва лекин осмонимга  
Ялдода Сўғд тоғидан бир ой сузиб кирди-ку.  
Қора булутлар тарқаб, бир нур етди жонимга,  
Тошқотган забун кўнглим бир рўшнолик кўрди-ку.

Мен қуёшни севардим ва лекин оддий ой ҳам  
Жонимнинг жомларига тўлдирди бир ойдинлик.  
Ойнинг ойдин сочлари, баҳрмонанд чашмида  
Эътибор топиб сездим руҳда узоқ ҳорғинлик.

Мен қуёшни севардим: ой бошлабон хатарга  
Мафтун этиб қўйди-ку, мен қуёшни севардим.  
Фалак осмонни бўлиб берган шамсу қамарга...  
Товонимдан, кўзларимдан, юрагимдан қавардим.

**ЯШИЛ АЁЛ**

Бир кун келар – қароғимни  
Тошдай ёрар яшил аёл.  
Сочларига абрларни  
Варрак қилар сабил шамол.

Кўзларининг косасида  
Куртак тугиб юлдузми, дур,  
Қабоғининг қоясига  
Тушиб қадаҳ каби синур.

Ҳар бўлакдан, ҳар синиқдан  
Юз, минг Салим ўсиб чиқар.  
Ҳар Салимни арраларлар,  
Ҳар Салимни болта йиқар...

Ул аёлнинг нозик белин  
Сиққан қат-қат ипни уздим...  
Икки кўксин тугмасидан  
Боқар маним икки кўзим.

\* \* \*

Кўзим оқи оқиб тушди,  
Қора ёғи ёқиб тушди.  
Қирқларимга қиров тушди,  
Сен ҳеч тушимдан тушмадинг.

Мен қирқ десам, умрим қирқдинг.  
Бир қир... десам, қумрим қирдинг.  
Қушларим қошингга тушди,  
Сен ҳеч ҳилолдан тушмадинг.

Ҳилол десам, қайиқ экан,  
Қайиқ эмас, Ёйиқ экан...  
Янги ойнинг бўйидаги  
Ҳомиласи ойлик экан.

Ўттиз десам, мenden ўтдинг,  
Изларингда қолди ўт из.  
Чаккангдаги зулфинг монанд  
Кўксимда ҳилпирар ҳут – ҳис.

Тупроқ бўлай, менда сен ўс,  
Қаддинг кўрай, майсадан ўз.  
Вужудимга кириб олгин,  
Дарвозасин ёпсин қўш кўз.

\* \* \*

Кўзларингни ерга тўкма,  
Ў, бошингни кўтар, от.  
Сени шундай кир арқонга  
Боглаб қўйдими ҳаёт?

Бўйнингдаги гамларингни  
Кўа ёшим-ла суғоргин.  
Банд айлаган шум тақдирни  
Чинор янглиғ қўпоргин.

Дарахт каби сен яккасан,  
Ўзинг монанд ёлғиз ул.  
Ўҳ, тушингни кўтаролмай  
Қалбим мисол қолма тул.

Лўли юрган йўллар узун,  
Ўткинчидан қадр кутма.  
Сену мени ҳеч ким севмас,  
Бахтга мендек тоқ ўтма.

Ёнгинангда ўрик гуллар,  
Сенга интилар майса.  
Мажнунтонгнинг қўллари йўқ  
Ёлларингга соч чайса.

Кўзларингнинг қаросини  
Ҳасрат каби ичар тун.

.....

Отим, отим, севиб қолдик  
Бизни севмасликларин!

**ҚАРОВСИЗ ЮРТ**

Чим остида қолган қўрғон,  
Кирпич – китоб. Дорсозлар..  
Айтинг, офтоб қачон кўрган  
Кетганини сарбозлар?

Ишқнинг сирли эшигини  
Ўтин этган сирли юрт.  
Ҳар боланинг бешигини  
Илма-тешик қилган қурт.

Чеккадаги ғариб, яғир  
Ҳаёт янглиғ қари от,  
Ёв боласи қолсин сағир,  
Кўзларингда тўфанг от.

Синган чинор, тўнган ҳаёт,  
Бутун алам, бут ҳасрат.  
Бу юрт, асли, синган қанот,  
Бу юрт – унут муҳаббат.

**ЭРТАК**

Ўрмонми ё чўл эдими, адашганим чин эди,  
Юлдузларга қараб йўлни белгиладим – тун эди.  
Узоқлардан хира фонус милт-милт ёғду сочарди,  
Йўллар юриб, мўл-кўл юриб борсам, атроф жим эди.

Ҳадикларим мустаҳкам-у, кулба эса омонат.  
Тиззасида кашта тутган қиз эса париталъат.  
Мени сев деб ёлворсам, дераза синигидан  
Қуйган нондай бир парча севги ташлади фақат.

\* \* \*

Бу ерларга учириб келди мени шамоллар,  
Оёқларнинг остида хазон янглиғ топталдим.  
Толелар ато этди кўксимдаги заволлар,  
Зах, ижара кулбаларда бир қатим ёғду топдим.

Тунлар менда тунайди,  
Хазондай учар лабим.  
Жисмим япроқдай титрар,  
Титрар ҳориган қалбим.

Шеърсиз ҳам, сенсиз ҳам яшадим, Ҳаёт,  
Ҳаёт, қизғанмадим сени бадлардан.  
Тунлари лашкарга дўниб мавжудот  
Бадарға айлайди юрт ҳадларидан.

Руҳим зулумотининг  
Ойи эрур ол юрак.  
Қўлларимдан ясарлар  
Тегирмон учун паррак.

Тепамда ёнаётир юлдузсуврат хавотир,  
Ой-да қаровсиз қолган кунгабоқардай ночор.  
Қиличин чил-чил этар ичимдаги баҳодир,  
Биламан ё билмайман бошим узра нима бор.

Сукут мени қуршайди, Зулмат келтирар сужуд.  
Хазон каби титрайди Менда қариган вужуд..

**КЕРАК**

Арғумоққа чавандоз, бургутга чўққи керак,  
Баланд осмонга лочин, шоирга кўнгил керак.  
Биринж камонга мерган, камонга бир ўқ керак,  
Бир аёлга битта қиз, йигитга ўғил керак.

\* \* \*

Ёмғир ёғиб бўлди, қор ёғиб бўлди,  
Ёғиб тугамади миттигина ғам.  
Отам, акам ўлди, не зотлар ўлди,  
Аммо яшаяпти ер тўла одам.

Отамсиз неча йил кўкардинг, майса,  
Акамсиз совуққа қандоқ чидайсан?  
Сафарлар тугаса, карвонлар қайтса,  
Сарбонимиз ўзинг бўлгил, Худой, сан.

Дердим: ота ўлса, тамомдир дунё,  
Дердим: ака ўлса, тугайдир олам.  
Жаҳонга ҳамма ҳам сиғса-да, гоҳо  
Сиғмай қолар экан биргина одам.

Жилғалар йўлига ёйилди ялпиз,  
Кўнглимга қарамас паст-баланд кунлар.  
Ҳеч ким умр сўраб чўкмаяпти тиз,  
Барибир, кўр эрур бағри бутунлар.

Майли, замин она-қизларга тўлсин,  
Ота-ўғилларга замин тўлсин, ҳей!  
Оталар, жойингиз жаннатда бўлсин!  
Акалар, умрингиз узоқ бўлсин, ҳей!

Баҳор, ёзлар ўтди, қуш, ғозлар ўтди,  
Ўтиб тугамади миттигина ғам.  
Отам, акам ўлди, не зотлар ўлди,  
Лекин яшаяпти ер тўла одам.

**ЖАНГГОҲДА**

Бу кеча ҳам дастурхон бўм-бўш,  
Бу кеча ҳам оч ухлар шамшир.  
Бу кеча ҳам тўймаган чойнак  
Пиёлага айтолмайди сир.

Бу кеча ҳам бир парча нон йўқ,  
Бу кеча ҳам исимаиди уй.  
Деразани тумандай йиртиб  
Симиллайди шамол чалган куй.

Юрагимнинг тошзорларида  
Бир маромда чопмоқда соат.  
Уй-уйига тарқар китоблар,  
Занжирларин узар итоат.

Бу кеча ҳам тошлар устида  
Илдизлардай оқарар сочлар.  
Бу кеча ҳам тўқлар ғолибдир,  
Бу кеча ҳам мағлубдир очлар.

**СЕН**

*Мувашишаҳ*

**Шабнаммисан, шуълами,  
Ақиқмисан, тиллами,  
Ҳаётмисан, ҳарирми,  
Ногоҳ нигоҳ арирми,  
Осмоний паримисан,  
Зоримдан наримисан,  
Азал ишқ йўлимисан,  
Худонинг гулимисан?  
Оламда энг қодирсан,  
Ноёбсану нодирсан.**

\* \* \*

Музқаймоқ ер эди менинг қўлимдан,  
Унга ширинликлар келтирар эдим.  
Учиб айланарди ўнгу сўлимдан,  
Кафтларидан қушдай бахтимни тердим.

Қандай кунлар эди, қандай саодат!  
Ҳовучида сувлар ичирар эди.  
Мен унга ҳар куни қилсам хиёнат,  
У мени ҳар куни кечирар эди.

Анҳорга оёғин солиб ўйнарди,  
Кулиб устимга сув сочар эди у.  
Қувласам, (ўзини оҳу ўйларди)  
Боғнинг хилватига қочар эди у.

Хиёнат қилсам мен, кечирарди у,  
Бахт излаб қартани бот-бот чийларди.  
Ҳовучида сувлар ичирарди у,  
Мен уни музқаймоқ билан сийлардим.

\* \* \*

Уйғонарми кўнгил тошлари  
Сўнгги тирик томир додидан:  
Ўтаманми қуёшдек ёниб  
Қамиш капаларнинг ёдидан?

Бир пайт мени кўтариб юрган  
Онам бели энди эгикми,  
Она, ўчоқ бошида мени  
Кўрган илон ҳали тирикми?

Оғриғига заҳарлар сешиб,  
Сув ютарми отамдай далам,  
Уй бўлай деб каттармоқдами  
Ҳар бир кесак, ҳар битта тош ҳам?

Она, бир кун бир ҳовуч ёнғоқ  
Бергандингиз сандиқдан олиб.  
Укам билан уйнадик, чақдик  
Дарсдан қолиб, мактабдан қолиб.

Сўзларим бор бугун бир ҳовуч,  
Ёнғоқ каби ҳеч чақолмайман.  
Дарё бўлмоқчийдим, денгизим кетди,  
Энди дарё бўлиб ҳеч оқолмайман.

Она!  
Ҳаёт нонин қаттиқлигидан  
Тишларингиз тўкилди сизнинг.  
Ўстираман бир дарахт, етса  
Қалб сувига илдизи сўзнинг.

Ҳовлидаги қудуқ қуриса,  
Қудуқ бўлай – сув ичсин тупроқ.  
Сув ичсин кун бўйи қўй боқиб,  
Ғўза чопиб чарчаган қишлоқ.

**КЎРДИМ**

Кўнглимда қуш кўрдим, маст-сархуш кўрдим,  
Ўзимни кўп беҳуд, кўп беҳуш кўрдим.

Атрофим қоронғу, ёқут ой ёқти,  
Денгиз тўла уйқу, дарёлар оғу.

Қушлар даста-даста баланду пастда,  
Фақат одам баста, инсон қафасда.

Икки кўзим – ёдиз, сизни ёдийиз,  
Нимади отийиз, ўйиб сотдийиз?..

Кўнглимда қуш кўрдим, маст-сархуш кўрдим...  
Ўзни беҳуш кўрдим, балки, туш кўрдим.

\* \* \*

Ловуллаб ёнар довул,  
Қирқ овулда қирғовул.

Осмондан тушди қора  
Ё ой увишди, қара.

Том-чи-ми қўрқоқ мўри?  
Одамни ейди бўри.

Бўрини отар тикан,  
Кўзтиканга кўз теккан.

Тиканда қонар шамол,  
Шамолни минар аъмол.

Аъмолми, мунча енгил?  
Енгил, енгимни енгил.

Юртимни оқизди сел,  
Йиртиб дилимни сел-сел.

Денгизнинг бети текис,  
Бе(э)тимга бе(э)тинг теккиз.

Кел, сен, синмагил, сингил,  
Дунёга нурдай сингил.

**КУЗАТИШ**

Ҳозир кетар соҳир кемада,  
Соҳил, оҳ, ул энди келмайди.

Битта варақ ҳар битта тўлқин,  
Эшкак, саҳифалаб ўқигин.

Сийнасидан учмоққа ўхшар  
Қўлларимга ўрганган қушлар.

Кафтим эмас, иккита қушим,  
Қушим эмас, муаллақ ҳушим.

Кўзларини қирғоқдан узмас  
Ва дунёнинг тинчини бузмас.

\* \* \*

Тоғларнинг тип-тикка қояларида  
Инидан бошини чиқарар ҳакка.  
Писта, бодомларнинг сояларида  
Эчкиэмар ётар одамдай якка.

Тоғларнинг тип-тикка қояларида  
Инидан бошини чиқарар илон.  
Бошини кўтариб қарар дунёга,  
Дунёга ҳар куни бўлади ҳайрон.

Тоғларнинг тип-тикка қояларида  
Инидан бошини чиқарар какку.  
Тоғларнинг тип-тикка қояларида  
Инидан бошини чиқарар тулки.

Тоғларнинг тип-тикка қояларида  
Бўйинини кифтига тортар каламуш.  
Тошбақа – бир тугун сирли хазина,  
Калтакесак

Чалқанча ётади пиёндай сархуш.

Тоғларнинг тип-тикка қояларида  
Тошларга илондай чирмашар илдиз.  
Арча – учар қушга интилган найза,  
Жайра – ёвга қарши бир халта бигиз.

Тоғларнинг тип-тикка қояларида  
Харсангда йигитдай ўлтирар бургут.  
Тоғларнинг тип-тикка қояларида  
Йиқилиб оёғин синдирар сукут.

## ҚУЛ

Гўдак эдим. Биринчи калом  
Қулоғимга айтилди: «Қулсан.  
Бизга содиқ, вафодор гулом,  
Ота-онанг учун бир гулсан».

Исирғадай тақиб қулоққа  
Асраб юрдим муқаддас сўзни.  
Шундан буён дуч келган ёққа  
Эълон қилдим қул дея ўзни.

Ҳамма қилган ишларни қилдим,  
Юрдим ҳамма юрган йўллардан.  
Мен ўзимни содиқроқ билдим  
Хўжасига жами қуллардан.

Кун кечирдим ҳамма қатори,  
Қарзларимга етмайди умрим.  
Ёддан чиқмай эгамнинг бори,  
Мен ҳамиша бош эгиб турдим.

Олов бўлиб ёнади соҳиб,  
Мен ҳамиша хокистар, кулман...  
Шундан буён содиқлик қилиб  
Кўп қатори оддий бир қулман.

## **ЗИДЛОВЧИ БОҒЛОВЧИЛАР**

Сиз катта кемада сузясиз, аммо  
Сизнинг кемангиздан қайиғим авло.

Сиз учқур буроқда учясиз, лекин  
Мен манзилга яёв бораман секин.

Сиз энг равон йўлдан борасиз, бироқ  
Сизнинг йўлингиздан сўқмоқ яхшироқ.

\* \* \*

Ўқ теккан қуш патидек тўзғир бахтли кунларим,  
Гулханларим ўчмоқда, қолмоқда кукунларим.  
Бир кун тўқман, беш кун оч, шиқирлайди суягим,  
Тошга тушган қадаҳдай чил-чилдир бутунларим.

Оч бўлсанг, кўринмайди очуннинг чиройлари,  
Кўксимда синиб ётар осмонларнинг ойлари.  
Мен ўлмайман, тупроққа сув каби шимиламан,  
Сиз ҳар куни тўй қилинг, эй дунёнинг бойлари.

## ИШ

Толе ҳузурига кечикиб доим,  
Эрталаб кечикмай келаман ишга.  
Ёнимдан чеҳралар ўтар мулойим,  
Мазмунин ўзгартар дарҳол иштаҳа.

Ёруғ хабарларни чайнай бошлайман,  
Зулмат ошқозонга тушар ёруғ нур.  
Нима тишга тегса – туфлаб ташлайман,  
Бу нонушта тарих неъматин эрур.

Шеърнинг қаймоғини, сўзнинг ёғини  
Яласам – таъбимга қилар кучлилик.  
Танлаб мақоланинг оғирроғини  
Эт каби тиламан, қиламан тушлик.

Агар бўлмасайди аҳмоқ ошқозон,  
Бахтиёр яшардим энди кечгача.  
Барибир, бу дарднинг мушули осон,  
Уни келтирмайман ёдимга ҳечам!

Оқшомги овқатни ўйлаб олдиндан  
Қайтаман газетга очерклар ўраб.  
Кўчада қўшнилари чиқиб олдимдан  
Ҳолимга қўйишмас «бахтми?» деб сўраб.

Уйда ўғлим сувдан қорнин шиширар,  
Ҳозирча билмайди бунинг сирин у.  
Хотиним мақола-таом пиширар,  
Қанча кўп чайнасам, шунча ширин у.

\* \* \*

Яна куяяпман. Яна бошланди,  
Ҳали тугамаган, ҳали бормидим?  
Сувратини кўриб кўзим ёшланди,  
Шу қизга бир пайтлар мен ҳам ёрмидим?

Боғда тиззасига олиб бошимни  
Жуфти ҳалолимдай айтарди алла.  
Икки ўғлим дерди икки қошимни,  
Истарди кўришни битта қиз бола.

У бир гулзор эди, у бир боғ эди,  
Бир атир сочарди – унутолмайман.  
Маҳзун кўнглимдаги бир чироғ эди,  
Йўқотдим у энди йўл тополмайман.

Ўзини учратсам ҳозир агарда  
Яна муҳаббатдан сўз очар эдим.  
Тунларда қучоқлаб ухлаб, саҳарда  
Васлига тўймасдан кўз очар эдим.

\* \* \*

Беш йилки севгингиз билан яшадим,  
Қизиги қолмади ўзга дунёнинг.  
Ўзимни ҳар куни ўтга ташладим,  
Сиз бир марта менинг ёнимда ёнинг.

Беш йилки ҳар куни севаман сизни,  
Бу нотинч тириклик бунча беҳуда.  
Беш йилки асрайман сувратингизни,  
Сиймонгиз кўринар тупроқда, сувда.

Сездимки, нурайди пахса деворлар,  
Тераклар бир-бирин танир беш йилда.  
Сиздан менга етиб келди озорлар,  
Мен сукут сақладим севги тилида.

Оғу ичиб қўйди билмай юрагим,  
Неча йил қонимда оқди заҳар.  
Мен-ку бир марта ҳам асрай олмадим,  
Сизни балолардан шу севгим асрар.

\* \* \*

Сочларини ечиб юборди,  
Хайрли тун тилади дилбар.  
Шўх кўзлари сайрга борди,  
Юзларимни силади дилбар.

Вужудидан боққан гулларни  
Тишларимни қонатиб тердим.  
Лабларига, кўкракларига,  
Томоғига шивирлаб бердим.

Ҳаётида биринчи марта  
Озод оҳу бўлиб яйради.  
Ана, дилбар қароқларида  
Тонг портлади. Қушлар сайради.

Тошойнага ўзини солиб  
Тарамоқда тун сукутини.  
Фариштанинг қўллари билан  
Таҳрир қилар ўз вужудини.

Мазмун юклаб қадамларига  
Деразанинг ёнига борди.  
Деразани эмас, қалбимнинг  
Туйнугини очиб юборди.

Дунё билан менинг ўртамда  
Маъсума шу қиз бўлди талош..  
Лойқаланган кўчалардаги  
Тун юқини супирар фаррош.

**НАРГИС ҲАҚИДА БАЛЛАДА**

Шошди.

Кулранг ёмғирпўшининг  
Тугмаларин қўймадим қадаб.  
У эшикни ёпмасдан чиқди,  
Мен ўтмадим остона ҳатлаб.

Шошди.

Тўкин дастурхон узра  
Ҳайрон қолди ярим лаб чоғир,  
Ташқарига чиқиши билан  
Бош-оёғин  
Ўпарди  
Ёмғир.

Шошди.

Ортиқ бир дақиқа ҳам  
Туrolмасди менинг ёнимда.  
Оврўпалик оҳанглар йиғлар  
Ўртадаги сарсон жонимда.

Шошди.

Жуда шошди.  
Бораркан  
Кетмади у  
Ҳеч нарса  
Ташлаб,  
Майда-майда қадамлар эди  
Зиналарнинг тўсиғин ушлаб.

Шошди.

Лола шамсиясини  
Очишга ҳам улгурмади у.  
Мендан кетди у,  
Лекин ўзининг  
Уйига ҳам югурмади у.

Йўқ, йўқ, шошмас, ошиқмас эди,  
Деразадан қарардим дилгир.  
Ўртамизда ҳовурдан парда  
Тортар эди кўнгилчан ёмғир.

Ишонмайман, наҳот, шу наргис,  
Шу фаришта, шу малаксиймо  
Ҳозиргина ёнимдамиди,  
Сочларидан ўпдимми ҳатто?!

Бир дақиқа аввал қучсам ҳам  
Эзилмасдим. Дил синмасди-ку.  
Ишонмайман. Ёнимда бўлса  
Бунча гўзал кўринмасди-ку.

Наҳот, шу қиз, мана шу қиз-а,  
Ёмғирларда ивиб кетган қиз,  
Бир дақиқа аввал ёнимда  
Гул очарди мисоли наргис?

Наҳот, шу қиз, ердаги шу қиз  
Яшар эди, мен учун фақат?  
Боролмайман, қўлларимни ҳеч  
Қўйвормайди содиқ дўст – ҳасрат.

Киприкларим хайрлашарлар,  
Кўз узмайман қиз қорасидан.  
Муюлишдан қайрилиб ҳозир  
Чиқиб кетар ер куррасидан.

## ОЙ ТЎЛДИ

Ой тўлди. Атрофи юлдузга тўла,  
Ёруғида китоб ўқисанг бўлар.  
Минг йилки одамлар юрган шу йўлда  
Ҳар тош косасига ҳасратим тўлар.

Ой тўлди. Мунаввар тортмоқда дала,  
Зиёга тўлмоқда ҳар битта сулук.  
Гўёки фалакда фархунда лола,  
Фалакнинг сепида дур кўзли узук.

Ой тўлди. Дунёнинг ками ҳам тўлди,  
Аммо битмаяпти кўнгилинг ками.  
Ой тўлди. Ёришиб кетгандай бўлди  
Етти қават ернинг етмиш қатлами.

Ой тўлди. Бу кўнгил тўлмайди сира,  
Ойдек кетганига тўлди неча ой.  
Ой билан баробар юрар сайрда  
Дунё деб аталган бу кўҳна сарой.

Ой тўлди. Сайҳонга тўлиб нур оқди,  
Шарқирар сойда нур, сувларда сувсар.  
Кўкда ким ярадор қушларни ёқди,  
Бошимга ёғилар зардек болу пар.

Ой тўлди..

**БОҒДА**

Сен боқсанг – хира сув тиниқ тортади,  
Оққушнинг бўйнидек қайрилар гуллар.  
Билмайсан, ҳар битта дарахт ортидан  
Пойлаб қочар маккор соя ва нурлар.

Сенга уриб олар ўзини насим  
Ва ўтган йўлидан атир сочади.  
Шохларда ўрмалар яшил нафасинг  
Ва дил даричасин чертмай очади.

Шамол атрофингда ўралашади,  
Навдалар, куртаклар интилар сенга.  
Сафсарлар, гавҳарлар аралашади,  
Барча сенга боқар, боқмайди менга.

Юзини юзингда юваётир сув,  
Инидан узилиб тўкилар қушлар.  
Тошлар балиқлардек юзаркан дув-дув,  
Изингдан, изингдан, изингдан тушар.

Илдизлар тирмашиб чиқар тупроқдан,  
Сўқмоқлар қайрилиб сенга қарайди:  
Сочингда озор бор эгма тароқдан,  
Тарофингни ошиқ дунё тарайди.

Ойдек бир маромда ўтиб борасан,  
Тутиб қололмайди боғ деган тузоқ.  
Энди ҳар япроқнинг содиқ ёрисан,  
Сенга эргашади ўттиз йиллик боғ.

\* \* \*

Келдинг. Гуллар очилар,  
Тугунлар ечилади.  
Келдинг. Дурлар сочилар,  
Шароблар ичилади.

Келдинг. Алвон адирда  
Тикилади оқ чодир.  
Қирқ кун кўринмас қирда  
Бир малика, бир ботир.

Келдинг. Асов тулпорлар  
Келин ҳидини туяр.  
Кўзларида кун порлар,  
Кўзларида тун куяр.

Келдинг. Кўкка отилар,  
Бор дунё бўлар унут,  
Э воҳ, қайтиб тушолмай  
Осмонда ўлар бургут.

\* \* \*

Эй сиз – эски таниш, эй сиз – янги дўст,  
Эй сиз – эски ҳажр, эй сиз – янги бахт.  
Бир қаранг, менда ҳам йўқ ҳеч каму кўст,  
Бир қаранг, менда ҳам кўрарсиз зўр шахд.

Бир қаранг. Бунчалар чиройли нигоҳ,  
Эй сиз – ўша севгим! Сиз – ўша севги!  
Бир кўзингиз шахло, бириси лайло,  
Иккиси бир бўлса – енгади девни.

Сиз бошқа аёлсиз. Сиз – ўша қиз. Сиз –  
Бошқанинг уйида, менинг қалбимда.  
Мен ҳам олтин эмас, қиммати паст мис,  
Гулдай авайлайман сизни лабимда.

Мана, кўзларимга ёш келди яна,  
Сиз тўкилмоқдасиз ичу ташимдан.  
Туғаб бораяпман ёна ва ёна,  
Оқ олов ўрлайди йигит бошимдан.

\* \* \*

Ортиқ бу мушкулга чидай олмайман,  
Бир куни йўлингни тўсаман аста.  
Кет десанг, кетмай, қол десанг, қолмайман,  
Етиб сўнг тутаман қизил гулдаста.

Шу тундай тугайди бир куни сабрим,  
Бир кўза жавоҳир топиб келаман.  
Сенга қизиғи йўқ – не менинг дардим,  
Зарур сўз тополмай, балки, телбаман.

Лаганда жонимни сузиб келтиргум,  
Қара, қандай иссиқ, таралар ҳовур.  
Жигаримни ишққа белаб едиргум,  
Менинг оловимда ўзингни қовур.

Билиб-билмасликка олавер, илло,  
Майли, менинг севгим керак бўлмасин.  
Менинг чорбоғларим қурисин, аммо  
Сенинг битта гулинг бевақт сўлмасин.

\* \* \*

Эски қартасини чийлар қиморбоз,  
 Кўҳна йўл. Таниш боғ ва ўша тупроқ.  
 Сочим қорасини бой бердим бир оз,  
 Йиғлаб-йиғлаб онам қариди кўпроқ.

Кунларимни кам-кам харжладим, лекин  
 Юракни оз-оздан сарфлаганим йўқ.  
 Сочим, тишларимни бой бердим секин,  
 Ўзимдан бошқани алдаганим йўқ.

Осмондан булутлар ўтганга ўхшаб,  
 Ёшликлар умримдан ошиб кетдилар!  
 Дунё ўзгармаган! Одамлар ўша!  
 Фақат мени ташлаб, шошиб кетдилар!

Одамлар! Эй менинг орқадощларим,  
 Биламан, ҳаммангиз яхши, гўзалсиз!  
 Яхшисиз! Бўлмаса, эҳ, ёмонларим,  
 Навоий ўтарди битта ғазалсиз!

Одамлар! Эй менинг орқадощларим,  
 Тоғ-тоғларга эмас, сизга суянган!  
 Қалбимни илитган турлук қуёшларим,  
 Мени ташлаб кетманг! Сизсиз куяман!

Агар улуғ ҳарбда ўқ тегса менга,  
 Куним бор бўлса-ю, ўлмасам агар,  
 Барча оқ ўралган касларга менгзаб,  
 Қўлимдан тутмаса тараддуд, сафар,

Халтамдан нуқтадек кичик ўқ олиб  
 Ҳаётимга қўйинг ниҳоя – нуқта.  
 Мен сўнг бор шивирлай шубҳадан холи:  
 Дунё ўзгармаган! Одамлар ўша!

Марҳумлар ёнига қўйинглар, биллоҳ,  
Ёлғизликка берманг ўлигимни ҳам.  
«Ёлғизликдан қўрқар эди бу одам», –  
Деб қабрим бошига чекинлар рақам.

Жаннатнинг суйида поклаб ниятни  
Мана шу кичкина юрагим билан,  
Ёлғизликка қарши урушдим, лекин  
Ёлғизлик енгади Инсониятни!

Мени ҳам бой берар бир кун қиморбоз,  
Таниш йўл. Кўҳна боғ ва ўша тупроқ,  
Фақат менинг сочим оқарди бир оз,  
Фақат менинг онам қариди кўпроқ.

**ЧАРХПАЛАК**

Жаранглаб бўлдилар қўнғироқларим,  
Тугади найимнинг хуш оҳанглари.  
Бир-бир ташлаб кетди овунчоқларим,  
Уфқимда ҳаёт ва мамот жанглари.

Тугади найимнинг хуш оҳанглари,  
Жаранглаб бўлдилар қўнғироқларим.  
Уфқимда ҳаёт ва мамот жанглари,  
Бир-бир ташлаб кетди овунчоқларим.

Бир-бир ташлаб кетди овунчоқларим,  
Уфқимда ҳаёт ва мамот жанглари.  
Жаранглаб бўлдилар қўнғироқларим,  
Тугади найимнинг хуш оҳанглари.

Уфқимда ҳаёт ва мамот жанглари,  
Бир-бир ташлаб кетди овунчоқларим.  
Тугади найимнинг хуш оҳанглари,  
Жаранглаб бўлдилар қўнғироқларим.

**ХУШ ҚОЛ**

Қиз қараши монанд қувватли  
Қурол, қалқон, қиличим, хуш қол.  
Навдадаги юрак сувратли  
Титраётган соғинчим, хуш қол.

Хуш қол, беш кун байтул-ҳазанга  
Тилло, зарлар келтирган кема.  
Хуршид бўлиб ёрит кулбамни,  
Денгизимга қайтаман дема.

Хуш қол, беш кун ишқлар шаҳрида  
Қалбим монанд адашган елкан.  
Тўлқин отган кўкракларингда  
Тоғга ўхшаб кўкарди елкам.

Хуш қол, парда – деразаларга  
Ўзин осган бир парча ялов,  
Бир чеккада томошабиндай  
Қараб турган бир ўчоқ олов.

Қиш, тунчироқ, дастурхон, хуш қол,  
Дилга сепдим толе тузини.  
Нондай едим, соч тараб хушқол  
Дастурхондай очса ўзини.

Оқдарёдай ҳайқириб оқди,  
Дарё мисол тўлғонди аёл.  
Кийимларим қирғоқда қолди...  
Пинҳон кўча, дарича, хуш қол!

\* \* \*

Тушларимда кўрмадим нега,  
Нега боғда дуч келмади ҳеч,  
Оққаннимда сувда безга,  
Юрагимга тушганида кеч?

Қайда эди, ахир, у кеча,  
Қайда эди ундан олдинроқ?  
Тополмасдан, ахир, бир неча  
Марта мен ҳам ушладим сиртмоқ.

Кесишмади йўлимиз нега,  
Чиқмадими сира олдимдан?  
Тақдиримнинг синиғи – чега,  
Кетдиммикан ё ундан илдам?

Нега уни ҳеч учратмадим  
Кеча-кундуз изғиганимда?  
Ўтмаганми бир бор кўчамдан,  
Хазонлардек тўзғиганимда?

Хиёбонлар, бекат, соҳиллар,  
Нега уни олиб қочдингиз?  
Оқ сочидан уялгач йиллар,  
Кўзларимни охир очдингиз.

Кўзларимни очдим-у... мана...  
Мана... қизми... ҳурми... ё ҳурлар...  
Бир кўрай деб қайтмоқда яна  
Кўзларимни тарк этган нурлар.

Қайда эди тасодиф бурун,  
Бугун кимдан қасос олай ман?..  
Сизни яхши кўрсин деб тун-кун  
Кўзларимни тарбиялайман.



\* \* \*

Рақс. Қўллар. Оёқлар. Фикр.  
Ўз ўрнини тарк этган кўзлар,  
Бурмангизда нақшланган сир,  
Ёқангизда ипаклар бўзлар.

Шароб ҳиди анқир сўзлардан,  
Йўталади тутаб тамаки,  
Кўксингизни солиб кўзларга  
Айланётган сизми чарх ёки?..

Севармикан титроғингизни  
Белингизга қўнган қора кафт?  
Саёқ лаблар дудоғингизни  
Излар, борми уларда бир тафт?

Эркин-эркин парвозларида  
Қўлларингиз чизар эрк расмин.  
Қоматингиз пардозларида  
Тўлқину мавж тебранар. Ростми,

Кимга лим-лим ваъда ушлатиб,  
Лабингизнинг четидан бармоқ  
Учи билан бўса ушатиб,  
Унга йўллаб, ортидан бормоқ

Сизга ярашмайди. Одамзод,  
Башарият келсин сиз сари,  
Ҳозир сиздан айлансин ҳаёт,  
Ҳозир сизга тиз чўксин бари –

Умр заргари!

\* \* \*

У даврага келди. Ўтирди.  
Гўё лола келди чет қирдан.  
Соқий майда-майда ичирди,  
Эски муҳит ўзгарди бирдан.

Ўхшаши йўқ бундай кулгуни  
Ким чизибди унинг юзига?  
Сочларидек қора қайғуни  
Андозаси борми кўзида?

Қошини ким парваришлаган,  
Ким ўстирган кўкраklarини?  
Оқ қўллари қайда ишлаган,  
Лабигаги безакларини

Ўргатганми бирор муаллим,  
Олганмикан бирор бозордан?  
Нигоҳида ишора, минг им,  
Асоратми бирор озордан?

Ҳар бармоғи бир боладек шўх,  
Елкалари бунча одобли,  
Тиззасининг кўзида тин йўқ,  
Қадамлари чақмоқли, тобли.

Балки, силлиқ билакларини  
Дарёларнинг тоши чархлаган,  
Вужудининг бўлакларини  
Харидорлар қиммат нархлаган.

Қўлларининг ҳаракатида  
Сезилади на ғам, на ташвиш.  
Ишқнинг савдо, харажати-да,  
Олма арчиш каби оддий иш.

«Сизни севиш мумкинми, хоним?  
Сизни сира хафа қилмайман...»  
Қирқ жойидан оғрийди жоним,  
Исми нима қизнинг, билмайман.

\* \* \*

*Шавкат Раҳмон вафотига*

Юриб ўтди олов ичидан,  
Оловларни ўртаб куйдирди.  
Озодликни севаркан – чиндан  
Юрагига чуқур ўйдирди

Ишқ-муҳаббат, миллат ва Ватан,  
Ўзбекона қайғу шаклини.  
Қайси уйда қолдирди экан  
Овозини, ўткир ақлини?

Исботлади: «шоир» сўзига  
Мос қофия, аслида, «темир».  
Ўн йилдан сўнг тирик кўзига  
Тик қарарми ўзидек кимдир?

Гўзал тобут – унинг тобути  
Чайқалади ғам оҳангида.  
Хаста суяк сабрдек собит,  
Суяклари шеърнинг рангида.

Гўзал тобут – сози оламнинг  
Жасадини узоқ ухлатар.  
Қўли теккан ҳар бир одамнинг  
Кўзидаги гулни уйғотар.

«Шоир ўлди!» Ер билан само  
Ҳар юракка эрдан туғилди.  
Шу яқунни биларди, аммо  
Ўлимлардан қўрқмай туғилди.

## КУЗ СОНАТАСИ

*Академик рассом Акмал Нурга*

Нима ҳам дер эдим: бариси аён,  
Сизнинг манзилингиз бошқа, аслида...  
Олтин сувларига чайилган хазон  
Куз деган рассомнинг илҳом фаслида

Бўёғи қуриган расмлар мисол  
Тупроққа қорилар оғир ва оғир.  
Ҳар лаҳза янгорар оҳанг, ранг, тимсол,  
Хазон расммикан ё куйган бағир?

Ўт тушди юз йиллик устахонага,  
Сўхмоқлар чопади анҳорни излаб.  
Сайҳонда шовуллаб шамол ёнади,  
Дарахт чала қолган расмга менгзар.

Шаҳар. Тўққиз қават ромлар ичида  
Одамлар чироқни ёқар, ўчирар.  
Тириклик фармони ҳамон кучида,  
Ҳаёт – буюк санъат, бизни кечирар.

Новдадан узилган япроқдек йўлсиз,  
На белги, на чизиқ, на из, на асар.  
У тутган манзилга қаламсиз, қўлсиз  
Ўзининг сувратин чизибди хатар...

Атиргул.. Атиргул.. озгин шоира,  
Тупроққа ташлайди тилла зирагин.  
Агар илимаса юрак – доира,  
Бу олтин оловнинг борми кераги?

Хуржун-хуржун булут – сотади сирин,  
Жангдан сўнг майдонда сарғиш ёрлиқлар.  
Ёмғирда тангадек ивиб, бир-бирин  
Пинжига киради тилла балиқлар.

Куз – мағрур шоира. Энди қайтмайди.  
Дардидан сарғайган шеърларни ёқар.  
Қўнглида нима бор? Сира айтмайди.  
Сўзга бўйсунмаган ерларни ёқар.

Сарғайган ҳаёми, сарғайган ҳовур,  
Севгидан оламнинг ранги заҳилми?  
Япроқ лабларида бўса, ишқ совир,  
Бахт билан бахтсизлик шунча аҳилми?

Ё бир сўз, ё бир ранг, ё бир зарб билан  
Дунё ҳам бир асар каби яралган.  
Ҳар гулнинг ёнида биттадан тикан,  
Ҳар чаман издиҳом билан ўралган.

На манзил, на кўча куз – шоирада,  
Совқотар сўнгига етмаган тасвир.  
Янги мўйқаламда, кенг доирада  
Боғларга оқ ранглар тортар Мусаввир.

## ЯШИЛ ГИЁҲ

Мени тушун. Сен жуда ёшсан,  
Балки, ақлинг етмайди ҳали,  
Ҳали ёмғир тегмаган тошсан,  
Сенга ишқнинг етмаган гали.

Қурум ҳиди ўтирган ётоқ,  
Дайди кўча ва дорилфунун,  
Тирсагинга тегаверар оқ,  
Нимчангга гард тегиши мумкин.

Ҳаёт – катта кўрғазма. Унда  
Фақат битта бўлмани кўрдинг.  
Яна қанча бўлма бор. Кунда  
Кўришга сен қачон улгурдинг?

Сенга, сенинг соянгга салом!  
Қалпоқ, қўлқоп ва яшил пальто.  
Фақат яшил бўёқли рассом  
Уст-бошингни бўяган гўё.

Гўё қишнинг бўлмаларида  
Кўрғазмага қўйилган баҳор.  
Қизганчиқ ё ношуд бўлмасдан,  
Дунё, уни менга ҳам юбор.

Зериктирди эрувгарчилик.  
Кўрғазмалар залидек асфальт.  
Боғлар буюк. Эй, яшил арча  
Асар каби қилади ялт-ялт.

Яшил рангми, яшил оҳангми,  
Яшил расм ёки яшил сон?  
Ҳаммасини ва яшил рангни  
Севасанми, эй азиз инсон?

Шунча яшил ранглар юкини  
Кўтариб ул гиёҳ толмасми?  
Баданига обдон юкиниб  
Яшил ранглар юқиб қолмасми?

\* \* \*

Бунча чуқур кулгичларинг бор.  
Бармоқларинг... ўзингникими,  
Шу қиш, шу куз, шу ёз, шу баҳор...  
Бари-бари кўзингникими?

Кимлар севги қилмаган изҳор,  
Кечикдим мен бу машғулотга.  
Менга қара, илтимосим бор,  
Жуда чуқур боқма ҳаётга.

Менга оғир бўлиши мумкин  
Тарофинга бахш этилган бахт.  
Бунга навбат кутади – сокин  
Қанча-қанча ўрмону дарахт.

Кўзларингдан томчи ранг олса,  
Яралади яна юз олам.  
Чарақлаб гар жилмайиб қолсанг,  
Юзта эмас, мингта десам кам.

Секин шошиш, шошган асталик,  
Нозик келиш, нафис кетиш, ор,  
Хаста-соғлиқ, соғлом хасталик  
Мен ва сендан бошқа кимда бор?

Кимда бордир девона юрак?  
Сенда эрк бор, менда – ихтиёр.  
Ошиқларинг... кўп бўлса керак,  
Менинг сендан бошқа кимим бор?

\* \* \*

Кўча совуқ. Тиззагача қор.  
У келади – юзида гулхан.  
Қарашида уятчан изҳор,  
Менга, менга, менга аталган.

Хона иссиқ. Ростлагач нафас,  
Пальтосини ечишга ёрдам  
Бераман мен. Қиламан ҳавас  
Қоматига. Ора бир қадам.

Момиқ ёқа, силлиқ тугмадан,  
Балки, севги бўйи таралар.  
Ҳароратин сезиб ногаҳон  
Битиб борар эски яралар.

Жоду кўзлар, сачраб ўсган соч  
Гирдоб каби тортар сеҳрига.  
Меҳр кўрмай ўсган дил муҳтож  
Бошқанингмас, шу қиз меҳрига.

Тоза кулгу қушдек учар. Бас,  
Пальтосини кийишга ёрдам  
Бераман мен. Қиламан ҳавас  
Қоматига. Ора бир қадам.

Бир қадам...

\* \* \*

Деразага юзин босган,  
Қарайди тун.  
Чироқ шифтга ўзин осган,  
Жигари хун.

Қандилларнинг биллурида  
Синар соя.  
Нурлар югур-югуридан  
Томар ғоя.

Бу дунёнинг бисотида  
Борми товуш?  
Тирикликнинг ҳаётига  
Торми ковуш?

Деворларда теп-текислик,  
Қиялар тик,  
Гоҳ эс кириб, гоҳ эс чиқиб  
Биз югурдик.

Шакл билан шаклсизлик  
Талашади,  
Ақл билан ақлсизлик  
Алмашади.

Адашади расм. Русум  
Гулқоғозда,  
Шарпаларда азал удум:  
Жим овозда,

Шовқин-сурон, журунг-жаранг,  
Акс садо,  
Етмиш етти бўёғу ранг  
Қилар ғавро.

Деразага кафтин қўйиб  
Қарар зулмат.  
Хира чироқ тўйиб-тўйиб  
Қилар ҳасрат.

Қандилларнинг биллуридан  
Томади дур:  
Эгри чизиқ, тўғри чизиқ –  
Югур-югур.

Деворларда гулдастамас,  
Нур бойлами.  
Бутун ёки шикастамас,  
Юлдуз, ойлар

Соялари бурчакларда  
Тушади рақс.  
Ҳаволарнинг тўшагида  
Дўсту рақиб.

Пардаларнинг гулларида  
Жимиллар нур  
Ё шамларнинг эришида  
Ҳузур зуҳур.

Туш билан ҳуш ўртасида  
Йўқдир ҳудуд.  
Тун билан кун кулбасида  
Ҳаёт унут.

Бир-бирини излаб чопар  
Нур ва соя,  
Бир-бирининг устин ёпар,  
Шу кифоя.

Соя ўйган, нурни уйган,  
Тирқиш – устун.  
Қора узум каби куйган  
Шом, кечқурун.

Шамол бўлиб шақиллатар  
Ойнакларни,  
Тутқичларни лақиллатар,  
Чойнакларни

Тақиллатиб кирар кўчиб  
Кеча ва нур.  
Ташқарига қарар чўчиб  
Онг, тасаввур.

Ўтар шарпа, соя сели,  
Парда – титроқ.  
Деразага яқин келиб  
Қарар чироқ.

\* \* \*

Чўқтирмагил асло кўнглингни,  
Қадрдоним, сўзларимни уқ.  
Авайлагин оёқ-қўлингни,  
Ташқарида жудаям совуқ.

Нега қўлқоп киймадинг, жинни?  
Юзимга қўй ёноқларингни.  
Қара, кўзинг кетяпти тиниб,  
Лабимга бос бармоқларингни.

Ўрамабсан бошингга рўмол.  
Ақлинг борми, кеча-кундузда,  
Ахир, сендек нозик бир аёл  
Нима бўлар тайрилса музда?

Иссиқ этик кийдингми, жоним,  
Илитарми танангни пальто?  
Менинг ичим боряпти ёниб,  
Ўтмаганми мендан ҳеч хато?

Қалин шарфни қат-қат ўрагин,  
Томоғингга тегмасин йўтал.  
Нима керак, мендан сўрагин,  
Бировларга бўлмагил маҳтал.

Баланд кўтар ёқангни. Зинҳор  
Қаҳратонга берма юзингни.  
Мендан хафа бўлсанг-да, такрор  
Авайла ва асра ўзингни.

Қора қуюн мисоли тошсин,  
Атир сочсин юпун жаҳонга.  
Совуқ нафас тегмасин, сочинг –  
Қора қирон оқ қаҳратонга.

Қўллариғни бергил қўлимга,  
Иситаман кафтимда. Ҳозир  
Куф-куфлайман. Сенинг тўғриғда  
Қайнаяпти кўксимда бағир.

Аёз тиғи қошинғни тилган,  
Шарфга ўра титроқлариғни.  
Чўғдек ёнган кафтларим билан  
Беркитайми қулоқлариғни?

Эҳтиёт бўл. Муз жуда юпқа.  
Нега тўкин-сочин юрасан?  
Мени чақир. Ҳар қадамингда  
Қўллариғдан тутиб тураман.

Уйингда кир. Иссиқ уйингда.  
Ўтин ёриб, мен ёқаман печ.  
Менга ўхшаб сенинг кўйингда  
Гангиб-гангиб тушаяпти кеч.

Тун чўкмоқда. Ухла. Ором ол.  
Қўллариғни силаб-суяман.  
Рухсат берсанг. Олмасанг малол,  
Устинғни мен ёпиб қўяман.

\* \* \*

Эрталабдан, қуёш чиқмасдан  
Қора совуқ забтига олди.  
Сим қоқаман куним туғмасдан –  
130 05 16.

Бугун яна тонг оқаргунча  
Сени ўйлаб мижжа қоқмадим.  
Номинг кезган шеърларни тунда  
Ёқмоқчийдим, лекин ёқмадим.

Сенинг исминг, изинг, сувратинг  
Билан бўлса нима дахлдор,  
Менга бари бирдек қадрли,  
Бари бирдек азиз, бетакрор.

Тинчингни гар ўғирласа кеч,  
Гар безовта қилса дард – улкан,  
Тушларингни куйдирдими ҳеч  
Салим деган ловуллоқ гулхан?

Телефондек дўстинг бор сенинг.  
Менга душман шу яшил қути.  
Сендан хабар етказмас. Менинг  
Рангу рўйим осмондек ўчди.

Сен кўчага чиқмасдан. Тонгда  
Қора совуқ забтига олди.  
Айланади замин шу рангда:

130 05 16.

**ЧУМЧУҚ**

Қорни тўқми? Уйи иссиқми?  
Йиртиқмасми оёқ кийими?  
Устидаги қора чизиқни  
Ўчиришга борми ҳеч кими?

Борадими эрталаб ишга  
Ё ўқишга? Ё дарбадарми?  
Ундан кўнгли қолган турмушга  
Ким етказар совуқ хабарни?

Сандиғида бормикан этик,  
Тугунида борми чопони?  
Йўқса, нега қомати эгик,  
Йўқса, нима унинг армони?

Даҳлизида синган дарчалар  
Совуқ сайр қилар кетмасдан.  
Содиқ аскар каби арчалар  
Қўриқлайди қимир этмасдан.

Кашта олиб хола, аммадан  
Йигиради абадий урчуқ.  
Совуқлиги учун ҳаммадан  
Хафамикан ҳурпайган чумчуқ?

\* \* \*

Нима бўлди сизга? Хафасиз,  
Титраяпти нечун қўлингиз?  
Ширинликни, мева ё гулни  
Тусадими озган кўнглингиз?

Тўқиётган нарсангиз нима,  
Сизга бунча қарайди айвон?  
Пайпоқ, қўлқоп тўқияпсизми  
Ёки менга аталган ёлгон?

Ўтирибсиз. Зерикмайсизми?  
Бир зайлда судралади кун.  
Мен биламан, қўлқоп, пайпоқча  
Тувилажак болангиз учун.

Бунча чаққон бармоқларингиз,  
Бунча бахтли қўлингизда сим?  
Соя аниқ чизиб бермоқда:  
Сочингизни силаётир ким?

Меҳр берар кафтингиз. Бахтли  
Қўзларини юмар бароқ мош.  
Тиззангизда бўлса шу вақтда  
Эриб кетар эди ҳатто тош.

Эрка жонвор мудрайди. Билмас  
Қанча харсанг, қоялар кукун,  
Қанча тоғлар талқон бўлдилар  
Қўлингизни бир ушлаш учун.

Ҳўллаб олинг томоғингизни,  
Қуйиб турсин биров ширин чой.  
Ёнингиздан ё нарироқдан  
Топиларми мен гумроҳга жой?

Кўп ўтириш зарарли. Тез-тез  
Сайр қилинг очиқ ҳавода.  
Содиқ, посон итингиз сизни  
Қўриқласин ҳар не маъвода.

Ташвишларни ўйламанг. Ташвиш  
Сиздан жуда узоққа кетган.  
Белги, имо, нафас, ҳаракат  
Юзингизни қип-қизил этган.

Ҳушёр бўлинг иссиқ-совуқдан,  
Майда-майда ташлангиз қадам.  
Тинчингизни бузган хириллоқ  
Томоғимни куйдирган алам.

Бахт эмасми соябонингиз,  
Ҳомийингиз саодат? Вале  
Пайпоқ, қўлқоп тўқияпсизми  
Ё кимгадир аталган толе?

\* \* \*

Деразадан қарайсиз. Ҳовли  
Яшайди ўз турмуши билан.  
Ким кўтарар ўртадан говни,  
Ким ўтирар юмуши билан.

Эски-туски ўранган кампир  
Қурт сотади қайтган-ўтганга.  
Деворларда айна соат 1,  
Айна фурсат меҳр кутганга.

Адашганми тўққизта қават,  
Зир чопади 1... 8... 9.  
Қўл беради муҳаббат, нафрат,  
Деразанинг ёнида йўқсиз.

Нега йўқсиз? Биламан, парда  
Доим бизга беради халал.  
Қизча шимир арзон парварда,  
Севги қайтар ишдан шу маҳал.

Кўча бирдан қий-чувга тўлди,  
Юракка дарз тушар шўхликдан.  
Шартта кесиб кўндаланг йўлни  
Ўқувчилар чиқар йўқликдан.

Хўп авайлаб арзанда жонин,  
Тежагандек нону сутини  
Ўз умрини харжлаган хоним  
Етаклайди пахмоқ итини.

Тўрт томон ҳам ночор қараса,  
Қайга юрсин номаълум киши?  
Кўзлар доим кутиб қаварса,  
Нима, ахир, юракнинг иши?

Сезмоқдаман, мудроқ эшикка  
Топширгансиз пешонангизни.  
Тақдир жаннат уфурган ишққа  
Тўлдиради кошонангизни.

Кафтингиздан тошган ҳарорат  
Юпатмоқда қулфу калитни.  
Юрагимни ёрган ҳарорат  
Овутади титраган кифтни.

Суянади енгил пар – вужуд,  
Терга ботар мустаҳкам эшик.  
Тирқишидан кўринар ҳудуд,  
Ўқ ўтгандек юрагим тешик.

Кўп қаватли уйларни тўқиб  
Адашади Тартиб ва Рақам.  
Бир чеккада газета ўқиб  
Ўтиради бекорчи одам.

\* \* \*

Сезмадимми, қачон ёнимдан  
Ўтиб кетди одамсиз қадам –  
Ўтган каби ёмғир жонимдан,  
Эригандек музлар ҳам кам-кам?

Осмон эмас, тунчироқлардан  
Ёғилгандек тутам-тутам қор,  
Аёл каби қучоқларингдан  
Сирғалган ва кетгандек баҳор,

Пальтоларнинг ёқаларига  
Илдиз отган каби қора соч  
Ё сочларнинг ҳар толасига  
Чирмашгандек ёқа эмас, тож,

Автобуснинг тирқишларидан  
Тошган каби жўшқин мусиқа,  
Озод бўлиб ўз ишларидан  
Кетган каби дўстлар ҳар ёққа,

Февралдан сўнг апрель эмас, йўқ,  
Келган каби устин қоқиб март,  
Совуқ билан қордан қорни тўқ  
Ўсган каби сездирмай кўкат,

Эрка ўғлинг пиёлаларни  
Оддий ишдек синдирган каби,  
Нолаларни ишлаб чиқармоқ  
Дуторларнинг ҳунари, касби

Бўлган каби ёки автолар  
Чироғидан оққан каби нур,  
Қиз бошига тушган савдолар  
Улашгандек лаззат ва ҳузур,

Ариқларнинг тиниқ ҳаёти  
Сўрамасдан оқиб ётгандек,  
Пайқамасдан тўқайлар додин  
Ўрдақларни овчи отгандек,

Дафтарларга, китоб, ақлга  
Сигмагандек геометрия,  
Компьютерга, циркуль, нақлга  
Қулоқ осмай тер тўккан мия

Каби ёки учбурчак чизсанг  
Ўхшагандек у тўртбурчакка,  
Бекатларни бир сафга тизсанг  
Чиқаверган каби йўлакка...

Чидолмайди совуққа сабот,  
Ковушини судрайди тун. Ё...  
Шундай меҳнат қилади ҳаёт,  
Худди шундай ишлайди дунё.

\* \* \*

Чолдеворга суюб қўйилган  
Ёшлигини олиб қор қураб.  
Бир чеккага йиллар уйилган,  
Қиш ўзига қордан қаср қураб.

Тахта курак олиб аллаким  
Қариликни отар узоққа.  
Йиқилибди яхда яна ким,  
Ким чизибди юракни оққа.

Орзуларга берилар кучук:  
Иссиқ уйга тезроқ кўчайин.  
Пешонаси дўнг, бурни пучуқ  
Қорбобомиз бунда хўжайин.

Нам пайпоқ ва ҳўл қўлқопларни  
Қурилади уйда оналар.  
Зериктириб шеър, китобларни  
Болаларни тортар чаналар.

**ҲОЛАТ**

Чиройлисиз. Гўзалсиз. Нозик.  
Минг кўрсам ҳам, кўзларим қонмас  
Десам, юзларини беркитиб  
Ёлғон айтманг дейди. Ишонмас.

Қоматингиз шамшод каби тик,  
Бир кўрмасам, юрагим ёнмас  
Десам, кўзларини беркитиб  
Ёлғон айтманг дейди. Ишонмас.

Қошларингиз мен томон эгик,  
Тўрт томон ҳам менинг томонмас  
Десам, оғзин бирдан беркитиб  
Ёлғон айтманг дейди. Ишонмас.

Берсин сиздек қизнинг бахтини...  
Десам: сўзим сира ёлғонмас,  
Юзларига босиб кафтини  
Ёлғон айтманг дейди. Ишонмас.

Дув қизарар. Ийманар, балки.  
Ёлғончисиз дейди. Ишонмас.  
Шу ҳукмида юрагим қатъий,  
Шу ҳукмидан сира ҳам тонмас.

\* \* \*

Кўрдим – кўзларимга яна ўт тушди,  
Кўрдим – юрагимда эски аланга.  
Эски қайғу билан кўксим увушди,  
Оёғим, қўлларим кирдилар жангга.

Кўрдим, нега кўрдим шу қизни яна?  
Энди кун кўрмайман, тийиқсиз бўрон  
Остин-устин айлаб, қилиб тантана  
Менинг ҳаётимда солади сурон.

Атрофга назарин кўрмайди раво,  
Бу жўн дунё билан асло иши йўқ.  
Шу қиз хизматида ер билан само,  
Одимлашдан бошқа ҳеч ташвиши йўқ.

У ўтса, кўчада дарахт, буталар  
Тез қараб олади усти-бошига.  
Дуд босган автолар сирли йўталар,  
Кўз битар жон кирган йўлнинг тошига.

Олам товланади миллион рангда  
Жилғалар тилига ғавғолар солиб.  
Ўткинчи қиз, кўринг, яна бу жангда  
Мен мағлуб бўламан, сиз эса қолиб.

\* \* \*

Келмайсиз деб қўрққан эдим мен,  
Кулмайсиз деб қўрққан эдим мен.  
Фақат сизни севишимни сиз  
Билмайсиз деб қўрққан эдим мен.

Кўринг, сизга кимлар кўз тиккан,  
Гард қўнмасин оқ ойингизга.  
Сизга асло ботмасин тикан,  
Кўз тегмасин чиройингизга.

Тоза гулсиз. Асло сўлмангиз,  
Қўриқлайман. Доим йўқлайман.  
Қўрқаман, сиз хафа бўлсангиз,  
Бошқа ҳеч нарсдан қўрқмайман.

\* \* \*

Шундай енгил, шундай тоза гул,  
Келасиз сиз сув бети билан.  
Маъзур тутинг, севаман буткул  
Юрагимнинг бир чети билан.

Аста-аста келади умид,  
Аста-аста кетар тушкунлик.  
Сизга қарши, менга буткул зид  
Умрликми ишқ ё беш кунлик?

Менмас... кутиб ташрифингизни  
Куйиб борар қовоз ва қалам.  
Деразага икки кўзини  
Михлаб қўяр бечора одам...

Шундай енгил, шундай тоза гул,  
Келасиз сиз сув бети билан.  
Маъзур тутинг, севаман буткул  
Юрагимнинг бир чети билан.

\* \* \*

Ёғаётган ёмғирда – малол,  
Шамолларда тўзди сўзларинг.  
Тун пардаси зич тушган. Хаёл  
Сураётган сенинг кўзларинг.

Борган-келган ул-булларимиз  
Бўлмас энди дўсту дугона.  
Бир-бирига зор қўлларимиз  
Бири-бирига энди бегона.

Тупроқларга чўкди изимиз,  
Исмимизни унутди тонглар.  
Бир-бирини кутган кўзимиз  
Бир-бирининг йўлига томар.

Кипригингга ҳаловат инди,  
Кўзларингдан ўпдими биров?  
Қўлимизни иситмас энди  
Қўнглимизни куйдирган олов.

Ёғаётган ёмғирда – малол,  
Шамолларда тўзди сўзларинг.  
Тун пардаси зич тушган. Хаёл  
Сураётган сенинг кўзларинг.

**ЯКШАНБА**

Кетганмикан чўмилишга  
Мактабларнинг ҳовлилари.  
Ота бормас бугун ишга,  
Она бунча ҳовлиқади?

Супраларда унга ботиб  
Семиради хамиртуруш.  
Бола ухлар ҳали қотиб,  
Жаёлига келмас туриш.

Керишаркан, туйқус боши  
Оққан ёққа кетади йўл.  
Бу йўлларнинг синфдоши  
Қайда? Балки, пайпоғи ҳўл.

Эринади автобуслар,  
Зўрға-зўрға судралади.  
Эрка эмас, дилбар қизлар  
Қанча ишни удалади.

Қозонларда қуюқ жиз-биз,  
Боплаймиз чой ичишларни.  
Эрталабдан ювади қиз  
Уюм-уюм идишларни.

Балиқ ови ё футболга  
Тараддудда яна ўғил.  
Товуққа дон, ўт-сув молга...  
Уй иши-ла иши йўқдир.

Бозор ўхшар киноларга,  
Кинолар ҳам бозор монанд.  
Боғдан келган имоларга  
Тоғлар ўздан кетиб хурсанд.

Кўтарилмас кун пардаси,  
Тугамайди томошалар.  
Тирикликнинг қоидаси  
Етти кунда бир адашар.

Якшанбанинг ўзи чунон  
Яхши кўрар одамларни.  
У, айниқса, кўрар ёмон  
Китоб, дафтар, қаламларни.

Мактабларнинг ҳовлилари  
Кетганмикан чўмилишга?  
Офтобда мош товланади,  
Китоб бормас дарс, ўқишга.

**БОЛАЛИК ОҚШОМИ**

Уй-уйига тарқалди ҳамма:  
Сигир, эчки, қўй, от ва эшак.  
Қолиб кетди адирда яна  
Дўппи. Чопон. Халачўп. Эртақ.

Қўйлақлардан тер ҳидин юлиб  
Қаёқларга қочаётир сой?  
Ортимиздан узоқ термилиб  
Осмонларда қолиб кетди ой.

**БАЛАНД ДАРАХТЛАР**

Бўйсунди бир ивтизомга,  
Кеча-кундуз ишлайди дунё.  
Дарахтлар бўй чўзади томга.  
Ана, ойга тегади гўё.

Навдаларни кесарлар шартта,  
Кесадилар шартта шохларин.  
Соясиз ва мевасиз тахта,  
Бутайдилар бўртган ёқларин.

Чегарадан чиққан шох-шабба,  
Чегарадан чиққан навдалар.  
Кесилади навбатма-навбат,  
Кесилади узун гавдалар.

Бу дарахтлар ўсгандир бедод,  
Афсус, соя, мевалари йўқ.  
Ранда олиб қўлига ҳаёт  
Йўнаверар уларни: дўқ-дўқ...

**АВАРИЯ**

Ҳозир соат уч. Тўртларда  
Тонг отади.  
Юракларни гул тўрларда  
Уйғотади.

Одамлардан олдин чопар  
Машиналар.  
Қоронгининг изин ёпар  
Дуд, шиналар.

Кечаги барг бугун янги  
Ишоратдир.  
Тараддудли қуёш тонгги  
Башоратдир.

Хўроз бугун яна чархлар  
Қанотини.  
Хаёл деган ҳудуд нархлар  
Оқ отини.

Кўчаларда кеза бошлар  
Кўп ғоялар.  
Уларга ҳам тўрин ташлар  
Кўр соялар.

Узун, қисқа, майиб-мажруҳ,  
Оқу яшил,  
Елаётган мардона руҳ  
Ё пачоқ дил.

Ҳар кўча-ю, ҳар бир йўлнинг  
Қонуни бор.  
Шаҳру қишлоқ, дашту чўлнинг  
Либоси – ор.

Қоидага қилмоқ керак  
Жим риоя.  
Тўқнашса гар сўзу юрак –  
Авария!

Ҳали соат 3...

## ДЎКОН

Маҳаллада дўкон қуришди,  
Бўядилар яшил, кўк рангга.  
Эшигига тез қулф уришди,  
Келиб очди пул билан танга.

Кеча-кундуз қизийди бозор,  
Халта-халта ғийбат бор. Олинг.  
Иссиқ ёлғон, совуқ алдов бор,  
Қанча гап-сўз керак, кеб қолинг!

Эркак хурсанд: ароқ доим нақд,  
Туйнугини мудир ёпмайди.  
Аёл хурсанд: меҳмон келган пайт,  
Патир излаб четга чопмайди.

Фақат авжга чиқади савдо:  
Хат. Учрашув. Хабар ва миш-миш.  
Ишқ майдони. Қиз. Йигит. Ғавғо.  
Кимга туршак, кимгадир кишмиш.

Ачинмайди ҳолига биров,  
Аста-аста ютади ўпқон.  
Биз билмаган нарсаларни ҳам  
Кўриб-кўриб қарийди дўкон.

\* \* \*

Писта сотиб ўтирар хола,  
Қари, зўрға нафас олади.  
Атрофида бир тўда бола,  
Қўйса, хола билан қолади.

Велосипед илониз чизиб  
Чиқиб келар писта ҳидига.  
Қордан қўли, қулоғи қизиб  
Писта берар қизча итига.

Қадамлашни шу ёққа қараб  
Ўрганади тетапоялар.  
Сурма қўйиб, сочини тараб  
Етиб келар она, аялар.

Қани тўлган дафтарим деди,  
Олиб писта томонга йўртар,  
Маҳаллага тарқалиб кетди  
Ўғлим олган беш билан тўртлар.

Боғ, бозорни хола кезмайди,  
Ўз ўрнида ёзу қиш бедор.  
Ҳаётида ҳеч кам сезмайди,  
Тиззасига чиқса ҳамки қор.

\* \* \*

Фалакларнинг юксак тоқида  
Кўрдим сенга аталган жойни.  
Дунё дунё бўлгандан буён  
Кўрмаганди сен каби ойни.

Яхшиямки, сен борсан, олам  
Ёруғингда топар йўлини.  
Кўз, қош, лабинг.. бўлиб жамулжам  
Сайр этади кўнгил кўлини.

Етказганим сенга заҳматлар  
Томиримда қондек кечмоқда.  
Лабларингда оби раҳматлар,  
Кўксимдаги саҳро ичмоқда.

Яшамаган бўламан, билсанг,  
Кўзларингда ёш кўрган куним.  
Ё қаҳр, ё мурувват қилсанг,  
Гулзорингга сочилсин кулим.

Парлар каби тўзғиди, кетди  
Сен бошини силаган ғозлар.  
Бошқаларни бахтиёр этди  
Елкамизни илитган ёзлар.

Фалакларнинг юксак тоқида  
Кўрдим сенга аталган жойни.  
Дунё дунё бўлгандан буён  
Кўрмаганди сен каби ойни.

\* \* \*

Мактабларнинг боғлари,  
Боғларнинг мактаблари,  
Дарахтлар тўғараги,  
Тўғаракда дарахтлар.  
Муҳаббатнинг доғлари  
Хазонми ё каптарлар,  
Кўнгилнинг тевараги  
Тошлар тегиб тарақлар.

Уқувсиз бир ўқувчи  
Беҳафсала чизгандек:  
Эгри-қийшиқ анжомлар,  
Ғижимланган стадион.  
Эй, жаҳонни қурувчи,  
Оғизга тиш тизгандек,  
Сафга тургандек томлар —  
Борар қари жараён.

Супурги ўчирғичдек  
Кунни ўчириб борар,  
Кечиб ҳузру жонидан —  
«2» баҳога лойиқ.  
Умуртқа титраб синчдек,  
Шошириб касбу корлар,  
Мактаб қолиб, ёнидан  
Ўтиб борар халойиқ.

\* \* \*

Энди яна қаерда, қачон  
Сени менга кўрсатишади?  
Бу кўрганим бариси ёлғон,  
Чинни қачон ўргатишади?

Айт-чи, кимлар, қандай маккор ҳол  
Келтирмайди сени ҳеч ёвуқ?  
Атрофингда, қара, не аҳвол,  
Юрагинг ҳам қиш каби совуқ.

Тушдан нима фарқи бор бунинг?  
Кўрсатмоқ ва тез қайтиб олмоқ,  
Соч-соқоли қоп-қора туннинг  
Охурига чўғларни солмоқ..

Бедорлигу уйқуларингни  
Ифорларга тўлдирган гулни –  
Барбод этиб қўрқувларингни  
Ўтни олиб, қолдириб кулни

Менга бир зум, бир лаҳза, бир он,  
Ўзгага-чи, умрлик мулк бу.  
Шундай қизни қаерда, қачон  
Кўрсатасан кўзимга, уйқу?

**ПИЧОҚ**

Помидорни ботирди қонга,  
Картошканинг шилди терисин.  
Қўйинг, мўмин қўйларга тонгда  
Қилган иши билан керилсин.

Ногоҳ кўриб ариқ бўйида  
Қуш беркинди қўрқиб инига,  
Қўриқчи ит қочди уйига.  
У-чи, кирмас чиққан қинига.

Ишламайди қўл-оёғимиз.  
Кимни ҳайдаб, кимни аясин,  
Бегонамас, ўз пичоғимиз  
Олган, ахир, чарх тарбиясин.

\* \* \*

Бари ўтди. Тугади. Тамом.  
Яхши боринг. Соғ бўлинг. Хайр.  
Боринг янги бахтингиз томон,  
Бу боғларда қилмангиз сайр.

Бу боғларда ҳар битта япроқ  
Кафтингизни солади ёдга:  
Харитада ҳар чизиқ – фироқ,  
Ҳар бир нуқта тўхтар ҳаётда.

Қаро қисмат харитасини  
Кўчирмишлар пешонамизга.  
Кўнглимизнинг фариштасими,  
Кетди. Энди бегона бизга.

Ҳар дарахтнинг соясида куз,  
Ҳар сояда рақс бор кўзимдан.  
Мен излайман – чекаркан афсус –  
Қуёш каби кетиб ўзимдан.

Бу боғларда қилмангиз сайр,  
Бари ўтди. Тугади. Тамом.  
Яхши боринг. Соғ бўлинг. Хайр.  
Боринг янги бахтингиз томон.

\* \* \*

Чалкаштириб оёғингизни,  
Узоқлардан узолмасдан кўз,  
Гоҳ у ёқ, гоҳ бу ёғингизни  
Йиғиштириб, тополмасдан сўз,

Гоҳ ойна, гоҳ буюғингизни,  
Рўмолчани гижимларкансиз,  
Олиб нозик сабоғингизни  
Исмингизни ҳижжалаяпти

Кузатиб қош-қовоғингизни  
Гапиришни машқ қилган қушлар,  
Гуллар – сизнинг аймоғингизни  
Этагидан хаёллар ушлар.

Сумкангиздан тароғингизни  
Севги – сизнинг содиқ канизак  
Олар, гулгун бармоғингизни  
Безантирар уфқ ва фалак.

Ҳилол каби тирноғингизни  
Қайси уста, қайси фаришта  
Парваришлар – чарчоғингизни –  
Тенги борми, ахир, бу ишда?!

Кутиб турмай сўроғингизни  
Қаламу кўп ашқол-дашқоллар  
Гоҳ дудоқ, гоҳ ёноғингизни  
Гоҳ бир, гоҳо минг кўйга солар.

Тарихнинг бор тажрибаси ва  
Маҳорати турар оёққа.  
Замоннинг бор ҳунари авжда,  
Оғаяпти шу ёққа – боққа.

Сочингизни тўғрилайсиз, тез  
Сизга қарши ишлайди шамол.  
Сизга беҳол суяниб шу кез  
Ўн саккиз ёш топмоқда камол.

Ҳаммасига ясалди якун,  
Асосий иш, мана, бўлди ҳал.  
Хотиржам ва бемалол, беун  
Варақлайсиз расмли журнал.

Зерикиб боғ ўриндиғида  
Гоҳ ўқийсиз фойдали китоб...  
Агар кўзи, юраги бўлса,  
Бугун йўлдан адашар офтоб.

\* \* \*

Қор ёғмоқда. Ошиқлар оҳин  
Сочаётир жуфту тоқ билан.  
Қиш боғларнинг барча гуноҳин  
Ёпаётир дока – оқ билан.

Бу дунёнинг ҳар парчасини,  
Бўлагини ўртар оқ олов.  
Тақиллатиб даричаларни,  
Кўчаларда тентирар тумов.

Қор роль ижро этар. У оқсоч,  
У билмайди чегара, ҳаддин.  
Томошада саҳна. Яланғоч  
Дов-дарахтлар ростлайди қаддин.

Замин – катта давра. Тўрида  
Январь, февраль... шошмай... алмашар.  
Мошинларнинг чироқ нуридан  
Йўлкаларнинг кўзи қамашар.

Пана-пастқам, тепалару дўнг...  
Қиш сочмоқда кўп билан камин  
Илҳом ила. Қуюқ қордан сўнг  
Шоир йўнган каби қаламин.

Бу қорларга керакмас тилмоч,  
Бу қорларга керак таржима.  
Коинотда чексиз қовурмоч,  
Сўзсиз куйга ўхшаш бир нима.

Катак дафтар варағи каби  
Эн-бўйига, узун-кўндаланг  
Оқ теракзор чарчар чайқалиб,  
Ҳар чизиги тортилган таранг.

Бузилади мангу интизом,  
Зўр ҳаракат. Баландлаб, пастлаб  
Силжишида қоида, маром,  
Соя кирди уйга пайпаслаб.

Тонгга қадар иссиқ жойларда  
Соя ва нур жонин сақлайди.  
Қандай уста оҳаклар элаб,  
Бу оламни буткул оқлайди?

**ҶИШ ТАСВИРИ**

Оқ қоғозга ўхшайди адир,  
Ким чизмоқда югур-югурни?  
Ким ёзаркин муносиб сатр –  
Усмон Азим ё Э.Шукурми?

Оқ сиёҳга ботириб оёқ  
Қадам эмас, қаламлар ташлар.  
Кеккайган қуш зўр шоир сиёқ  
Оёғи-ла шеър ёза бошлар.

Санчиб тилла чумдугин қорга  
Қадар экан оқ тугмаларни.  
Зериккандан бир нуқта – қарға  
Чақиради кўп нуқталарни.

\* \* \*

Бўғотлардан тушар сумалак,  
Ниятига етишар охир.  
Чизиғида томларнинг лак-лак  
Сафга бўлди жудаям оғир.

Интилишнинг бўртиқ тимсоли,  
Ният сари талпинган мудом.  
Қишнинг қолиб кетган хаёли –  
Фазолардан йўлланган пайғом.

Қўшилар том кўз ёшларига,  
Узилади биллур тақинчоқ.  
Эгри йўлдан юрсанг, бошингга  
Тушсин дея илинган пичоқ.

Ҳаракатми унинг матлаби,  
Интилади катта сойларга.  
Бу дунёга келмаган каби  
Сингиб кетар яна лойларга.

\* \* \*

Нега бунча ёлғизман, айтинг,  
Атрофимда нега ҳеч ким йўқ?  
Бу даврадан қайтаринг, қайтинг  
Ё беринг шу жангга лойиқ ўқ:

Хира чироқ нури тўқилар  
Кўкракларга, қўл, елкаларга.  
Муҳаббатга монанд тўқилар  
Ўлкаларга ва бекаларга

Бағишланган севги ва нафрат.  
У ўхшайди кимнинг юзига?  
Юраклардан тошган ҳарорат  
Қайтаради тунни изига.

Бошлар узра сузган тола нур  
Оқ билакка чизади расм.  
Денгизлардан чиққан тизим дур  
Оқ бўйинда қуради базм.

Беш қадамни баравар ташлаб  
Гул вужуддан нима излар кафт?  
Эралардан олдиндан яшаб  
Кўрмаганди бундай ўтти тафт.

Кошки, бу кафт уқса гап-сўзни  
Ё уқмаса, бир лаҳза тинса:  
Чиқаман деб бир тепа излар  
Ё бир йиртиқ соя – беркинса...

Ҳозир ҳаёт чикка ё пукка  
Одамлардан ҳақин ундирар.  
Кафтлар йўлни солади тикка,  
Тирсақлар-чи, йўлни синдирар.

Узукларнинг биллур кўзидан  
Нақ юракка сачрайди учқун.  
Ҳаёт кетиб борар ўзидан,  
Адашади бунда дунё-дун.

Кулдонларда умр сўнади,  
Бўялади кўкка ҳаволар.  
Шишаларга акслар қўнади,  
Қадаҳлардан қайтар садолар...

**Азиз Аёл**, чанқоғингиада  
Чангу гарддек тўзди қудратим.  
Тугмангизнинг ол қопқоғида  
Эсдаликка қолсин сувратим.

## КАСАЛЛИК

*Йўлдош Сулаймон вафотига*

Фирромликни билмаган, доно,  
Ташрифи гоҳ маҳал, бемаҳал,  
Етти ўлчаб кесувчи, ошно,  
Минг ўлиб, минг тирилган Ажал,

Гоҳо номард, гоҳо эса мард,  
Ўз ҳукмини қўйди овозга.  
Табассумга ўхшаган мунг, дард –  
Сўзлар шивирлади қоғозга.

Касаллар кўп, Ажал донишманд,  
Чертиб-чертиб олар касални  
Ва ҳеч кимга ҳеч бермайди панд,  
Кўрсатмайди ёлгон асални.

Эҳ, отамнинг пайт-замонида,  
Шиддатликми ёки асталик,  
Назм, Наср хонадонида  
Турилганди рост бир хасталик.

Гоҳ ўғилга, гоҳо шоирга,  
Гоҳ адибга ўхшаган йўлдош,  
Сулаймондек ожиз, қодирга  
Гоҳ маслакдош, гоҳида қўлдош.

Қирқу эллик, олтмиш ёшда ҳам  
Топилмади унга бир даво.  
Унга ҳам гоҳ тор келди олам,  
Унга ҳам гоҳ етмади ҳаво.

Ажал уни таялаган қай кун  
Ўхшар эди мушфиқ онага,  
Билганича даволаш учун  
Олиб кетди қабрхонага.

\* \* \*

Ёз ўтди – умрнинг шашти қайтганда –  
Қирқ ёшли йигитдек чиқолмас издан.  
Кимлар ўтмадилар.. Ростин айтганда,  
Нималар ўтмади сиз билан биздан?

Кўнглимиздан ҳурдай шамоллар ўтди,  
Қадам товушлари келмоқда куздан.  
Кўчамиздан ойдаё аёллар ўтди,  
Нималар ўтмади сиз билан биздан?

Дарёлар, анҳорлар, сойлар.. тўхтамас,  
Тўлқинлар келмоқда интизор кўздан.  
Энди муҳаббат ҳам ишққа ўхшамас,  
Нималар ўтмади сиз билан биздан?

Ёз ўтди – тўзғиди ялтир-юлтури  
Ва либос бичдилар икки газ бўздан.  
Умр – салтанатнинг кетди путури,  
Нималар ўтмади сиз билан биздан?

\* \* \*

Кўзимга кўринди яна тарози,  
Ташвишнинг кўпию бахтнинг озиман.  
Бизнинг ишимизга ким бўлар қози?  
Дўсту душманларим, сиздан розиман.

Нархини белгилар қўшиқларингни,  
Кимларнинг қўлида синиқ созиман.  
Эй дунё, йиғиштир тўсиқларингни,  
Дўсту душманларим, сиздан розиман.

Қани тоғдек юксак мақсад-муддао,  
Одий тош отувчи ўйин – бозиман.  
Қайга бошлаб келдинг бизларни, дунё?  
Дўсту душманларим, сиздан розиман.

Эй фарзанд, саломат камолга етгил,  
Мўъжаз ҳаётингнинг гулгун ёзиман.  
Бир кун ёдимизни мунаввар этгил,  
Дўсту душманларим, сиздан розиман.

\* \* \*

Кафтим тароғида сочим тарайман,  
Тунлар тупроғида йўл кўринмайди.  
Энди ошкор эмас, пинҳон қарайман,  
Кўзимга боғларда гул кўринмайди.

Қушлар чуғурлайди севги тилида,  
Бизларнинг қадаҳлар ҳали синмайди.  
Аксим бор муҳаббат обу гилида,  
Кўзимга боғларда гул кўринмайди.

Пар қолди, қушларим кетдилар ташлаб,  
Қанддек бахт ушатган кун кўринмайди.  
Қарасам атрофга деворлар оша,  
Кўзимга боғларда гул кўринмайди.

Бизларнинг мушкуллар ечилмас осон,  
Баъзан дўст, баъзида ғаним тинмайди.  
Неча кун, неча ой, йиллардан буён  
Кўзимга боғларда гул кўринмайди.

Қанча хато қилдим? Қанча гуноҳим?  
Сув ичсам, танамга сира сингмайди.  
Ҳар нафас руҳимдан чиққан дуд – оҳим,  
Кўзимга боғларда гул кўринмайди.

Ҳайҳот, бир кафт тупроқ энг одил нуқта!  
Ким у, қароримга тун-кун кўнмайди.  
Не қилай, руҳимда ҳаловат йўқ-да,  
Кўзимга боғларда гул кўринмайди.

\* \* \*

Яхши-ёмон сўз айтдим, нетай,  
Давралардан тез қайтдим, нетай?

Кимга ёқдим, кимга ёқмадим,  
Оқимларда баъзан оқмадим.

Кўзлар кўрдим бамисоли сўз,  
Сўзлар кўрдим бамисоли кўз.

Иккиси ҳам пок замзам каби,  
Иккиси ҳам кенг олам каби.

Диёнатлар хиёнатмонанд,  
Хиёнатлар диёнатмонанд.

Эгри ўхшар бир оз тўғрига,  
Тўғри ўхшар бир оз ўғрига.

Англолмадим ёлғон ва чинни,  
Қайси расо, қай бири жинни.

Кўрсанг агар оқ ва қорани,  
Кўролмайсан чизиқ – орани.

Билолмайсан гулми ё тикан,  
Ким жонини нимага тиккан.

Бир юракдан гоҳо шеър, гоҳ қум  
Тўкилади, гоҳида қурум.

Кечалари уйқу қочади,  
Юрак тунга ўзин очади.

Ишимизга ким берар баҳо,  
Нима дер ер, не дейди само?

Биримиз – енг, биримиз – ёқа,  
Дўстлар билан борсак сўроққа

Ўн йил, юз йил, минг йилдан кейин  
Саволларга тутсалар секин,

Қарамасми кўзимиз ерга,  
Тушмаймизми қоп-қора терга?

Ўғил-қизлар биздан тонмасми,  
Биз қурган уй ўтда ёнмасми?

Нима деркин доно боболар,  
Фариштадек тоза момолар?

Нима дейди онам ва отам?  
Шуни ўйлаб қўяман қадам.

Биз юрган йўл, биз юрмаган йўл,  
Биз кўрган дўл, биз кўрмаган дўл

Фарзандларга келмасми малол,  
Беришмасми кўп жиддий савол?

Топиларми ўшанда жавоб,  
Ким биз учун очаркин китоб?..

Бўлармикан қийнамай жонни,  
Шу қўл билан ушласак нонни?

\* \* \*

Бору йўқлигинга гумон етдими,  
Қўлдан тизгин, жилов – даврон кетдими,  
Меҳр ҳам дилингни вайрон этдими?  
Кабутарлар бу томларга қўнмайди, афсус.

Энди жон ширинми ё ишқ ширинми?  
Бизга ҳадя этиб фақат ку-куни,  
Ўзга боғдан излар дон билан сувни,  
Кабутарлар бу томларга қўнмайди, афсус.

Кўпдан куйдирмайди олов қўшиқлар,  
Эй юзига ажин тушган ошиқлар,  
Кўзингга кўрингай фақат оғриқлар,  
Кабутарлар бу томларга қўнмайди, афсус.

Сафар ҳам қариди, паттамит арзон,  
Дилингни ёришга қолмади имкон,  
Инграниб айланар чирик тегирмон,  
Кабутарлар бу томларга қўнмайди, афсус.

Чамаси, ақл ҳам қуйилди оз-моз,  
Ва лекин адашиш ошиқларга хос,  
Ўзингга берсанг-да қанчалар пардоз,  
Кабутарлар бу томларга қўнмайди, афсус.

\* \* \*

Учқур тулпорингни қозиққа боғла,  
Энди ўзинг учун кўнглингни чоғла,  
Шаштинг қайтган бўлса, кўксингни доғла,  
Инсон деган номни бир бора оқла,  
Сочингга оқ тушган бўлса, эй одам.

Орзу-армонларинг саломат борми,  
Тилингни куйдирган синмаган орми,  
Энди аёл эмас, ҳақиқат ёрми,  
Кўзингга кўринган оғочми, дорми?  
Сочингга оқ тушган бўлса, эй одам.

Тўлган паймонага борми чоралар?  
Йигитлик қасрига шубҳа оралар,  
Кеча-кундуз қийнар битмас яралар,  
Бизни босиб ўтсин кўзи қоралар,  
Сочингга оқ тушган бўлса, эй одам.

Тунда кипригингга қўнмаса уйқу,  
Гул эмас, хазонлар бахш этса туйғу,  
Ногоҳ бошга тушиб ишқ деган қайғу,  
Навқирон сафларга бўлмагин кулгу,  
Сочингга оқ тушган бўлса, эй одам.

Оҳингдан келиндек чечаклар унгай,  
Бошингга бахт эмас, қировлар қўнгай,  
Сўз ёзсанг, сўзингни қумлар тушунгай,  
Энди ҳолимизни кимлар тушунгай?  
Сочингга оқ тушган бўлса, эй одам.

\* \* \*

Ёшликнинг жилови кетдими қўлдан?  
Фозлар кўтарилди бизнинг ҳам кўлдан,  
Чўғу кул сачратиб гоҳ ўнг, гоҳ сўлдан,  
Ўртаниб ёнмоқда қирқ йиллик даврон.

Йигитлик шавқини елларга сочдик,  
Баъзан билиб туриб қийиндан қочдик,  
Айтинг, қалбимизни кимларга очдик?  
Ўртаниб ёнмоқда қирқ йиллик даврон.

Бағримиз тош қотган, тиллар тилмайди,  
Ғариб бошимизни ким ҳам силайди?  
Биздан ўтганини ҳеч ким билмайди,  
Ўртаниб ёнмоқда қирқ йиллик даврон.

Уфқлар, уфқлар... сароб бўлдими,  
Хаёллар хазондек хароб бўлдими,  
Бизга бир қора қош меҳроб бўлдими?  
Ўртаниб ёнмоқда қирқ йиллик даврон.

Балки, яшаб бўлдик қиш, ёзимизни,  
Балки, увол қилдик чин созимизни,  
Тоғлар эшитмайди овозимизни,  
Ўртаниб ёнмоқда қирқ йиллик даврон.

## СЕН ҲАМ ОДАМ БЎЛ ЭНДИ

Дунёни танибсану танимабсан ўзингни,  
 Аждодлар овозига мосламабсан сўзингни,  
 Болаларнинг кўзидан яширибсан кўзингни,  
 Нафс ўтида ёқибсан чориқ билан бўзингни,  
 Ёлғон билан топибсан нонинг билан тузингни,  
 Сен ҳам одам бўлдингми,  
 Одамлардек кулдингми?!

Ота дейсан, нимадир отангдан унса агар,  
 Акангдан фойда етиб турса, сен учун жигар,  
 Мансабга миниб кўрсанг нималигин зебу зар,  
 Дўстларингнинг ҳолидан олмайсан ҳатто хабар,  
 Даргоҳингга келгайдир ёғоч от миниб чопар,  
 Сен ҳам одам бўлдингми,  
 Одамлардек турдингми?!

Мунгайиб келса синглинг, артдингми кўз ёшини,  
 Кўнглини кўтардингми, уканг эгса бошини,  
 Эслаб ўтган дўстларинг, ўтган қариндошингни,  
 Қўйдингми қабристонга ҳеч хотира тошини,  
 Ўйладингми бир нафас чархнинг наққошини,  
 Сен ҳам одам бўлдингми,  
 Одамлардек юрдингми?!

Бўлолмайсан бу қадим дунёга асло устун,  
 Ҳар не фармонинг ила алишмайди тун ва кун,  
 Шошил яхшилиқ учун имкон топмасдан якун,  
 Кўнглинг ярим бўлмасин ва бағринг бўлсин бутун,  
 Тандиру ўчоғингдан аримасин ҳеч тутун,  
 Сен ҳам одам бўл энди,  
 Сен ҳам одам бўл энди.

## БАҲОР

Ҳавода шўх сабо пайдо,  
Сабода най-наво пайдо,  
Навода савт, сафо пайдо,  
Яшил излар йўл четида,  
Нурлар сизар кўл бетида.  
Бу ерларга келди баҳор,  
Тангритоққа беркинди қор.

Қорачиқдан юраккача,  
Юракдан то суяккача,  
Суякдан то фалаккача  
Ўтди, кетди қиш заҳмати,  
Заҳматга ҳам дил раҳмати.  
Оқ қороздек тоза олам,  
Кўк чизиқлар чизар кўклам.

Ўнгирлардан уфққа довур  
Жимирлайди юпқа ҳовур,  
Адирларда совур-совур  
Бир фаслик хазинани,  
Бир ёққа сур кин, гинани.  
Ошиқлар ёр тараф бўлсин,  
Баҳор, сенга шараф бўлсин!

Тирқишлардан кирган эпкин  
Юракларни чертди секин,  
Фимирлади экин-тикин,  
Фимирлади мудроқ шуур,  
Кўнгилларда чуғур-чуғур.  
Ёлларин уйғотиб отлар,  
Қирни қиқирлатиб ўтлар.

Турнажонлар тенг-тўш бўлиб,  
Гул, гиёҳга жон, эш бўлиб,  
Уруғ, аймоқ, эл, хеш бўлиб...  
Гуруҳ-гуруҳ қалдирғочлар,  
Керилган қош, узун сочлар.

Гуриллайди атлас, шойи,  
Шу оламларнинг чиройи.

Эй сен – жаҳон бунёдкори,  
Ато, Ҳаво ижодкори,  
Еру осмон дурадгори,  
Шу тупроққа ташла уруғ,  
Қара, йўли қандай ёруғ!  
Маъшуқлар ёр тараф бўлсин,  
Баҳор, сенга шараф бўлсин!

**ҲАСРАТ**

Занжирларни узганда хаёл,  
Кўз олдимга келади савол:

Бу ботқоққа кимлар ботмаган,  
Бу шаробдан кимлар тотмаган?

Кимлар йиғламаган тунлари,  
Бўғзидан чиқмасдан унлари?

Пичоқ қадалганда суякка,  
Кимлар бўлинмаган бўлакка?

Топталмаган биров борми, айт,  
Қанча кўнгил совиди шу пайт?

Ўралашдик, ўради турмуш,  
Аямасдан солаверди мушт.

Қайга бориб, кимга десанг дод,  
Томошабин бўлади ҳаёт.

Буров солса, дил очилмайди,  
Қаламига ким ачинмайди?

Бари йитар, қолар бир удум:  
Маҳшарда ҳам ўлмайди Зуғум.

**ВАТАН РАСМИ**

Ҷимиллайди дала-туз,  
Жимиллайди кўк ҳовуз,  
Дириллайди чанқовуз,  
Жарчи бўлди зарғалдоқ,  
Сувлар бунча қақилдоқ.

Олам – ям-яшил наво,  
Ипакдек майин ҳаво,  
Дунё – минг дардга даво,  
Каптар сузади кўкда,  
Кийик қочади ўқдан.

Чақмоқ эмас, чақнар от,  
Чавандози – полвон зот,  
Исми-шарифи ҳаёт,  
Тириклик кияр кўк тўн,  
Умрим, шу пойгага кўн.

Музлар ёнган тупроғим,  
Қуёш унган тупроғим,  
Ҳумо қўнган тупроғим,  
Дарёлар тўлишади,  
Тоғларим керишади.

Қўр тўла ўчоғимсиз,  
Униб-ўсган боғимсиз,  
Дастурхон, ушоғимсиз,  
Далаларим, даштларим,  
Сизга бағрим ташладим.

Оловга тушган тандир,  
Толедан шишган тандир,  
Юрагим пишган тандир,  
Тафт тутган кенгликларим,  
Биродар тенгликларим.

Тун билан кун берди қўл,  
Ёруғликка етди йўл,  
Кўзларини очди чўл,  
Қир-адирлар тизилди,  
Ватан расми чизилди.

**УЛҒАЙИШ**

Болаликда кўрган куртак,  
Болаликда кўрган ғунча,  
Болаликда билган эртақ,  
Болаликдаги тугунча...

Куртак катта япроқ бўлди,  
Ғунча бўлди каттакон гул.  
У эртақлар тупроқ бўлди,  
У тугунлар бўлдилар кул.

## ОЛТИНСОЙ

Олтинсойнинг сойлари,  
Сойларда чиройлари,  
Бир чиройли ойлари  
Дунёнинг кўрк, нақшидир,  
Жаннатлардан яхшидир.

Зар унар тупроғидан,  
Нур томар япроғидан,  
Вахшивордай тоғидан  
Боқар Сўфи Оллоёр,  
Ҳақни дил билган диёр.

Ток яшнаган адирлар,  
Гўё шеърий сатрлар,  
Ҳар ҳовлида ботирлар  
Жасур сўзни айтади,  
Ой шу ердан қайтади.

Катта юрак дўстларим,  
Йўқдир каму кўстларим,  
Сизсиз мен ҳеч ўсмадим,  
Ёзи қайноқ, қиши оқ,  
Табаррук Хўжаипок.

Бўйи осмонларга тенг,  
Ўзбекнинг кўнглидай кенг,  
Ҳам отам, ҳам онам денг,  
Ярқираган олтин сой,  
Жаннат кўчиб тушган жой.

Йўллар уйларга элтар,  
Уйлар куйларга элтар,  
Куйлар тўйларга элтар —  
Шарқираган олтин сой,  
Ерга кўчиб тушган ой.

**ТИЛЛАҚОШ**

Қўйнида қуёш ётсин,  
Хур кўксига нур ботсин,  
Қушлар сайраб уйготсин,  
Ҳилол тиллақош бўлсин,  
Ҳар сўзи талош бўлсин.

Офтоб бўлар соябон,  
Кечалари ой посбон,  
Дунё унга меҳрибон,  
Ҳилол тиллақош бўлсин,  
Товуслар фаррош бўлсин!

Авайлайди ўзини,  
Бол симирар сўзини,  
Юлдуз ўпар кўзини,  
Ҳилол тиллақош бўлсин,  
Қоши, кўзи фош бўлсин.

Кимга махфий махзани,  
Озода қад савсани,  
Чеҳрасининг равшани...  
Ҳилол тиллақош бўлсин,  
Устаси наққош бўлсин.

## ЖАВОБ

(Ҳазил)

Докторга ишим тушди:  
Ногаҳонда қочди тоб.  
Бошимдан ҳушим учди,  
Деганда: «Ҳолинг хароб...»

Беморлар шолғом ерди,  
Вазн ташлади бисот.  
Докторлар жавоб берди,  
Жавоб бермайди Ҳаёт.

\* \* \*

Фурсат етса, ҳаловат ҳам меҳнат бўлар,  
Қўлларингдан тутган севги заҳмат бўлар,  
Огоҳ бўл деб келган хабар ё хат бўлар,  
Даврон яна неча-неча эврилгуси.

Некдан яхши, баддан ёмон тўрайверсин,  
Кимдир яхши, кимдир ёмон кўраверсин,  
Фурсат етса, либосига ўрайверсин,  
Даврон яна неча-неча эврилгуси.

Атрофингга боқ-эй, инсон, не талотўп,  
Кўзи боғлиқ, ҳар томонга югурган кўп,  
Қўй барини, онанг бўлса, оёгин ўп,  
Даврон яна неча-неча эврилгуси.

Ой, қуёш ҳам ҳар кун ўлиб-тирилгайдир,  
Ҳаётимиз омонатдек берилгайдир,  
Фақат нодон мулки билан керилгайдир,  
Даврон яна неча-неча эврилгуси.

Чопган шамол, оққан сувда қанча маъно,  
Ҳисларимда қайғу кўпроқ, йўқ истиғно,  
Фурсат етди, меҳрибон бўл бизга, дунё,  
Даврон яна неча-неча эврилгуси.

Нега келдим, нима қилдим, энди-чи, хўш,  
Қирқ йил ўтди, нега ҳануз ҳовучим бўш?  
Паймонамиз тўлса, бақо айлайди вўш,  
Даврон яна неча-неча эврилгуси.

Фурсат етса, ҳаловатдан озурдасан,  
Истиқфор қил, гарчи бугун сен тўрдасан,  
Бугун тўрда, эрта турбат ё гўрдасан,  
Даврон яна неча-неча эврилгуси.

\* \* \*

Э воҳ, билагингдан қувват кетганда,  
Э воҳ, юрагингдан шиддат кетганда,  
Ҳар бир бўғинингдан мадад кетганда,  
Зинҳор тўғри йўлдан адаштирмасин.

Суянсанг – бир тоғинг бўлмаса агар,  
Таянсанг – бир боғинг бўлмаса агар,  
Аянсанг – ардоғинг бўлмаса агар,  
Зинҳор тўғри йўлдан адаштирмасин.

Муҳтожсан баъзан ким узатган сувга  
Ё очсан парча нон, парча кулгуга,  
Шундай пайт ишқ тушиб ойдек сулувга,  
Зинҳор тўғри йўлдан адаштирмасин.

Тонгингда олисдан меҳроб кўринса,  
Фароғатингда гоҳ азоб кўринса,  
Осмонга қарасанг, туроб кўринса,  
Зинҳор тўғри йўлдан адаштирмасин.

Секин қадам босиб келса дўстларинг,  
Аларни танимай қолса кўзларинг,  
Э воҳ, санчиқ бериб каму кўстларинг,  
Зинҳор тўғри йўлдан адаштирмасин.

Ҳар ёққа урмайсан энди ўзингни,  
Ўйлаб гапирасан ҳар бир сўзингни,  
Тайёрлаб қўймишлар оту бўзингни,  
Зинҳор тўғри йўлдан адаштирмасин.

Ўзингни қўлга ол, бўлгил хотиржам,  
Боладек кўрингай бу кекса олам,  
Ҳаммага етгайдир навбат ва карам,  
Зинҳор тўғри йўлдан адаштирмасин.

## УСТОЗНИНГ ГАПИ

Устозларнинг гапи тиллага тенгдир,  
Бир сўзи ёқа-ю, бириси енгдир.

Телефон қилди-ю устоз бир куни,  
Деди: «Қулоғингга қуйиб ол шуни.

Нега ҳамма бир хил, сен бошқачасан,  
На қовун, на банан, на картошқасан.

Борсан на ашъорда ва на газетда,  
На ўртададирсан ва на бир четда.

Қани кароматинг, қани мақсудинг?  
Уларнинг барини жаҳон унутди.

Сен ҳам ўшаларнинг бири бўлурсан,  
На очилгайдирсан ва на тўлурсан.

На некқадамсан-у, на шумқадамсан,  
Айтсам қисқа қилиб, сен йўқ одамсан».

Устоз койиса ҳам, насиҳат деймиз,  
Сўз десак номаъқул нонини еймиз.

Ҳар ким ўз исинган оловин мақтар,  
Ҳар ким ўзи эмган сигирни олқар.

Устоз дер: йўлдан қоч, бир четда тур-чи.  
Доим сомеъ туриш – шогирдлик бурчи.

Кўксимда бир тош бор, қалбдан ичкари,  
Тобора қаттиқдир кичрайган сари.

Устозлар боғига эсган эй шамол,  
Менинг сўзларимни олмагин малол.

Осмонда ҳар кимнинг ўз юлдузи бор,  
Тупроқда ҳар кимнинг махсус изи бор.

Сарбоз, қўриқчилар, шотирлар бошқа,  
Бу олам саҳнида шоирлар бошқа.

Ўз ишини билиб қилса одамзод,  
Ҳаммага етади бир парча ҳаёт.

Шаккоклик йўлидан, узар, қайтайин,  
Мен ҳам қатъий сўзни энди айтайин:

Устознинг сўзлари тиллага тенгдир,  
Бириси ёқа-ю, бириси енгдир.

**УКАМ РАҲМАТГА. 1981**

Турналардан иборат олам  
Болакайнинг олади ақлин:  
– «Арғамчи!» ё «Гидам!» –  
Кўради кўкда  
Орзусининг ҳақиқий шаклин.

Ушлаб қолмоқ учун Севинчни  
Югуради кўзларин ёшлаб.  
Турналар учади,  
Болага  
Сўнгсиз Умид,  
Баҳорни ташлаб.

\* \* \*

Тоза осмонларда йўл йўқ, чамаси,  
Осмонга ҳам бордир инсон таънаси.  
Қай кўчадан юрманг, қай йўлга кирманг,  
Ерда тўғри йўл йўқ – эгри ҳаммаси.

### ГУЛ СОҒИНЧИ

Бировга дил бериб дил ололмайсан,  
Ўзинг ҳам дил билан ҳеч қололмайсан.  
Гул руҳ ҳам келмайди сендан дил сўраб,  
Сен ҳам гул борми деб ҳеч боролмайсан.

## ҲАҚИҚАТ

*Узоқбой Исмоиловга*

Ҳақиқат, нимасан, булутми, чақин,  
Ҳақиқат, қайдасан, узоқми, яқин?

Ҳақиқат қанақа, қорами ё оқ,  
Ҳақиқат қанақа, хирами, порлоқ?

Ҳақиқат аччиқми ва ёки ширин,  
Ошкора яшарми ва ё яширин?

Судралиб юрарми ва ё учарми,  
Жумлаи жаҳонни бир зум қучарми?

У ёшми, қарими, ўликми, тирик,  
Ким унинг кўзига қарай олур тик?

Ким қачон, қаерда кўрибди уни,  
Нимадан иборат асл мазмуни?

Товони қаварган, уст-боши ҳўлми,  
Жилғами, денгизми, уммонми, кўлми?..

Сен ҳам одамлардай очмисан, тўқми,  
Ҳақиқат, аслида, бормисан, йўқми?

\* \* \*

Нима қилиб қўйдинг, ҳой рассом,  
Нима қилиб қўйдинг, тасаввур?  
Шу аёлга қачон қарасам,  
Ёғилади туркум-туркум нур.

Ипак каби нозик белини  
Нега бунча ингичка чиздинг?  
Қайтаролмай сурур селини  
Кўзларимга роса ичкиздинг.

Қоматини айтмайман, қойил!  
Нозик бели нега бунча тик?  
Эгилишга бўлса у мойил  
Сезмайдимиз оғриқдан ҳадик?

Ўтирса ҳам, турса, юрса ҳам  
Белидаги самбит ирода  
Букилмасдан ташлайди қадам,  
Бу ҳоюда тўғри, биродар.

Қаламингда қандайин кимё,  
Тўғри чизиқ чиздинг қайси пайт?  
Ўтирса ё турса, юрса ё  
Бели оғриб қолмайдимиз, айт.

## РЕСТОРАНДА

Ой, юлдузлар рақсга тушар,  
Нур селида дилдирайди дил.  
Қатра-қатра қадаҳлар бўшар,  
Чақиради куй чалиб мобил.

Балиқлардек сузар жувонлар,  
Дарё эмас, бир куй оқмоқда.  
Дарёларда шу куйни ичиб  
Балиқларнинг лаби куймоқда.

Йигит ўпар қизнинг бўйнидан,  
Ким қартага ёрини тиккан.  
Одамзоднинг бу ўйинидан  
Қор уйқуда, ёмғир зериккан.

Мен аёлга табрик йўллайман,  
Бўса йўллар кўз қисиб хоним:  
«Шеърингизга ўзим ўлай ман,  
Тунни менга бағишланг, жоним!»

Юрагига қўйиб бармоғин,  
«Севаман» деб ёзар ҳавога.  
Эркакларнинг сендек аҳмоғин  
Тўйдираман дейди ҳалвога.

Тилла санчқи, тилла ликопча,  
Тилла қошиқ – сизга хизмат йўқ.  
Оқ билаклар... бу талотўпда  
Кимнинг кўзи, кимнинг кўнгли тўқ.

Мен янгиман, бошқалар бугун  
Бу хонимнинг жонига теккан...  
Деразадан мўралайди тун,  
Қор уйқуда, ёмғир зериккан.

**КҰНГИЛГА САФАР**

(Қирқ байт)

Қирқ ёшимда дард берди,  
Мажнундан бир гард берди.

Қирқ ёшимда сўз берди,  
Дарё тўла кўз берди.

Қирқ ёшимда дўст берди,  
Ишқда куйган пўст берди.

Қирқ ёшимда ўч берди,  
Умр деган кўч берди.

Қирқ ёшимда дур берди,  
Ҳажр билан ҳур берди.

Қирқ ёшимда куч берди,  
Қирқ донани пуч берди.

Қирқ ёшимда ишқ берди,  
Руҳ сари зшиқ берди.

Қирқ ёшимда ҳад берди,  
Олов тўла қад берди.

Қирқ ёшимда гил берди,  
Гилда куйган дил берди.

Қирқ ёшимда йўл берди,  
Кўнгил сузган кўл берди.

Қирқ ёшимда соз берди,  
Олмосдан овоз берди.

Қирқ ёшимда жом берди,  
Ол уфқдан том берди.

Қирқ ёшимда чарх берди,  
Бу дунёга нарх берди.

Қирқ ёшимда роз берди,  
Кўнгилга пардоз берди.

Қирқ ёшимда гул берди,  
Суягимдан кул берди.

Қирқ ёшимда сув берди,  
Ишқ деган сулув берди.

Қирқ ёшимда қор берди,  
Дилдор билан дор берди.

Қирқ ёшимда жой берди,  
Қора қошдан ёй берди.

Қирқ ёшимда байт берди,  
Дил эриган пайт берди.

Қирқ ёшимда мулк берди,  
Сўздек оғир юк берди.

Қирқ ёшимда тун берди,  
Васлидан учқун берди.

Қирқ ёшимда кун берди,  
Рухсори гулгун берди.

Қирқ ёшимда тонг берди,  
Фигонимдан бонг берди.

Қирқ ёшимда қуй берди,  
Кўнгил деган уй берди.

Қирқ ёшимда эл берди,  
Севги деган сел берди.

Қирқ ёшимда оз берди,  
Қўш билан жувоз берди.

Қирқ ёшимда ҳуш берди,  
Хуш замонни туш берди.

Қирқ ёшимда боғ берди,  
Орази чароғ берди.

Қирқ ёшимда дод берди,  
Жонимга сайёд берди.

Қирқ ёшимда ой берди,  
Ўн саккиз чирой берди.

Қирқ ёшимда тор берди,  
Елкамгача қор берди.

Қирқ ёшимда тоғ берди,  
Кўксимга ўт – доғ берди.

Қирқ ёшимда от берди,  
Кўп мунглиғ қанот берди.

Қирқ ёшимда айб берди,  
Илик тўла ғайб берди.

Қирқ ёшимда ер берди,  
Сўз тишлаган шер берди.

Қирқ ёшимда нур берди,  
Сой тўла сурур берди.

Қирқ ёшимда най берди,  
Қалб қонидан май берди.

Қирқ ёшимда зор берди,  
Лаблари бемор берди.

Қирқ ёшимда пар берди,  
Кўнгилга сафар берди.

Қирқ ёшимда зор берди,  
Энг тоза озор берди.

Қирқ ёшимда ёр берди,  
Бир дўст, бир ағёр берди.

## ВАТАН

Онам каби суйкалсам сизга,  
Ўғлим каби эркаласайдим.

Қизим каби суйсайдим сизни,  
Отам каби суянсам сизга.

Иссиқ уйим, ерим, булоғим,  
Гоҳ сирдошим, гоҳо ўртоғим.

Гулдан япроқ тўкилар, сиздан  
Тўкилади хушбўй-хушбўй гул.

Жамолини битта кўрай деб  
Юрагимни тешади булбул.

## ДОСТОНЛАР

---

### ЁЛҒИЗИЯТ

Иш тугади. Кўчага чиқдим.  
Энди ҳурман. Лекин эрк ғаним.  
Нима қилай энди, йўқ, ахир,  
Борар жойим, кутар одамим.

Сўнг кинолар кўрдим бир ўзим,  
Экранларда сотиларди ишқ.  
Севги олай десам, пулим йўқ,  
Кўрмай десам, кўзларим тешик.

Сўнг одамлар ичидан ўтдим,  
Йўл кўрсатди менга бир нигоҳ.  
Кимсан дея сўрамас ҳеч ким,  
Хунук эдинг нақадар, дунё!

Одамлардан, дунёдан қочиб  
Қарғаларга, чорбоққа бордим.  
(Одамлардан итлар ҳам яхши!)  
Кулранг ёмғирпўшли бир қизга  
Мени севинг дея ёлвордим.

Қалқон қилиб шамсиясини,  
Қошларидан қайради қилич.  
Лабларидан суғирди ханжар,  
Қорачири жанггоҳдай нотинч.

Маликаман деди қиз жиддий,  
Шартларим бор, синовларим бор.  
Ичиб қўйинг, мени севсангиз,  
Сувин, токи қурисин анҳор.

Дедим: эй қиз, муҳаббатим рост,  
Шартларингиз бўлсаям оғир,

Бажарардим, агар бир зумга  
Тўхтасайди кажрафтор ёмғир...

Маликаман дея қиз такрор  
Яна янги синов бошлади.  
Топиб чиқинг дея узугин  
Анҳордаги сувга ташлади.

Эй маликам, муҳаббатим чин,  
Ўлсам ўлай ишқинг дастидан  
Дея сувга шўнғиб, узукни  
Олиб чиқдим ўрқач остидан.

Маликаман деди қиз яна,  
Ўгирилинг, кўзларни ёпинг.  
Товуш берсам, керак бўлсам гар  
Мени изланг, изланг-да топинг.

Кутдим. Кутдим. Берилиб кутдим,  
Маст қилиб бир сеҳрли туйғу.  
Кўзларимни очиб қарасам,  
Қуршаб олган эди қоронғу.

Маликам деб чопдим тўрт тараф,  
Кўз ёшларим учди шамолда.  
Ҳар дарахтнинг панасин кўрдим,  
Қолдим алдоқ, қолдим уволда.

Сизни ҳар кун излайман боғда,  
Товуш беринг, сирли малика.  
Сизни ҳар кун кутаман, мени  
Бир кун адо қилар таҳлика.

Сўнг бекатга бордим. Бекатда  
Ҳамма сўзлар пул ва гамлардан.  
Қайга борма қутулолмайсан  
Ёлғизликдан ё одамлардан.

Сўнг трамвай келар. Шу махлуқ  
 Ўз йўлидан чиқиб кетмайди.  
 Юрай десам гар мен, йўл эмас,  
 Ҳатто олам тор, йўл етмайди.

Йўловчи кам. Асли, жаҳонда  
 Ҳаммамиз ҳам фоний йўловчи.  
 Бахтсиз яратарми ҳеч кимни  
 Узоқ сафарларга йўлловчи?

Трамвайнинг ёруғ кунжида  
 Қиз ўтирар қушдай ҳуркович.  
 Қиз ёнига ўтирдим. Дедим:  
 – Севги беринг менга бир ҳовуч.

Ёлғизликдан чарчадим. Толдим.  
 Мени севинг. Меҳр кўргазинг.  
 Бўшаб қолган қалбим зарфини,  
 Эй қиз, севги билан тўлғазинг.

Қиз юзини ойнага бурди,  
 Шиша узра қопланди ҳовур.  
 Ёлғизликка чўкиб борардим  
 Ҳар дақиқа юракка довур.

Хасга ёпишгандай чўккувчи,  
 Нажот кутдим ҳуркович қиздан...  
 У ён-бу ён ташланар, лекин  
 Чиқолмасди трамвай издан.

Йўлчироқлар нури оқарди,  
 Ўчмас эди кўнгил доғлари.  
 Трамвайни ушламоқчидай  
 Чўзиларди дарахт шохлари.

Бармоғимда чиздим ойнага  
 Ундов ҳамда юрак шаклини.  
 Қиз шарт туриб кетди. Трамвайдан  
 Тушди. Маълум эди талқини.

Мени тагин ташлаб кетди ишқ,  
Яна дунё, яна мен сағир.  
Бу эзгин ҳолимга эзилиб,  
Эзилиб-эзилиб йиғларди ёмғир.

Қўлим чўзиб ёлвордим: Кетма!  
Муҳаббат, мен билан қил дўстлик.  
Ижара хонамда тўрт бўлиб кўзи  
Мени кутаяпти ёлғизлик.

Трамвайдан тушдим. Орқа чироғи  
Сувга тушган чўғдай сингди зулматга.  
Темир от изидан пиёда кетдим,  
Қор, ёмғир ёғарди шўрлик қисматга.

Ёмғирда сочларим ивиди роса,  
Мен ночор, ёлғизлик қолмади ночор.  
Бағримдай ситилиб, тўкилиб,  
Тўкилиб-тўкилиб ўртанарди қор.

Майда-майда ёғарди ёмғир,  
Узун-узун ип тортарди қор.  
Чўзиб-чўзиб инграрди шамол,  
Юрагимга кирарди анҳор.

Муҳаббат деб тортар эдим зор.

## УЗОҚ САФАРЛАР

Бу дунёда мен орол бўлиб қолдим,  
 Мустақил бўлиб чиқдим денгиздан.  
 Бу дунёда Робинзон бўлиб қолдим,  
 Дилдошимни топдим ялпизда.

Жалололдин болтасини олдим мен,  
 Қон доғини руҳимга артдим –  
 Ватанпарварлар қони доғини.  
 Робинзоннинг моғорлаган қайиғини мен  
 Баҳрун-нажот қорачиғи каби силадим.

Сафархалтамга нон солдим,  
 Нонга нонхўрақлар илашди.  
 Мен оҳорли либосимни олдим,  
 Кўйлагимта чирк ҳам илашди.

Хаёллар тўридан тўқидим елкан,  
 Тўзғоқ сочларимда йиртилди бўрон.  
 Тунда елканимга ой тўплар отди..  
 Айиқ сағрисидай баҳайбат осмон.

Болтам дастасини сиқиб қўяман.  
 Тулкининг думидек ўйнайди Жайҳун.  
 Елканимни тешиб Журжонга  
 Кемамни олиб қочди шамоллар.

Болтанинг дастасида табиат туғар куртак,  
 Болтанинг дастасида табиат кўз очади,  
 Ёғочни бўғма, темир.  
 Бу тупроқ ватанми, мазористонми,  
 Бу сувлар ёмғирми ё қорми, кўз ёшми,  
 Бу Шарқми ё Ғарбми, турбатми, само,  
 Бу тошлар қорачиқларми, қора чўғларми?  
 О нажот денгизи –  
 О тарих!..

Нега ўсиб чиқдинг, қизил дарвоза?  
Бармоғингга илдирганинг узук эмас,  
Қулф эмас, бу  
Қай бобомнинг хор бўлган боши.  
Мен уни танидим, ахир, эслайман:  
Мўғуллар билан бўлган жангларда кўрган эдим,  
Араблар билан бўлган жангларда кўрган эдим,  
Озодлик жангларида қонига чўктирилди.  
Инқилобда гард эмас, қон сачради руҳига.  
Нега бунча маҳзунсан, кимнинг шими кийдирилган?  
О олтинчи иқлим –  
О тарих!..

Бу қасрни кимлар қурганлар,  
Бу қасрни кимлар буадирган,  
Ким асрай олмаган шундоқ қасрни?  
О, худо на мол, на уй, на бошпана берганлар,  
Барчангизга қабр берди –  
Яшанг энди шу қасрда,  
Одамзод дунёдек кенг бўлолмайди.  
Кўзлари тўймайди одамнинг –  
Ўлаётиб қабр сўраса!  
Мозорлар орасида тенгсизлик ҳукмрондир:  
Подшонинг мозори мрамрдан.  
Энг оддий одамники бир ҳовуч тупроқ.  
Подшо унутилади тилла ҳайкали бўлиб,  
Кучлироқ подшоларнинг оёғини яласа.  
Халқпарварнинг қабридан  
Халқпарварлар унарлар –  
Агар эли тиласа.

Қайиғимни Жайҳуннинг қирғоғига итқитди  
Сурхондарёдан сакраб ўтган афғон шамоли.  
Болтамни қистираман  
Қовурғам орасига,  
Гугурт чақиб қарайман  
Ўтмишни кўрмоқ учун,  
Бармоғимни куйдирар  
Оловнинг қора чўпи.

Бу чўллар жангтоҳ бўлган эди,  
     Юлғунлар жангчиларнинг негизи.  
 Саксовуллар қилич эди,  
 Ватаннинг қўли эди,  
 Қамишлар най эдилар,  
 Ватаннинг тили эди,  
 Тепаликлар – Соҳибқирон сафаридан ёдгорлик.  
 Бу нишаблар – боболар инқироzi.  
 Вужудимда ухлаб ётган  
 Ҳисларни уйғотмоқда  
 Отларнинг нишқиритиши  
 Бўғзимда тирилаётган туркийларнинг овози.

Бу ерлар, бу осмон – ўзбекистонлик,  
 Одамлар эса дунёниқидир.  
 Шакарқамиш, балки, хитойлик,  
 Николайнинг қалқони – сарой.  
 Барибир, шу чўллар, далалар, кенгликлар  
 Москвадан чиройлик, Москвадан чиройли...

Бу хуршид остида эшаклар ҳам меҳнаткаш,  
 Бу хуршид паноҳида қўйлар ҳам ювош эрур,  
 Тоғидаги тошбақа деҳқон каби имиллар.  
 Отлар қани? Отларни ҳукумат тортиб олган.  
 Йўлбарслари қафасда,  
 Шерлари, эҳ, сотилган.  
 Булбуллари тўтидир, тўтилари бойўғли.  
 Давлат сигирга ўхшар:  
 Охурига ем солиб, истаганлар соғарлар.

О заҳматкаш туям-эй, Сабрим тимсоли туя.  
 Сенинг ҳам либосингни  
 Кемирмоқда-ку куя.  
 Сув ичмасдан яшайсан,  
 Емасликни ҳам ўрган.  
 Ўғрига тут борингни,  
 Тушун ўзинг ўзаксан.  
 Туя – о чўлдаги Кремль,  
 О даштларнинг кўчиб юрар пойтахти.

Туя, Кремлга ўхшайсан,  
Аслида, Кремлдан чиройлик, Кремлдан чиройли..

О чўллар, сиз кимнинг чўлисиз,  
Худонингми, ўзбекнинг чўли?  
О йўллар, сиз кимнинг йўлисиз,  
Самонингми, ўзбекнинг йўли?

Сен кўрганда кимлар яшарди  
Бу чўлларда, ибн Баттута?  
Сен кўрганда кимлар ўтарди  
Бу йўллардан, ибн Баттута?

Ҳар уч кунлик йўлда қудуқ учрайди,  
Ёмғир сувларини асраган қудуқ.  
Атрофда жасадлар –  
Сувга етганида жон берган.. ўликлар.

Ҳар уч кунлик йўлда қудуқ учрайди,  
Ёмғир сувларини асраган қудуқ.  
Шу ер, шу тупроқдан ўчоқ кавлайман,  
Дўстим, узоқ сафарлар учун.

Фақат симёғочлар зерикмайдилар.  
Бағрим соҳиллардан узилган.  
Фақат жониворлар жилмаядилар –  
Юраклари билан – бизга кўрсатмай.

Юлдузлар – кўзмунчоқ,  
Ой – тумор.  
Ҳали бу чўлларга суқлар киргудек.  
Одамлар мизғирлар  
Ҳали кўп хумор..

1988 йил

## ТУНЧИРОҚ

### I

Ой сузиб чиқади осмонга, гўё  
Менинг ҳаётимга киргандай бир қиз.  
Зим-зиёда қилча ёғду тўтиё,  
Гуноҳим тилимга санчади бигиз.

Иккала тиззамни тупроққа қоқдим,  
Осмонда учаман қўлларим билан.  
Кўнглим ярасига босаркан зиё,  
Кўзимни нигоҳинг ила тиламан.

Алам-эй, ситам-эй, оғриқ-эй,  
Чашмимга захрингни томизма, эй тун.  
Сўқирман, кўрдирман, кўр интиқ,  
Шамол пуфлаб мени қилгайдир ўтин.

Оламга қошингдан қаро етгандир,  
Қабоғинг кемамни ҳалинчак этган.  
Кўзларингга ақлим чўкиб кетгандир,  
Сочларингда умрим адашиб кетган.

Яшил сарҳадларда Семурғга дўндим,  
Булутлар йўлимга тортдилар парда.  
Ойга етолмасдан юлдузга қўндим  
Унутилиш деган бир тубсиз жарда.

Ой кеча, Лайли кеча,  
Нажмлар сайли кеча.  
Хазоняпроқдек Ойга  
Қўлим етмайди ҳечам.

Ой кеча, ойдин кеча,  
Ой келди қайдин кеча?  
Сеҳркор Сўғдиёна,  
Соҳилу сойдин кеча.

Қаҳқашон ўраркан намозшом,  
Узугинг кўзига ботади хуршид.  
Гилам тўқийдиган дастгоҳда момом  
Уфққа ёяди олча, бўз, чит.

Қўтондан чиқади қоронғу,  
Отардан ёйилар қўй ҳидли оқ шом.  
Томирларим – торлар, вужудим – чолғу,  
Юрагим мизробдир, чертади Хайём:

Сомон йўли, нур йўли,  
Юлдузларнинг дур йўли.  
Яздон, гулдай қамарнинг  
Менга томон бур йўлин.

Сомон гули, эрк гули,  
Коинотнинг кўрк гули.  
Сенга олиб боргайдир  
Сомон йўли, нур йўли.

Осмоним гумбазиташлаб кетди ой,  
Кўнглим япроқлари яна кўпайди.  
Юрагимдан изи ўчмаган ҳумой  
Кимнинг самосида саросар дайдир?

Энди мен ғарибман, энди гадоман,  
Севгини садақа сўрайман ойдан.  
Энди Салим эмас, синиқ сатоман,  
Соғинчим соврилар арший саройдан.

Энди узун бўлар умрим тунлари,  
Дард қурти юракни ташлаб кетмайди.  
Бу бўм-бўш дунёда ёлғиз кунларим  
Бахтга зор қўлларим ойга етмайди.

Оҳ, менинг қўлларим ойга етмайди.

## 2

Йўл юрдим, мўл юрдим, кўл юрдим,  
Йўлимни шарт кесиб ўтди оқ илон.  
Бўғзимга суякдек тиқилди қўшиқ,  
Ишқинг оғусидек томчилар осмон.

Қабртош сингари унутилдим-ку,  
Юракни эритар ойнинг шуъласи.  
Моҳтоб қутбидаги булут эдим-ку,  
Ой, ҳар ерда сени ёдим қўлласин!

Чумоли карвони туялар мисол..  
Хотирам қопусин гоҳида чертгин.  
Сандиқда қўнғироқ қўриқлар ҳилол,  
Оқизоқ нон каби оқиблар кетгин.

Ой дедим, парча дедим,  
Осмонга дарча дедим.  
Чиройинг ёлқинида  
Куяди барча дедим.

Ой дедим, сара дедим,  
Менга ҳам қара дедим.  
Муштоқ қўлларим билан  
Сочингни тара дедим.

Уйқу чодирини йиғдим ўтовдай,  
Қудуққа термилиб чертдим дўмбира.  
Ярим мамлакатни олган жировдай  
Таслим этмоқчийдим ойни бир сира.

Бош сардор топширди мулку молини,  
Олтин калитларни келтирди қалъа.  
Ёритиб мағлубнинг қайлу қолини  
Ойдан тўкиларди мунаввар шуъла.

Ханжарлар сопида ой ялтиллади,  
Қиличлар ҳилолдай ёғдуландилар.  
Шайхлар газовотда мардлик тилади,  
Юраклар уйғонди уйқуларидан.

Отларнинг ёлидан тўкилди шиддат,  
Тулпорлар кўзига қадалди найза.  
Сувлиғу жиловдан чиқди итоат,  
Яшил ялов бўлиб ҳилпирар майса.

Умуртқа узилди, қовурға синди,  
Совутлар ёрилди, йиртилди мешлар.  
Муштларнинг остида эзилди киндик,  
Бошларнинг косаси ўқдан тешилар.

Минқорига чархлар тирноғин калхат,  
Юрагига қувват сўрайди бургут.  
Насибани кўриб бўрилар карахт,  
Шер, барслар сақлайди зумуррад сукут.

Шамол қочиб борар жондай йироққа,  
Тупроқ шаҳидларнинг кўзин ёпади.  
Фонусдай чайқалган қора қирғоқда  
Дунё ой шаклида шоҳид топади.

Хобим чодирини тикдим тамуйга,  
Май тўла хумдай  
ой нурига тўлдим.  
Ой нурининг шитир-шитир куйида  
Ҳатто уйқумда ҳам...  
ойпараст бўлдим.

## 3

Семурғ томоғидан ичдим томчи сув,  
 Қошларимни судраб кетди самандар.  
 Кўзкосамда сочин ювди ойсулув,  
 Бир қўлида санжоқ, бирида соғар.

Қаландар қодирнинг қаламравида,  
 Белбоғида ярим гавҳаршабчироғ,  
 Азозил фалакда ҳилол овида,  
 Файба Азроил жонимга одоғ.

Масжиди жомеъга оёқлар хуфтон,  
 Дарахт – ерни ёриб чиққан муножот.  
 Гетий – тўнкарилган гумбаз юлдуздон,  
 Фаною бақога қамар шаҳодат.

Белини боғлайди қамиш баланд, паст,  
 Бешикдай чайқалиб келади тобут.  
 Қароғ томиб борар эриб мумга хос,  
 Сўнгалар таратар йиғи мисли уд.

Саждагоҳ аршида ҳилолдир қия,  
 Янги ой нур суртган лабларда такбир.  
 Очун гумбазида туғ, ҳилолия,  
 Ўн беш кунлик ойнинг болалиги – қабр.

Тошлар нигоҳимга гул тутиб кирар,  
 Юракдан суғурар пайкон  
 қуш тили.  
 Ой ёғдуси каби сўнгсиздир йиллар,  
 Қалбимнинг қонида ҳилолнинг мили.

Кўзимнинг устида, қошим остида  
 Гиёҳдай кўкарган севги тумори.  
 Субҳи содиқ остидаги сабо сасида  
 Ойнинг фироғию ойнинг хумори.

Ўйга ўқ тортгандим, гириш узилди,  
 Шабистонда йўлинг ёришди, шўбон.  
 Ой излаб «Кўрагон Жидди» тузилди...

Хайр, эй отамнинг уйи – қабристон.

## 4

Алвон дарпардада кезарди титроқ,  
 Ойдек нур таратиб ётар эдингиз.  
 Китоблар сочилган, хона тўзгиган,  
 Хонани ёритган эди тунчироқ.

Лабларингиз соҳилларидан  
 Ой нурини ичиб тўймадим.  
 Тош эканман – оғушингизда  
 Ўтга тушган хасдай куймадим.

Ў чўмилиб тилла сувига,  
 Ой нурига артинганмисиз?  
 Вужудим ёрилган ердай қақраган,  
 Оби кавсар бўлиб ё инганмисиз?

Ойнинг нурларидек киприкларингиз  
 Силаса –  
 юзимдан  
 Кулгу чумчуқлари учдилар.  
 Нигоҳларим изиллаган мусичалардек  
 Юзингиз тўрига тушдилар.

Кўксимга оҳиста бош қўйдингиз,  
 Сочингиз тўлдирди кўксимни.  
 Кафтингиз сир очар кўкракларимда,  
 Кўзларингиз ипак қафасдир.

Қорачўғингиз –  
 Тили кесиб ташланган бахти қаро қуш.  
 Ой нур сепган талъатингизда  
 Тишларим-ла тортадирман қўш.

Қуёш – олтин қафас,  
 Қақнус яратувчи ўт қафасдадир.  
 Қақнуслар занжирда,  
 Капалаклар асир,  
 Кабутарлар банди.  
 Бўғотларнинг тили музлаган  
 Икки қанот деразададир.  
 Товуслар жарда.  
 Анор – қаср,  
 Деворларини  
 Болаликнинг кунлари урар.  
 Болаликнинг кунлари эса  
 Ҳовлидевор мисоли нурар.

Гар қуёшнинг қафаси синса,  
 Дунёга ўт тушади.  
 Ишқ эса, кўзи кўр ишқ эса  
 Қуёшдан-да юқориоқ кўчади...

Дедингиз: – Сезаман, жуда сезаман,  
 Севмайсиз, барибир, мени севмайсиз.  
 Ўғил туғсам эди сизга ўхшаган...  
 Севмайсиз, дил узиб лекин кетмайсиз.

Мен дедим: – Ичайин кўзингиз ёшин,  
 Бошимда кўтарай дардингиз тошин.  
 Оқдим мушк-анбарий тўлқинингизда,  
 Энди нажот билай сочингиз мавжин.

Дедингиз: – Гадойим бўлсангиз эди,  
 Бировнинг хатоси бўлсангиз эди.  
 Ўғлим бўлса эди сиздек қаро кўз...  
 Боламнинг отаси бўлсангиз эди.

Дедим: – Юраккача чўккан эдим мен,  
 Синган тишларимни эккан эдим мен.  
 Сиз келар йўлларни қўйлагим билан  
 Супириб, кўз ёшлар сепган эдим мен.

Дедингиз: – Қандай соз эди илк кунлар,  
Мен сизни, мен сизни пойлаган тунлар.  
Мен ёрти севгини истамайман, йўқ,  
Мени шундай севинг, куйсин мажнунлар.

Дедингиз: – Хазонли оқарди анҳор,  
Унутмадингизми, қушлар беқарор.  
Телеминорадан тўкиларди нур,  
Шоирдек шеър ўқиб бердингиз бисёр.

Дедингиз: – У дамлар соз эди не чоғ,  
Лек бугун дилимда шубҳа ва титроқ.  
Ортиқ чидолмайман... кетаман... буткул...  
Сиз ҳам хонамга ҳеч босмангиз оёқ.

Мен дедим: – Қовурғам тараша бўлсин,  
Сизга таъзим ойга яраша бўлсин.  
Кемам елканлари йиртилмасинлар,  
Хиаматларингизда фаришта бўлсин.

Мен дедим: – Менинг ҳам кўнглим тош эмас,  
Сизсиз ўтган куним ёғдупош эмас.  
Сизни йўқотиш ҳам бор бўлса агар,  
Бу йигитлик бошим, асли, бош эмас.

Дедингиз: – Эр бўлинг ҳам падар бўлинг,  
Аёл, болангизга жон қадар бўлинг.  
Мендан ҳам чиройли бир қиз йўлиқсин,  
Менинг дилимдаги пок қадар бўлинг.

Мен дедим: – Майлига, мени ҳеч кутманг,  
Мени деб заҳр қўшиб қоронғу ютманг.  
Сиз мендан бахтлироқ бўлинг ва лекин  
Ҳеч қачон, ҳеч қачон мени унутманг...

## 5

Равон су(в)лар сизни оқизиб кетди,  
 Олтин қалқон каби чўкдингиз кўлга.  
 Сочингиз бўйига ялпиз бош ювди,  
 Бир кўк юлдуз ортингиздан отланди йўлга.

Мен эски қудуқдай нураб ётибман,  
 Ичим тўла ҳасрат.  
 Соғинчим сувидан сугориб  
 Соянгизни нилуфардай ўстираман.

Ўнта бармоғингиз – ўнта малойик,  
 Ўнта тирноғингиз – ўнта тиллақош.  
 Маликам, шафақгун кафтларингизга  
 Хино қўёлмагай милёнта наққош.

Ўнта бармоғингизни ўн йигит севса арзир:  
 Сизнинг қошингизни севаман,  
 Сизнинг кўзингизни севаман,  
 Сизнинг юзингизни, сизнинг лабингизни,  
 Сизнинг...  
 Сиз менинг...  
 Сиз менинг қалбимда яшайсиз.

Яшайсиз теракдаги қушлар инида.  
 Ухласам – тўрғайдай томим тепасида,  
 Уйғонсам – сиз мендан қоча бошлайсиз.  
 Юлдузлар – нур наҳрида оққан шиллиққурт,  
 Чиганоқ – нурдон,  
 Ой – тумор,  
 кўзтикан.  
 Оппоқ қарғаларга тўла шабистон.

Тегирмон айлансин тонгни шопириб,  
 Чинни косаларга ширчой тўлдирсин.  
 Чархпалак парраги бойўғлиларнинг  
 Томоғи остини қитиқлаб кулдирсин.

Кўршапалакларнинг кўзчаногини  
Қадаҳ этиб зиё ичсин чинорлар.  
Юрагим ёрғучоқ мисол айланиб,  
Оёққа турсин-ей ишқдан беморлар.

Сомон йўлларида карвон кўрдим-эй,  
Кишваримдан менинг лекин ўтмайди.  
Чўлларда адашди, ҳайрон кўрдим-эй,  
Ойга, осмонларга қўлим етмайди.

## 6

Арава бешикдай тебранар,  
Бу ҳалинчак йўллар аллалар нени?  
Мен ойни қидириб кетиб боряпман,  
Саксовул бекати, кутиб ол мени.

Юлдузлар қилади муршидлик,  
Турналар қанотма-қанот узатиб  
Хазинадек олиб еларлар хабар.  
Сомон йўлларида излабон келдим,  
Йўлимни ёритиб турибди қамар.

Руҳим дарахтидан хазон тўкилди,  
Узилган барг ўрни яра – битмайди.  
Шам қилиб йўлимни ёритай десам,  
Оҳ, менинг қўлларим ойга етмайди.

Булут, кўзим бўлиб йиғлама, чақмоқ,  
Юзим терисини йиртиб кулмагин.  
Кўксимда муҳаббат гули очилди,  
Шамол, тишларингни қайраб юлмагин.

Филдиракнинг ўқи юракка ботган,  
Юрагим филдирак бўлиб айланар.  
Ойнинг ришталари – фаришталари  
Кўзларим нурига бойланар.

Елкамга ташлади дунё ўз юкин –  
Ораулар тумани, умидлар туни.  
Фироқ диёридан бораётирман,  
Юлғунзор бекати, кутиб ол мени.

Юрагим учқундай айланиб  
Моҳитоб ёғдусин йигирар яна.  
Шу ойдай қизингни сотиб олайин,  
Тилла тангаларинг бер, Сўғдиёна.

Ўткирлашиб борар, кучайиб борар  
Соғинч ҳам шаробдай вақт ўтган сайин.  
Кўксим косасига ишқ заҳри тўла –  
Мен кетиб боряпман ой сари.

Агар мени ўлдирса  
Ўлдирар севгинг заҳри.  
Бўгин, иликларимга  
Тўла шу аччиқ дори.

Товоним ёрилди, тирноғим синди,  
Жигаримни еди даштнинг бургути.  
Кузда топган эдим сариқ япроқдек,  
Олиб кетди кузги хазон тобути.

Кузда топсанг толе ҳам  
Хазон бўлар, барибир...

Муҳаббат хазонин кўксимга босиб  
Мен кетиб боряпман **Ой сари.**

## МУНДАРИЖА

Иссиқ уй.....	3
Ватан.....	5
Она тилим.....	6
Темур муҳри.....	8
Ўзбек офицерлари.....	10
Юртим менинг.....	12
«Оламни ўзгартирди қор...».....	13
Катта офтоб.....	14
Қор маликаси.....	15
Ёшлар қўшиғи.....	16
Таътилда.....	17
«Қайтар дунё, қайтар дунё, дунё қайтар...».....	18
Соф нафаслар.....	19
Сарбаст севги.....	20
Маним онам.....	21
«Хирмон – бир ҳовуч тонг...».....	22
Октябрь.....	23
«Дарахтларга чиқиб олган тонг...».....	24
Ёмғир.....	25
Қора осмон.....	26
«Мункиллаган қария – қуёш...».....	29
«Ой сариқ тулкидек қочиб боради...».....	29
Тош.....	30
Аёл.....	31
«Бугун шанба, эрта якшанба...».....	32
Ҳамқишлоғим Ҳусниддинга.....	33
Дунё.....	34
Энг ҳалол гуноҳ.....	36
Тун.....	37
Тошлоқда.....	39
«Сени ишонмадим дунёга...».....	40

«Баҳор келса – келади аёл...» .....	41
«Кеча кечди кўчадан...» .....	42
«Кўзларимнинг бири ёш тўкар...» .....	42
Янги йил .....	43
Қишлоқдаги аёл .....	45
«Гўзадай серҳосил аёлнинг...» .....	46
Куртак .....	47
«Юрагим кўзгусига соясин ташлаб ўтди...» .....	48
«Мен жони офриган тоғман...» .....	49
«Ойнинг кўзларига қонлар тўлади...» .....	50
«Эртага мен бахтли бўламан...» .....	50
Тоғ манзараси .....	51
Ўттиз япроқ .....	52
Болаликнинг баҳори .....	57
Қайдан бошланасан, қишлоғим .....	58
Ёрилтош .....	63
«Янглиш момом хотирасига...» .....	63
Сўз айтдим .....	64
Момом учун тўқилган эртақ .....	66
Янги ой .....	68
Доскага қаранг .....	69
Орқага .....	71
Араванинг қўшиғи .....	73
Ям-яшил ниҳол .....	75
Хато .....	77
Она .....	79
Қайтиш .....	80
Купеда .....	81
Ука .....	82
Болалик .....	83
Менинг футболларим .....	84

Узоқларда.....	85
Умр.....	86
Май.....	87
Ака.....	88
Бобо ва набира.....	89
Ференц Лист.....	91
Уйимга мактуб.....	92
Ўнинчи синф.....	94
Онамга хат.....	95
<b>Шимол оҳанглари. Туркум.....</b>	<b>98</b>
«Кўз-кўз қилиб сарвқоматин...».....	98
«Балалайка қиқирлайди шўх...».....	98
«Подасидан четроққа чиқиб...».....	99
«Отлар тортган улкан чанада...».....	99
«Саватчага гуллар тўлдириб...».....	100
«Яшил қонлар исён кўтарган...».....	100
«Ой қудуққа туша бошлади...».....	100
Фикр.....	102
<b>Отам портретига чизгилар. Туркум.....</b>	<b>103</b>
«Низоғини қуёш чархлайди...».....	103
«Қаровсиз кетмондай тоблар ташлади...».....	103
Агар.....	103
«Илдизлари Антарктидада...».....	104
«Чақмоқни кўзида синдирар...».....	104
«Қовоқлари қуёш тугади...».....	105
«Қуёшни...».....	105
«Қоядаги лолага ўхшаб...».....	105
«Қуёш нондай ёпилган пешоналарда...».....	106
«Сув кечади тиззасигача...».....	106
«Ота, сенинг қора умрингдан...».....	106
«Сен ернинг шўрини ювасан...».....	107

Саҳар .....	107
«Оналар – кузга қолган бошоқлар каби...» .....	108
«Ёз каби судралиб ўтади...» .....	108
«Ҳақиқат бошини ҳам қилганида...» .....	108
Аскарга жўнаш .....	109
Чол .....	109
«Отам соқолининг эгатларида...» .....	110
«Болалик...» .....	110
«Чойхоначи самоварга ўтин қалайди...» .....	110
«Ота, сен меҳнатни танийсан фақат...» .....	111
Отамнинг шеъри .....	111
«Ота, деҳқон эмас, сен пахтакорсан...» .....	112
31 мартдан 1 апрелга ўтар кеча .....	112
«Чўнтакдаги тангани қуёш қиздирар...» .....	113
«Парилар, ўйласам тишларим огрийди...» .....	113
«Ота, бир сўз топсам сенга муносиб...» .....	114
Баҳор .....	115
Узумзор .....	115
1985 йил 16 октябрь .....	116
Октябрь .....	116
Менинг отам .....	117
«Юрак саҳронинг қоқ ўртасидаги...» .....	117
«Тун. Тақир ёригида ўсади қайғу...» .....	118
Ҳосил тўйи .....	118
Афв .....	119
«Тушимда юксакда учдим уқобдай...» .....	119
Ток .....	120
«Улкан гулдасталар тутган дарахтлар...» .....	121
«Ойдан сузиб чиқдинг...» .....	122
«Туннинг хат тарқатувчиси – қурбақа...» .....	123
«Кўча – дарё тўла тун – сокин...» .....	124

«Олма дарахт, улкан шоирсан...»	125
«Кўкламда майсалар унган томларда...»	125
Кўҳна оҳанглар	126
Оқ соч	127
Онам портрети	128
Айвазовский	129
Тун. Натюрморт	130
«Томга қоқилган паррак...»	130
Болалик	131
Кўнглимни тарк этиб ҳабиб ҳумойлар...»	132
Юрак	133
Шоир	134
Кутиш	135
Укамнинг портрети	136
«Тош, деразамни синдиргин...»	136
Оҳ	137
«Бир тошқин исмга айланди тунлар...»	138
Эпифаниялар	139
«Деворлар – фурсат тасмаси...»	140
Ғазалкент боғлари	141
Олов	142
«Келдим қошингизга сизни кўргали...»	143
Мубориз	144
Инсон манзаралари	146
Тили узун одам	146
Қўли узун одам	146
Тили қисқа одам	147
Қўли қисқа одам	147
Юлдуз	148
«Йиғла, йиғла – кўзинг ёшидан...»	149
Азал ҳукми	150

«Ёнимда аёл ухлар...».....	151
«Бу жаҳон айвонида...» .....	152
«Нигунларнинг сафидан танлаб...» .....	153
«Ёшлигимнинг осмонларида...» .....	155
Ўтди .....	157
«Осмон тўла юлдузлар...» .....	158
«Чеҳраси ой, мағрур қиз...» .....	160
Ёшлик боғлари.....	161
«Тун билан кун гаровларда...» .....	162
Альбомга .....	163
Пушаймонлик.....	164
Сен.....	164
«Майсаларга нур элтган сўқмоқ...» .....	164
Аёлини йўқотган эркак ёки гулдон ҳақида баллада.....	165
«Атиргул рангини кийди хаёлим...» .....	168
Севгим келди.....	169
«Кўкрагига ғулу кирган-эй...» .....	170
«Келган келди. Кетганлар кетди...».....	171
«Қўлларимдан тутманг, кетаман...» .....	172
«Иш тугайди. Ишдан олдинроқ...».....	174
«Бу ерга келмоқчи эмасдим сира...».....	176
Эҳтимол.....	177
Тарих тегирмони.....	178
«Ҳаммаси бир дамда тугади. Тамом...» .....	179
«Мендан аразлади. Терс ўгирилди...» .....	180
«Одамлар ухласин, қушлар тин олсин...» .....	181
«Тақдирни қарғама, ўксинма, овун...» .....	181
Онам учун .....	182
Сен дединг.....	183
Сенинг.....	184
Ўтинчи қиз .....	185

«Куз япроқлар эмас, сўзлар совурди...».....	188
Хорижда.....	189
«Жамолинг нурига ташнаман...».....	190
Қишлоқда.....	191
Топмадим.....	192
Ёруғликка интилар гул.....	193
Қалдирғочга.....	194
Ота ҳовли.....	195
Болалик кўчаларида.....	197
Соҳил. Қиз.....	199
Юрагим ичига беркиниб.....	202
«Нечун эшик чертдим бемаҳал?!...».....	203
Сиз эртага келасиз.....	204
«Ишонинг, бир умр содиқ қоламан...».....	206
«Уйғониб кетаман ярим кечаси...».....	207
«Ёри кўпу ёлғиз дилим...».....	208
«Мана гугурт, мана тош, мана...».....	210
«Мен келдим...».....	212
«Биламан: сенсиз ҳеч яшай олмайман...».....	214
«Мен сизни танидим...».....	215
«Турасиз, пальтони киясиз енгил...».....	216
«Яхши етиб олинг, яхши дам олинг...».....	218
«У келди. Ёнида Шахло бор эди...».....	219
«Хайр, сизнинг йўлингиз бошқа...».....	220
«Аёл турмушига кирди муҳтожлик...».....	221
«Ўн йилдан ўнта гўр қолди ортимда...».....	222
«Ҳар кечаси тўшагинга тўшар экан заъфар нурин...».....	223
«Кетаяпсиз. Бир нафас тўхтанг...».....	224
«Ҳилол, тилма тилларанг дилни...».....	226
«Тун кечмоқда аста жаранглаб...».....	227
«Наҳот, яна соғинаяпман...».....	228

«Бу ҳаётнинг бозорларига...»	229
«Сизни севмоқ ёки севмаслик...»	231
«Мен чин севдим! Ўттиз ёшимни...»	232
«Юрагимга оғриқ бегона...»	233
Шоир	234
«Вокзал. Танимайди биров-бировни...»	235
«Ўзим ёниб, ўзим ўчдим ҳужраларда...»	237
«Мени маҳзун кўрсанг...»	238
«Яшна, гулим...»	239
«Бу кеча тош отиб синдирдим ойни...»	240
«Тонгга қадар қор эрийди...»	242
Чироқлар ўчдилар	244
«Эй Худо...»	245
«Эрталаб. Гулларга бир-бир сув қуйинг...»	246
Оқ теракми, кўк терак?	248
«Ухлаётган боғни уйғотдинг...»	250
«Мен қуёшни севардим: жуда баландда эди...»	251
Яшил аёл	252
«Кўзим оқи оқиб тушди...»	253
«Кўзларингни ерга тўкма...»	254
Қаровсиз юрт	255
Эртак	256
«Бу ерларга учуриб келди мени шамоллар...»	257
Керак	258
«Ёмғир ёғиб бўлди, қор ёғиб бўлди...»	259
Жанггоҳда	260
Сен	261
«Музқаймоқ ер эди менинг қўлимдан...»	262
«Уйғонарми кўнгил тошлари...»	263
Кўрдим	264
«Ловуллаб ёнар довул...»	265

Кузатиш.....	266
«Тоғларнинг тип-тикка қояларида...» .....	267
Қул.....	268
Зидловчи боғловчилар.....	269
«Ўқ теккан қуш патидек тўзғир бахтли кунларим...» .....	270
Иш.....	271
«Яна куяяпман. Яна бошланди...» .....	272
«Беш йилки севгингиз билан яшадим...» .....	273
«Сочларини ечиб юборди...» .....	274
Наргис ҳақида баллада.....	275
Ой тўлди.....	277
Боғда.....	278
«Келдинг. Гуллар очилар...» .....	279
«Эй сиз – эски таниш, эй сиз – янги дўст...» .....	280
«Ортиқ бу мушкулга чидай олмайман...» .....	281
«Эски қартасини чийлар қиморбоз...» .....	282
Чархпалак.....	284
Хуш қол.....	285
«Тушларимда кўрмадим нега...» .....	286
«Тўхтамасдан ўтгил ёнимдан...» .....	287
«Рақс. Қўллар. Оёқлар. Фикр...» .....	288
«У даврага келди. Ўтирди...» .....	289
«Юриб ўтди олов ичидан...» .....	291
Куз сонатаси.....	292
Яшил гиёҳ.....	294
«Бунча чуқур кулгичларинг бор...» .....	295
«Кўча совуқ. Тиззагача қор...» .....	296
«Деразага юзин босган...» .....	297
«Чўктирмагил асло кўнглингни...» .....	300
«Эрталабдан, қуёш чиқмасдан...» .....	302
Чумчуқ.....	303

«Нима бўлди сизга? Хафасиз...»	304
«Деразадан қарайсиз. Ҳовли...»	306
«Сезмадимми, қачон ёнимдан...»	308
«Чолдеворга суяб қўйилган...»	310
Ҳолат	311
«Кўрдим – кўзларимга яна ўт тушди...»	312
«Келмайсиз деб қўрққан эдим мен...»	313
«Шундай енгил, шундай тоза гул...»	314
«Ёғаётган ёмғирда – малол...»	315
Якшанба	316
Болалик оқшоми	318
Баланд дарахтлар	319
Авария	320
Дўкон	322
«Писта сотиб ўтирар хола...»	323
«Фалакларнинг юксак тоқида...»	324
«Мактабларнинг боғлари...»	325
«Энди яна қаерда, қачон...»	326
Пичоқ	327
«Бари ўтди. Тугади. Тамом...»	328
«Чалкаштириб оёғингизни...»	329
«Қор ёғмоқда. Ошиқлар оҳин...»	331
Қиш тасвири	333
«Бўғотлардан тушар сумалак...»	334
«Нега бунча ёлғизман, айтинг...»	335
Касаллик	337
«Ёз ўтди – умрнинг шашти қайтганда...»	338
«Кўзимга кўринди яна тарози...»	339
«Кафтим тароғида сочим тарайман...»	340
«Яхши-ёмон сўз айтдим, нетай...»	341
«Бору йўқлигинга гумон етдимми...»	343

«Учқур тулпорингни қозиққа боғла...» .....	344
«Ёшлиқнинг жилови кетдими қўлдан?...» .....	345
Сен ҳам одам бўл энди .....	346
Баҳор.....	347
Ҳасрат.....	349
Ватан расми.....	350
Улғайиш .....	352
Олтинсой.....	353
Тиллақош.....	354
Жавоб .....	355
«Фурсат етса, ҳаловат ҳам меҳнат бўлар...» .....	356
«Э воҳ, билагингдан қувват кетганда...» .....	357
Устознинг гапи .....	358
Укам Раҳматга. 1981.....	360
«Тоза осмонларда йўл йўқ, чамаси...» .....	361
Гул соғинчи.....	361
Ҳақиқат .....	362
«Нима қилиб қўйдинг, ҳой рассом...» .....	363
Ресторанда .....	364
Кўнгилга сафар ( <i>Қирқ байт</i> ).....	365
Ватан.....	369

### Достонлар

Ёлғизият. ....	370
Узоқ сафарлар ( <i>Достондан парча</i> ) .....	374
Тунчироқ. ....	378

*Адабий-бадиий нашр*

**САЛИМ АШУР**

# **КАТТА ОФТОБ**

*Шеърлар ва дostonлар*

**Муҳаррир:** Абдулла ШАРОПОВ

**Мусаҳҳиҳ:** Марҳабо ЖЎРАЕВА

**Техник муҳаррир:** Алимардон АҚИЛОВ

**Бадиий муҳаррир:** Хуршид ИБРОҶИМОВ

Нашриёт лицензияси: АИ №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 13.03.2013 й.

Босишга рухсат этилди: 08.07.2013 й.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>.

Journal гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Ҳисоб-нашриёт т.: 12,24. Шартли б.т.: 21.

Адади: 1000 нусха.

Буюртма № 46

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди.

100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20<sup>А</sup>-мавзе 42-уй.

**Тел.:** (+99871) 217-16-77.

**e-mail:** akademnashr@mail.ru

**web-site:** www.akademnashr.uz

«AL-ALKOM TRADE» МЧЖнинг матбаа бўлимида чоп этилди.

100115 Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-а уй.